

И.Ғ.Низомиддинов

XVI-XVIII
АСРЛАРДА
ЎРТА
ОСИЁ-
ХИНДИСТОН
МУНОСА-
БАТЛАРИ

“ФАН”

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

И. Ф. НИЗОМИДДИНОВ

XVI—XVIII АСРЛАРДА
ЎРТА ОСИЁ—ХИНДИСТОН
МУНОСАБАТЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ-1966

Уибү асар XVI—XVIII асрларда Мұғуллар империяси билан Бухоро хонлиги үртасида олиб борилған иқтисодий ва сиёсий муносабатларга бағышланған бұлыб, үнді иккі мамлекет үртасидаги муносабатларнинг изшил ва улар манбаатларига мөс эканлигиниң құләзма манбалар ва ҳужжатлар асосида исботлашға ҳаракат қилинади. Шунингдек, китобда илова қилинған ҳужжатларнинг асл нұсқаси ва уларнинг ўзбек тилиге қилинған таржимаси ўзбек, тоғыз ва Үрта Осіёда яшовчи бошқа халқларнинг маданий меросини үрганишда ҳам мұхым роль үйнайды.

Китоб тарихчи ва шарқшуносларга, студентларга ҳамда Үрта Осіё ва Ҳиндистон муносабатлари билан қизиқувчи кенг ұқывчилар оммасига мұлжалланған.

Масъул мұҳаррирлар:

Тарих фанлари кандидатлари

И. М. ҲОШИМОВ ва Б. А. АХМЕДОВ

КИРИШ

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси үртасидаги дүстона, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ўзининг күп асрлик тарихига эга булып, Ҳиндистон мустақиллікка әришгай сұнгги йилларда эса бу муносабатларнинг ривожланишида катта имкониятлар яратылды. Натижада ана шу масалалар ва уларнинг тарихига оид күп илмий асарлар, мақолалар ва архив ҳужжатлари босилиб чиқдикі, улар ҳар иккі мамлекет үртасидаги муносабатларни равшанлаштырышда мұхим ақамиятта әгадирлар¹.

Бевосита Үрта Осіё ва Ҳиндистон муносабатлари масаласы юзасидан ҳам баъзи бир ишлар қилинди². Совет тад-

¹ Н. М. Гольдберг, Русско-индийские отношения в XVII в., Ученые записки Тихookeанского института, т. II, М.—Л., 1949; А. Н. Юхт, Индийская колония в Астрахани. Қаранг: журн. «Вопросы истории», 1957; Е. Я. Люстernik, Русско-индийские экономические связи в XIX в., М., «Русско-индийские отношения в XVII в.», Сборник материалов, М., 1958; Р. М. Кемп, Bharat—Rus, an Introduction to Indo-Russian Contacts and Travels from Medieval Times to the October Rev., Delhi, ISCUS, 1958. (Кейнгі сақыфаларда — Р. М. Кемп, Bharat—Rus.).

² К. А. Антонова, Очерки общественных отношений и политического строя Монгольской Индии времен Акбара (1556—1605), М., Изд-во АН СССР, 1952, стр. 234—237. (Кейнгі сақыфаларда — К. А. Антонова, Очерки общественных отношений...); А. А. Семенов, К вопросу о культурно-политических связях Бухары и «Великомонгольской» Индии в XVII в., Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии, М.—Л., стр. 7—19; Н. Б. Байкова, Роль Средней Азии в русско-индийских торговых связях (первая половина XVI — вторая половина XVIII в.), Ташкент, Изд-во «Наука» УзССР, 1964; У. А. Рустамов, К истории изучения экономических, политических и культурных связей между народами Индии и Средней Азии, Труды Института Востоковедения АН УзССР, вып. 4, Ташкент, 1956; П. Расулзаде, Из истории индо-среднеазиатских политических взаимоотношений во второй половине XIX в., в сб. «Взаимоотношения народов Средней Азии с сопредельными странами Востока», Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1963, стр. 173—194; Н. Низомиддинов, Үрта Осіёнинг чет эл Шарқи билан муносабатлари, Тошкент, Үздавнашр, 1961, 5—43, 100—108-бетлар.

қиқотчиларидан биринчи бўлиб тарих фанлари доктори К. А. Антонова «Акбар даври Мўгул Ҳиндистошдаги ижтимоий муносабатлар ва сиёсий тузум очерклари» номли йирик асарида Акбар давлатининг Бухоро хонлиги билан олиб борган дипломатик муносабатлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтади.

К. А. Антонова қарийб 50 йиллик муносабатлар тарихини бир қанча саҳифаларда баён қилса ҳам текширилаётган масалаларни чуқур ўрганиб, тўғри хуносалар чиқаради.

Ҳинд ва Ғарбий Европа буржуа олимлари Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари тарихига оид бирмунча ишлар қилганлар. Биз ушбу ишни ёзишда немис олими Ф. А. Ноер ва ҳинд тарихчиси Р. Ч. Варма асарларидан ҳам танқидий фойдаландик³.

Сўнгги йилларда Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларининг тарихий алоқаларига багишланган бир қанча асарлар нашр қилинган бўлса ҳам бу соҳада ҳали кўпгина планий-тадқиқот ишлари олиб бориши лозим. Чунки бу борада, хусусан, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатларини ўрганишда барча мавжуд қимматли қўллэзма асарлар ва ҳужжатлардан етарли даражада фойдаланилмаган. Чет эл олимлари, шу жумладан, ҳинд тарихчилари ҳам Ўрта Осиё — Ҳиндистон муносабатларини ўрганишда асосан ҳинд манбаларига, совет олимлари эса маҳаллий манбаларга асосланганлар.

Биз ушбу ишни ёзишда ҳар икки мамлакат — Бухоро хонлиги ва Ҳиндистон тарихига оид қўллэзма ва литографик асарлардан имконияти борича фойдаланишга ҳаракат қилдик. Бу ерда мисол тариқасида Бухоро тарихига оид асарлар қаторида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома»сини, Муҳаммад Толиб бинни Тожиддин Ҳасанхўжанинг «Матлабут-Толибин», Муҳаммад Юсуф Муншининг «Тарихи Муқимхоний» китобини ва Мўғуллар империяси тарихига оид Абулфазл Алломийнинг «Тарихи Акбаршоҳий», Бадавонийнинг «Мунтахабут-таворих», Мирза Муҳаммад Ҳодининг «Тузуки Жаҳонгирий», Бахтовархоннинг «Миротул олам», Мирза Муҳаммад Соқийнинг «Оламгирнома» ва бошқа асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бухоро — Ҳиндистон муносабатларини ўрганишда Эрон давлатининг ички ва ташқи сиёсатини яхши билиш муҳим

³ F. A. De Noer, L'Empereur Akbar, Leide, 1883. (Кейинги саҳифаларда — Ф. А. Ноер, Акбар империяси). Биз Ноер асаришинг франциз тилинига таржима қилинган нашридан фойдаландик. Ramesh Chandra Varma, Akbar and Abdulla-khan, «Islamic culture», vol. XXI, № 4, October, 1937, p. 379—389. (Кейинги саҳифаларда — Р. Ч. Варма, Акбар ва Адуллахон).

роль ўйнайди. Шунга кўра, бу ўринда эътиборли эрон тарихчи Искандар Муншининг «Тарихи оламоройи Аббосий» номли асаридан ҳам кенг фойдаланилди.

Қўлёзма асарларнинг муаллифлари сарой тарихчилари бўлганлиги сабабли улар шоҳларни қудратли, улуғ қилиб тасвирилашга уриниб, кўпгина масалаларни тўғри ёритмаганлар, шу туфайли уларнинг далил ва мулоҳазаларига танқидий назар билан қарамоқ даркор. Биз, ўрганилаётган масалаларни тўғри тушуниш ва таҳлил этишда қўлёзма асарлардаги далилларни бошқа адабиётлардаги далиллар билан солиширишга, бу иккала мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий аҳволини, ўша даврдаги халқаро вазиятни ҳар томонлама назарга олишга ҳаракат қилдик.

Бухоро — Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг биз текшираётган даврдаги аҳволини ўрганишда ушбу ишда истифода қилинган (ўзбек тилига таржима қилиниб форс-тожик тилидаги асл нусхаси илова қилинган) 15 та ҳужжат алоҳида қимматга эгадир.

Бу ҳужжатлар Бухоро хонлари билан ҳинд подшолари нинг ўзаро бир-бирларига ёзган мактуб ва номалари бўлиб, улар ҳар икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий муносабатларида ва бу муносабатларни ўрганишда ниҳоятда муҳим роль ўйнайди.

Бухоро хонлари томонидан Ҳиндистон подшоларига юборилган мактублар (№№ I, V, VII, VIII, IX, X, XI, XII, XIII, XIV, XV) Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондига қарашли 289 рақамли, шунингдек, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик бўлимида сақланаётган 102 рақамли қўлёзма китоблардан (VI мактуб) олинди. Бу ҳужжатлар кўрсатилган қўлёзма асарлардан бўлак манбаларда учрамагани сабабли, уларнинг асл нусхаси ва таржимаси танқидий текширилмади.

Мўгуллар империясидан Бухоро хонлигига юборилган ҳужжатлар асосан, Акбаршоҳ номидан Абдуллахонга ёзилган учта мактуб бўлиб (II, III, IV мактублар), бу мактубларнинг матни 1863 йили Лакиавда литография йўли билан босилиб чиққан «Абулфазл · Алломий мактублари»⁴дан кўчирилди. Ушбу литографик нашрни ЎЗФАШИ қўлёзмалар фондидаги сақланаётган «Абулфазл Алломий мактублари» қўлёзмаларининг энг эски нусхаси (№ 7704) билан солишириб,

ابوالفضل علامي مکاتبات ابوالفضل علامي، (Абулфазл Алломий, Макотиботи Абулфазл Алломий, Лакиав, 1863. Кейинги саҳифаларда—«Макотиботи Абулфазл Алломий»).

бу мактублар юзасидан таңқидий матн тузишга әхтиёж йўқ деган қарорга келдик ва шунга кўра, зикр қилинган Акбар. шоҳнинг Абдуллахонга ёзган мактубларининг форс-тоҷик тилидаги асл нусхаси ва таржимасининг Лакнав нашрии асос қилиб олдик. Ҳужжатлар ва уларнинг таржимаси хронологик асосда тартибланди.

Бизга маълум бўлишича, Акбаршоҳнинг Абдуллахонга юборган мактубларидан биттаси (IV мактуб) немис орнен-талисти Ноер томонидан немис тилига⁵, шунингдек, Забар-дастхон элчилиги келтирган Аврангзеб хати проф. А. А. Семенов тарафидан рус тилига таржима қилинган⁶.

Шу икки мактубдан бошқа ҳужжатлар рус ва СССРнинг бошқа ҳалқлари тилларига таржима бўлмаган.

Шундай қилиб, мазкур ҳужжатларнинг кўпчилиги (асл нусхаси ва уларнинг таржимаси) биринчи марта нашр қилинмоқда. Шунга кўра, ушбу ҳужжатларни ўрганишда, уларни таҳлил қилишда ва айниқса, таржимасида баъзи бир хато ва камчиликларга йўл қўйилган бўлиши табиийdir.

⁵ Ф. А. Ноер, Акбар империяси, II том, 207—209-бетлар.

⁶ Мухаммад Юсуф Мунши, Мукимханская история, перевод с тадж. проф. А. А. Семенова, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1956, стр. 140—145. (Кейинги саҳифаларда — Мухаммад Юсуф Мунши, Мукимханская история).

БУХОРО ХОНЛИГИ ВА МҮГУЛЛАР ИМПЕРИЯСИ* УРТАСИДАГИ ЭЛЧИЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрда Мүгуллар империяси ва Бухоро хонлигига сиёсий-ижтимоий аҳвол. Заҳириддин Муҳаммад Бобир асос солган (1526) Мүгуллар империяси унинг набираси Ақбаршоҳ давридан то шоҳ Аврангзебнинг вафотига қадар Ҳиндистонда ягона кучли давлат бўлиб қолади.

Ақбар даврида (1556—1605) Мүгуллар империяси составига шимолда Тибет чегараларидан жанубдаги Годавари дарёсигача ва Фарбда Гужаротдан Шарқда Бангол қўлтиғиғача бўлган улкан территория кирган эди. Ражпутан ҳокимликлари — Мевар ва Марвар (Амбер) ҳамда Гондванада жойлашган бир қанча майда ҳинд рожаликлари ҳам Ақбар империясига бўйсундирилган эди. Шунингдек, Мальва, Берар, Гужарот, Хандеш, Кашмир ва қисман Аҳмаднагардаги мусулмон ҳокимликлари ва сўнгроқ Қандаҳор ҳам империяга қўшиб олинган ва 21 катта суба — ўлкалардан ташкил топган эди¹.

Мүгуллар империяси — феодал жамиятидан иборат бўлиб, императорнинг ўзи эса мамлакатда биринчи катта мулк эгаси ва ер эгалари — феодаллар манфаатини ҳимоя қилувчи давлат бошлифи ҳисобланар эди.

Муғуллар империясида ерга эгаликнинг уч асосий шакли — ҳолиса, жогирдор ва заминдор мавжуд эди.

Ҳолиса ёки давлатга қарашли ерлар подшоҳнинг шахсий мулки ҳисобланиб, улар XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрда барча ҳосилдор ерларнинг саккиздан бир қисмини ташкил қиласа ва бу ерлардан тушган даромад шоҳ ҳамда

* Заҳириддин Муҳаммад Бобир асос солган Ҳиндистондаги бобирийлар давлати тарихда «Мүгуллар империяси» номи билан машҳурdir.

¹ Новая история Индии, М., ИВЛ, 1961, стр. 13.

унинг оиласининг эҳтиежларига, сарой ва шоҳ қушиини таъминлаш учун сарф қилинарди².

Мамлакатдаги дәхқончиликка яроқли асосий ерлар жотирдорлар қўлида эди. «Жогирдор»нинг луғавий маъноси «жой — олган», «жойга эгалик қилувчи» бўлиб, «жогир» асосан ҳарбий хизматлар эвазига тортиқ қилинган ерлардир. Жогир ерлар ворисий ҳисобланмас эди, жогирдорлар ўз ерларининг ҳажмига мувофиқ маълум сондаги қўшинни сақлаш ва таъминлашлари ҳамда зарур бўлган вақтда шу қўшин билан шоҳга ёрдам кўрсатишлари керак эди.

Жогир ерларнинг ҳажми турлича бўлиб, бутун бир паргана — районлар ҳам жогир сифатида тортиқ қилинарди³.

Заминдорлар — маълум ўлка ва қишлоқлардан давлатга тўланиши лозим бўлган ер солигини ижарага олган савдо-гарлар ичидан чиқсан судхўр кишилар эди. Бу ер эгалари ижарага олган ерларига ворисийлик асосида эгалик қилардилар. Заминдорлар асосан Бангол, Биҳар ва Орисса вилоятларида асосий ер эгаларига айланмоқда эдилар.

Юқорида кўрсатилган ерга эгаликнинг учта асосий шакидан ташқари ҳинд руҳонийлари ва рожа ҳамда ройларга тегишли кичик ер эгаликлари ва жамоа ерлари ҳам мавжуд эди.

Жогирдор ва заминдорлар ўз ихтиёларидаги мулкларда мустабид ҳоким эдилар, улар ер солиги сифатида ҳосилнинг кўрсатилган миқдоридан кўп улушини тортиб олар ва бу улуш баъзи ҳолларда ҳосилнинг ярмидан ҳам ортиб кетар эди⁴.

Асосий солиқдан ташқари ҳинд дәхқонлари қўшимча солиқ ва жарималар тўлашга, жумладан, бегор номи билан турли иншоот ва қурилишларда ишлашга мажбур қилинадилар. Бунинг устига Акбар томонидан бекор қилинган, мусулмон бўлмаган — ҳиндулардан талаб қилинадиган жузъя — жон солиги Аврангзеб даврида яна тикланган эди.

Шундай қилиб, Мўғуллар империясида феодал эксплуатацияси кучайган, дәхқонларнинг моддий аҳволи оғирлашган эди. Норозиликнинг кучайиши натижасида ҳалқ қўзғолонлари бўлиб турарди, бу норозиликдан кўпинча ҳинд рожалари ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилардилар.

XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрларда Ҳиндистонда ҳунармандчиликнинг дәхқончиликдан ажралиб чиқиш

² Уша асар, 16-бет.

³ К. А. Антонова, Очерки общественных отношений, стр. 76.

⁴ Новая история Индии, стр. 26—27.

жараёни давом этмоқда эди. Ҳиндистонда ҳунармандчиллик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда маълум касб бўйича бир ширкатга бирлашиш ҳоллари рўй бермоқда эди.

Ҳунармандчиллик маҳсулотларини бошқа вилоятларга олиб бориб сотувчи савдогарлар сони борган сари орта борди.

Ҳунармандлар ўз маҳсулотларини қишлоқ хўжалик молларига айирбошлар ҳам эдилар. Бу кишиларга иқтисодий танқисликка учраган вақтда уларга қишлоқ хўжалик молларини қарз берган ер эгалари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мутлақ арzon баҳода сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлардилар. Ҳунармандларга қарз бериб, улар етишитирган маҳсулотларга эга бўлиш савдогар — судхўрлар томонидан ҳам амалга ошириларди.

Подшога қарашли ерларда ҳам ҳунармандларни ширкатга уюштириш, корхоналарда мажбурий ишлатиш ҳоллари содир бўла бошлаган эди. «Оини Акбарий»да хабар берилишича, сарой қошида тўқувчилар, бўёқчилар, қурол-аслаҳа ишлаб чиқарувчилар уюшмалари ташкил қилиниб, бу корхоналарда ишловчиларга оз миқдорда пул билан ҳақ тўланган⁵.

Корхоналарда «чирэ» номли машҳур тилла суви юритилган матолар, «фўта» — белбоғлар, халатлар учун «жомавар», баҳмал, зарбоп ва қалин ипак матоси — «хара» ҳамда турли хил матолар тўқиб чиқариларди⁶.

Подшо ва катта ер эгалари, савдогар ва судхўрлар томонидан қишлоқ хўжалик молларига алмаштирилган ёки кам ҳақ тўлаб қўлга киритилган ҳунармандчиллик моллари ички ва ташқи бозорларга чиқарилар ва шу йўл билан ҳам катта фойда олинарди. Сайнёҳ Монсерратенинг кўрсатишича, Акбарнинг ўзи йирик савдогар бўлган ва савдодан келтирилган фойдадан ҳазар қилмаган⁷.

Ҳунармандчилликнинг деҳқончиликдан ажralиб чиқиши, ички ва ташқи савдонинг ўсиши пул — товар муносабатларини келтириб чиқарди ва ривожлантириди, бунинг натижасида подшо саройи ва феодалларнинг пул — бойликка бўлган эҳтиёжи ортади, бу ҳол ўз навбатида, деҳқонлар ва ҳунармандларни эксплуатация қилишни кучайтиради.

Катта мулк эгаси, жогирдор ва заминдорларнинг марказий давлатга бўйсунмаслиқка интилиштари, ҳинд рожаликларининг ўз мустақиллеклари учун тинмай курашишлари ва

⁵ Уша асар, 35-бет.

⁶ К. А. Антонова, Очерки общественных отношений, стр. 137.

⁷ Уша асар, 117-бет.

ниҳоят, халқ құзғолоулари XVIII асрға келиб Мұғуллар империясіннің сиёсий ва иқтисодий томондан заңғлаштириб құйған зди.

* * *

XVI асрнинг иккинчи ярмнда Мовароунақрдагы сиёсий вазият шаклан Хиндистандан ақволга үхшаб кетар зди. Шайбонийхон вафотидан сүнг (1510) унинг давлаты бир қанча мустақил хонлик ва бекликларга бүлиніп кетади. Бухоро Абдуллахон құлиға үтіш арағасыда марказлары Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Кармана ва Балхда жойлашған бешта хонлик мавжуд зди⁸. Бу хонликларнинг, айниқса, Бухоронинг ижтимои-сиёсий ҳәётіда руҳонийлар таъсирі күчли зди. «XVI—XVII асрларда Бухорода руҳоний феодаллар орасыда,— деб ёзади М. Г. Йұлдошев,— жүйебарий шайхлари алохидә үрин әгаллаганлар. Улар мамлакатнинг сиёсий ҳәётіда жуда мүхим роль үйнаганлар ва күп вактларда у еки бу хонларнинг күтарилиши ва туширилиши шу шайхларнинг хоҳишига боғлиқ бўлган»⁹. Ҳақиқатан ҳам Миёнқол ва Кармананинг ҳокими Искандархоннинг ўғли Абдулла үзини жүйебарий шайхларнинг бошлиги Хўжа Исломнинг муриди қилиб кўрсатгандан сүнг, Бухорони әгаллашга (1557) ва отасини Бухоро хони деб эълон қилишга (1561) муваффақ бўлди. Абдуллахон ҳукмронлик қилган даврда (1557—1599) Бухоро хонлиги — Мовароуннаэр, Даشت Қипчоқ, Хоразм, Балх, Бадахшон, ҳатто Хурросон ўлкаларини үзига бўйсундирган зди. Умуман, Абдуллахон сиёсий жиҳатдан күчли, марказлашган давлат тузишга уринди.

Абдуллахон даврида күчли қурол воситаси билан осоиышталик үрнатилган вилоятларда унинг вафотидан сүнг тартибсизликлар авж олди. Бунинг натижасыда Бухоро таҳтининг ягона вориси Абдулмўмин салтанат эгаси бўлганидан кўп ўтмай душман кучлар томонидан ўлдирилди. Абдулмўминнинг ўлдирилиши шайбонийлар сулоласининг батамом ииқирозга юз тутганлигидан дарак берар зди. Чунки қарийб бир аср давом этган үзаро феодал курашлар натижасидаг шайбонийлар сулоласи қирилиб битган зди. Шунинг учун Бухоронинг амирлари ва бойлари үзаро маслаҳатлашиб таҳтга ота-боболари Аштрахон (Астрахань) да хон бўллиб келган Дин Мұхаммад номли кишини ўтказмоқчи бўладилар

⁸ Я. Ф. Ғуломов, Р. Н. Набиев, М. Г. Вахобов, Узбекистон ССР тарихи (бир томлик), Тошкент, 1958, 225—226-бетлар.

⁹ М. Ю. Юлдашев, Новые данные о хозяйстве джуйберских шейхов. «Общественные науки в Узбекистане», 1963, № 5, стр. 37.

Аштраконнинг Россия империяси составига қўшилиши кўпгина аштраконлик мансабдорларни Бухорога кўчиб келишга мажбур этган эди¹⁰.

Дин Муҳаммад Бухорога кела туриб йўлда вафот этади, таҳт унинг укаси Боқи Муҳаммадга топширилади (1599). Шундай қилиб, Бухорода янги — Аштархонийлар сулоласига асос солинади. Бу сулола то 1747 йилгача ҳукмронлик қиласиди.

Аштархонийлардан И момқулихон (1611—1642), Абдулазизхон (1645—1680), Субхонқулихонлар (1680—1702) Бухоронинг сиёсий бирлигини сақлаб қолиш учун кўп ҳаракат қиласидилар. Аммо халқ қўзғолонлари ва феодал ички курашлар зарбаси остида хонлик, айниқса, Убайдуллахон (1702—1711) ва Абдулфайзхонлар (1711—1747) ҳукмронлиги даврида заифлашиб қолган эди. Бу ҳол Бухорони Эрон шоҳи Нодиршоҳ томонидан осонгина истило қилинишига қулагиллик тутдиради (1740).

Балх ва унга тобе бўлган Кундуз, Жузгун (Файзобод), Шибирғон ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий вилоятлари Аштархонийлар қўли остида бўлиб, Балх одатда валинаҳд томонидан идора қилинарди. Чунки Балх вилояти бир томондан, Мўғуллар империяси ва иккинчи томондан, Эрон билан чегарадош бўлиб, катта ҳарбий стратегик аҳамиятга эга эди. Амударёнинг ўнг томонидан Термиз, Кулоб ва Қобадиён вилоятлари ҳам маъмурий жиҳатдан Балхга тобе эди. Проф. А. А. Семеновнинг фикрича, Помир Бухорога бўйсунмаган, Бадахшон эса гарчи Бухоро хонлигига тобе дейилса ҳам, лекин кўп вақтларгача ярим мустақиллигини сақлаб қолган.

Шундай қилиб, Аштархонийлар давлатининг чегараси Фарғона водийсида Ўзган шаҳригача, шимолда Талас водийси ва Туркистон шаҳригача, жанубда эса Чоржўй вилояти ва унинг Марв районига қадар бўлган ерларни ўз ичига олиб, фарбда Хива хони ерлари билан туташган¹¹.

XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрда Мовароуннаҳрда феодал тузуми ҳукмрон эди. Мамлакатнинг асосий бойлиги деҳқончиликдан келадиган даромад бўлиб, деҳқончиликка яроқли ерларнинг катта қисми феодал ва руҳонийлар қўлида эди. Бу ерлар уларга хон томонидан «суюргол» ёки «танҳо» йўли билан инъом қилинарди.

¹⁰ Пўлат Солиев, Узбекистон тарихи, XVI—XIX асрлар, Тошкент—Самарқанд, 1929, 76-бет.

¹¹ «Мукимханская история» асарига проф А. А. Семенов томонидан ёзилган сўз бошига («Предисловие», 8—9-бетлар) қаранг.

Биз юқорида Абдуллахон билан Хўжа Ислом (Шайхул-ислом) ўртасидаги муносабатлар ҳақида бир оз тўхтаб ўтдик. Хўжа Ислом ва унинг ворислари XVI—XVIII асрларда энг катта ер эгаси бўлиб келдилар. Хўжа Исломга қарашли энг ҳосилдор, суғориладиган ерлар 300 жуфт — қўш, яъни 15000 таноб ёки 2500 гектардан ортар эди. Хўжа Исломнинг вориси Хўжа Саъд ҳар турли йўллар билан ўз ерларини 70 минг таноб (12 минг гектар) га етказган¹².

Сујорғол ва танҳо асосида инъом қилинадиган ерлар баъзан шу даражада катталашиб кетган эди, ҳатто бутун бир вилоят ҳам инъом қилинарди.

Манбалардаги маълумотларга кўра, XVI—XVIII асрларда Бухоро хонлигида инъом қилиш асосида йирик ер эгаликлари пайдо бўлади. Феодаллар томонидан майда мулкаларни сотиб олиш ва шарнатни пеш қилиб деҳқонларнинг ерларини зўрлик билан тортиб олиш йўли билан ҳам катта ер эгаликлари юзага келади. Масалан, жўйбарий шайхлар хўжалигига оид ҳужжатларда Хўжа Ислом томонидан 200 дан ортиқ ер-сув сотиб олинганлиги ҳақида маълумот бор¹³.

Демак, мамлакатдаги асосий суғориладиган ерларнинг йирик ер эгалари қўлига ўтиши ва ерсиз деҳқонлар сониининг ортиб бориши, феодал эксплуатациясининг кучайланлигидан, халқнинг иқтисодий аҳволи оғирлашганлигидан далолат беради.

XVI—XVIII асрларда Бухоро хонлигида ҳунармандчиликнинг тури соҳалари, айниқса, тўқимачилик, қурол-яроғ ишлаб чиқариш, кўнчиллик, бўёқчиллик, қофоз тайёрлаш ва бошқалар ривожланган эди.

Ҳунармандчиликнинг ривожланиши ички ва ташқи савдонинг ўсишига сабаб бўлди. Давлатга қарашли ерлар (ҳолиса)нинг жуда кўп қисми сујорғол ва танҳо йўли билан феодал ва руҳонийларга инъом қилиниши натижасида ер сслифидан давлат хазинасига тушадиган даромад камайиб кетади. Бу оғир иқтисодий аҳвoldан қутулиш учун ҳунармандлар ва савдогарлардан олинадиган солиқларни оширишга ҳаракат қилинган¹⁴. Шунинг учун ҳунармандчилик ҳамда ички ва ташқи савдони ривожлантиришдан марказий давлат манфаатдор эди. Йирик ер эгалари — феодал ва руҳонийлар ҳам савдо билан шуғулланардилар. Чет эллардан келадиган савдогарлар подшоликка ва шунингдек, Хўжа

¹² П. П. Иванов, Хозяйство джуйбарских шейхов, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1954, стр. 57.

¹³ Уша асар, 52-бет.

¹⁴ «Ўзбекистон ССР тарихи», Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1956, 1 том, биринчи китоб, 444-бет.

Саъдга қарашли Гавкушон карвон саройида тұхташлари ҳам мумкин эди.

Бухоро хонлигіда деңқонлар ва ҳунармандларнинг ахволи оғир эди. Давлат томонидан белгиланған хирож (ҳосилнинг $\frac{1}{8}$ дан то $\frac{1}{3}$ қисмігача) ва закотдан (маблағнинг $\frac{1}{40}$ улуши) ташқары халқдан хон саройи, феодал ва руҳийлар учун бир неча хил солиқ ва жарималар олинарди. Натижада халқ қузголонлари тез-тез күтарилиб туради. Умуман, XVI—XVIII асрларда Бухоро хонлигіда синфий курашлар ва ички феодал тартибсизликлар авж олган эди.

Бухоро хонлиги ва Мұғуллар империяси ўртасидаги иқтисодий (савдо) муносабатлар. Үрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар үзининг күп асрлық тарихига әга. Тарихий маълумотлар бу муносабатларнинг темурийлар давридан бошлаб расмий ва мунтазам тус олганлигидан далолат беради. XV аср тарихчиси Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Шоҳрух давлатининг маркази Ҳиротга Ҳиндистондан бир неча бор (814—1411; 819—1416 ва 824—1421 йиллари) элчилар келган¹⁵. Үз навбатида Шоҳрух давлатининг Абдураззоқ Самарқандий бошлиқ элчилари 1442 йили Ҳиндистоннинг жанубида жойлашған Коликут порт шаҳри ва Бижонагар (Виджаянагар) давлатига юборилған; элчилар үз вазифаларини мұваффакиятли бажарып, икки йилдан сүнг Ҳиротга қайтиб келадилар¹⁶. Абдураззоқ Самарқандий элчилигіга юкланған асосий вазифалардан бири темурийлар давлати билан Ҳиндистон ўртасида олиб борилаётған савдони янада ривожлантириш имкониятларини үрганиш эди¹⁷.

XIV—XV асрларда Ҳиндистоннинг Эрон ва Үрта Осиё билан бұлған савдо муносабатларыда Хўрмуз порт шаҳрининг аҳамияти катта бұлған. Араб сайёхи Ибн Батута Хўрмузга Арабистон, Форс ва Даشت Қипчоқдан минглаб оттар ҳайдаб келинишини ва бу оттарнинг Ҳиндистонда катта фойдага сотилишини хабар қиласы. «Савдогарлар бу татар оттарининг ҳар бирини уларнинг үз юртларида 60 дирҳам (8—10 динор; 1 динор 13 грамм кумушдан иборат бұлған) га сотиб олиб,— деб ёзади Ибн Батута,— Ҳиндистонда 100 ди-

¹⁵ تاریخ حافظ ابرو (Тарихи Ҳофиз Абрӯ), ЎзФАШИ, к. 5361, в. 54 б, 86 б, 114 б.

¹⁶ А. Үринбоев, Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномасы, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1960, 22-бет.

¹⁷ Үша асар, 22-бет.

пор (600 диржам), та сондай, он яшкі отарларнин парлы 500 динор ва ундан ҳам ортиқ турган»¹⁸.

Бобир ҳам Конибодомнинг бодоми ниҳоятда аъло навли эканини сўзлаб, «Хўрмуз ва Ҳиндистонга тамом унинг бодоми борур», деб кўрсатади¹⁹.

Айни бир вақтда Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан иқтисодий муносабатида Қобил ва Қандаҳор шаҳарлари мұхим савдо йўли бўлиб хизмат қилган. Бобир қўйидагиларни ёзди: «Ҳиндистоний ғайри Ҳиндистонни Хурросон дер. Нечукким араб ғайри арабни Ажам дер. Ҳиндистон билан Хурросон орасида хушки йўлдин икки бандардур, бири Қобил ва яна бири Қандаҳор. Қошғор ва Фарғона ва Туркистон ва Самарқанд ва Бухоро ва Балх ва Ҳисор ва Бадаҳшондан карвон Қобилға келурлар. Хурросондин карвон Қандаҳорға келур. Бисёр яхши савдохонадур. Савдогарлар Хитой ё Румга борсалар, ушмунча — ўқ савдо қилғайлар. Ҳар йил еттисаккиз-үн минг от Қобилға келур. Қуви Ҳиндистондан ўн, ўн беш-йигирма минг уйлук карвон Қобилға келур. Ҳиндистондин оқ раҳт ва қанд ва набот ва шакар ва ақоқир келтирурлар... Хурросон ва Ироқ ва Рум ва Чин матои Қобилда топилур. Ҳиндистоннинг худ бандаридур»²⁰.

XVI асрдан, айниқса, XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлиб Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги савдода Қобил ва Қандаҳор карвон йўлларининг аҳамияти янада ортади; чунки Хўрмуз (1510) ва ундан сунг ҳинд порт шаҳарлари Гоа, Диу, Даман ва Чаулларнинг португалияликлар томонидан босиб олиниши натижасида Ҳиндистон давлатлари, шу жумладан, Буюк Мўғуллар империясининг денгиз орқали савдо қилиш имконияти чеклаб қўйилган эди. Португалияликларни Ҳиндистондан ҳайдаб чиқариш йўлида император Акбар томонидан қилинган бир қанча уринишлар мувваффақиятсиз чиқади. Шунга кўра Мўғуллар империяси Ҳайбер йўлагини кенгайтириш тадбирида ҳарбий-стратегик мақсадлардан ташқари савдони ривожлантиришни ҳам назарда тутган булиши керак. «Ост-Индия» компаниясининг агенти Стилнинг аниқлашича, XVI аср давомида қуруқликдаги карвон йўли (яъни Қобил ва Қандаҳор йўли) орқали

¹⁸ И. П. Петрушевский. Комментарий географический и исторический к «Хождению за три моря Афанасия Никитина», изд. 2-е, М.—Л. Изд-во АН СССР, 1958, стр. 296.

¹⁹ Захириддин Мухаммад Бобир, Бобирнома, Тошкент, УзССР ФА изтириғи, 1960, 62-бет.

²⁰ «Бобирнома», 2-қисм, 1949, 153-бет.

йилига авваллари юборилган З минг түя мол ўриига 14 минг түя мол жўнатиб турилган²¹.

Кобил карвон йўли орқали Ўрта Осиё билан Ҳиндистон уртасидаги савдонинг ривожланишида Қозон (1553) ва Астраханинг (1557) Россияга қўшилиши ҳам катта роль ўйнаган эди. Чунки ўрта осиёлик савдогарлар ҳинд молларини Россия бозорларига етказиб беришда ва Ўрта Осиёга келган ҳинд ва афғон савдогарларини рус моллари билан таъминлаш ишида воситачи ролини ҳам бажардилар. Натижада Ўрта Осиё хонликлари билан Россия уртасидаги иқтисодий (савдо) алоқалар тез суръатлар билан ривожланади ва бу ўз навбатида Бухоро — Ҳиндистон савдосига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатда эътиборли савдогар ҳисобланувчи Бухоро ва Хива хонларининг сотиш ёки алмашиш учун рус бозорларига чиқарадиган ҳамда рус подшоларига ҳадя ва тортиқ сифатида юборадиган мол ва буюмлари орасида Ҳиндистондан келтириладиган моллар ҳам салмоқли ўрин тутар эди.

Масалан, Абдуллахон томонидан 1585 йили Астраханга сотиш учун юборилган моллар орасида (бу молларнинг қиймати ўша даврдаги 2—2,5 минг сўмни ташкил қилас эди) 40 пуддан ортиқ бўёқ бўлган²². Маътумки, бўёқ Бухорога, асосан, Ҳиндистондан келтирилар эди. Шунингдек, шу йили Абдуллахон ўз элчиси Муҳаммад Алини тортиқ ва ҳадялар билан рус подшоҳи Фёдор Иванович (1584—1598) ҳузурига жўнатди. Унинг тортиқ ва ҳадялари орасида қимматбаҳо ҳинд чодири ҳам бор эди²³.

Айни вақтда, Ўрта Осиё хонлари, хусусан Бухоро хонлари Россиядан сотиб олган ва рус подшоларидан юборишни илтимос қилган моллар орасида ҳинд подшолари учун юборишга мўлжалланган молларнинг номи ҳам кўплаб учраб туради. Бу хил моллар — сувсар, қундуз, оқсичқон териси,

²¹ Н. М. Гольдберг, Русско-индийские отношения в XVII в., Ученые записки Тихookeанского института, т. II, М.—П., 1949, стр. 135. Жаҳонтииршоҳ даврида Ҳиндистонда яшаган голландиялик воситачи Пельсартнинг ҳисобига кўра, З минг түя мол таҳминан 600—700 тоннани ташкил этган. (Қаранг: К. А. Антонова, Очерки общественных отношений, стр. 116). Демак, 14 минг тияга ортилган молларнинг ҳажми 3—4 минг тонна бўлса керак.

²² М. Ф. Фехнер, Торговля Русского государства со странами Востока в XVI в., М., Госкультпросветиздат, 1956, стр. 83, 108.

²³ М. Ю. Юлдашев, К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVI—XVII вв., Ташкент, Изд-во «Наука», 1964, стр. 47. (Кейинги саҳифаларнда — М. Ю. Юлдашев, К истории торговых и посольских связей).

ойна, ов қүшлари (қыргий, лочин, шунқор), балиқ тиши (морж тиши), зотли штлар ва бошқалар²⁴.

Совет олимларининг аниқлашича, XVI—XVII асрларда Урта Осиё хонликлари билан Россия ўртасида олиб борилган савдода савдонинг уч асосий шакли мавжуд эди: а) хусусий савдо; б) хонлик ва подшоҳликнинг маҳсус вакилларининг воситачилигига олиб бориладиган савдо; в) подшоҳлар ўртасидаги бир-бирларига тұхфа ва ҳадялар юбориш йүли билан амалга ошириладиган мол айнрбошлаш²⁵.

Савдонинг бу шакллари Бухоро хонлиги ва Мұғулла империяси ўртасидаги иқтисодий (савдо) муносабатлардың үз ифодасини топған эди.

Савдонинг иккинчи ва учинчи шакли унинг биринчи шанлига нисбатан катта имтиёзларга эгалиги ва бу хил савдо йүли билан четга чиқариладиган молларнинг турлари бүйичам фарқ қыларди.

Хусусий савдогарлар сотадиган ва сотиб оладиган моллари учун бож тұлашга мажбур эдилар. Бундан ташқары хусусий савдогар үз шахсий ҳәети ва мол-мулкининг хавғасизлигі таъминланған деб ҳис қылолмас эди, чунки мамлекаттардаги ҳар бир сиёсий воқеалар уларға катта зарар етказарди; улар күпинча қароқчилар ҳужумига учрар, моллари талон-торож қылтинарди.

Хусусий савдогарлар, асосан, халқ әхтиёжи учун зарубулған моллар билан савдо қылардилар. Улар XVI—XVII асрларда Хиндистондан Бухоро бозорларига турли ҳинматолари (жомавар, чире, гужорат «фута»си), кашмир шоли, сукурлат — жүн, нил ва бошқа хил бүеклар, лак, дори, ворлар, чой, дока келтиарар ва Урта Осиёдан Хиндистонға хұл ва қуруқ мевалар (Абулфазлнинг курсатишича, Самарқанд тарвузи, нашвоти, олмалар, майиз, бодом, магиз вә башқалар), от, түя, ипак матолар, сукно, қундуз терисе, сувсар, ҳар хил чиннилар, зигирпоядан түкилған рус матосы ва бошқалар олиб борар эдилар²⁶.

²⁴ Ұша асар, 79-бет.

²⁵ А. Чулошников. Торговля Московского государства с Средней Азией в XVI—XVII вв., МИУТТ, вып. 3, стр. 68; М. Ю. Юлдашев. К истории торговых и посольских связей..., стр. 70—71; Н. Б. Байков. Роль Средней Азии в русско-индийских торговых связях, Ташкент, Изд-во «Наука» УзССР, 1964, стр. 51. (Кейинги саҳифаларда — Н. Б. Байков. Роль Средней Азии...).

²⁶ ابوالفضل علامی آئین اکبری (Абулфазл Алломіні Оини Акбарий, Лакнов, 1893, ҮзФАШИ, лнт. 5245, 43 б; Дженисон, Путешествие в Среднюю Азию в 1558—60; «Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке», перев. с анг., Л., 1938, стр. 184. (Кейинги саҳифаларда — Дженисон, Путешествие...).

XVI—XVII асрларда Бухоро ва Ўрта Осиёнинг айрим шаҳарларида кўплаб ҳинд савдогарлари турғун бўлиб қоладилар. Бухорода махсус ҳинд маҳаллалари пайдо бўлиб, уларни ҳиндларнинг ўзлари бошқарадилар²⁷.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган Дженкинсон Бухоро, Балх шаҳрида ҳар йили Ҳиндистон, Эрон, Россия ва бошқа давлатлардан катта-катта карвонлар билан келувчи савдогарларнинг қурултойи (съезд) бўлиб туради, деб ёзди. Бухоронинг дунёдаги савдо марказларидан бири эканлигини тан олган инглиз сайёҳи негадир, бу шаҳардаги чет эл савдогарлари, шу жумладан, ҳиндлар томонидан олиб бориладиган савдони аҳамиятсиз қилиб кўрсатишга уринади. У бу савдогарларнинг фақирларча кийинганликларини, уларнинг жуда кам мол келтиришларига қарамай, бу молларнинг 2—3 йиллаб сотилмай ётишини алоҳида эслатиб ўтади. Дженкинсон яна ҳинд савдогарлари Бухорога на олтин, кумуш, на қимматбаҳо тошлар ва на зиравор — дориворлар келтириб сотмасликларини қайд қиласди²⁸.

Бир қатор совет тадқиқотчиларининг фикрича, Дженкинсон Бухородаги чет эл, айниқса ҳинд савдогарларининг фамилиятини ва ҳинд моллари билан савдо қилишни атайлаб камситган²⁹, Англиянинг кўплаб чиқариши мумкин бўлган сукносига Ўрта Осиё бозорларида талабнинг йўқлигини билган инглиз сайёҳи, Бухоро ва умуман Ўрта Осиё бозорларидаги савдонинг бошқа чет эл давлати учун аҳамиятли бўлиб кўринишини ёқтирумаган.


Дженкинсоннинг ҳинд савдогарларининг қимматбаҳо тошлар ва зиравор — дориворлар келтирумасликлари ҳақидағи фикри ҳам нотўғри фикр эди. Зиравор — дориворлар Ҳиндистондан Бухорога чиқариладиган асосий моллардан ҳисобланарди. Қимматбаҳо тошлар ва бошқа олтин-кумушдан ишланган буюмлар кўпроқ савдонинг юқорида айтиб ўтилган иккинчи ва учинчи шакллари йўли билан келтирилар ва бу савдо ҳақида Дженкинсон яхши тушунчага эга эмас эди.

Хужжатлар XVII аср охири ва XVIII аср бошларида хусусий савдогарлар орасида ҳам бож тўламай савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар борлигидан далолат беради. Бу хил савдогарларга, ҳатто махсус фармон билан муайян улкалар.

²⁷ История народов Узбекистана, т. I, Ташкент, 1947, стр. 74.

²⁸ Дженкинсон, Путешествие..., стр. 184.

²⁹ М. Ю. Юлдашев, К истории торговых и посольских связей... стр. 18; Н. Б. Байкова, Роль Средней Азии..., стр. 13.



Үртасидаги мавжуд савдода айрим молларни харид қилиш ва сотиш юзасидан кенг ҳуқуқ ҳам берилған. Балхлик Охунхұжа Аваз ва уннинг шериклари мүгуттар императори Аверангзеб томонидан берилған тархонномаға асосан Ҳиндистонга сарой әхтиёjlари учун турлы ҳұл ва қуруқ мевалар, отлар, туялар ва қулларни олиб бориши ва Балхға Ҳиндистон матолари ва буюмларидан келтириб сотиш ҳуқуқынға эга булған. Император ўз фармонида Кобилдан то Шоқжақоноғод (Деңли)га қадар ўлка ва вилоятлардаги ҳокимлар, жоғирдорлар ва шоқликнинг бошқа мутасаддилариға Охунхұжа Аваз ва уннинг шерикларидан чиҳиляк (қырқдан бир), закот ва роҳдори (шүл учун олинадиган маблағ), тамға ва бошқа ишлар юзасидан заҳмат етказмасликни ва ушлаб қолмасликни таъқидлайди³⁰.

Охунхұжа Аваз ва уннинг шериклари мисолидаги маълумотлар XVII—XVIII асрларда Мұғуллар империясінде ва умуман Ҳиндистонда савдо буржуазиясининг шаклланиш жараёні бошланғаннан дарап беради.

Бұхоро хонлигіда бож тұламасдан савдо қилиш ҳуқуқынға асосан, хон, шайхлар ва Балх ҳокими эга еди.

Мұғул императорлари ҳам савдодан келдігандан фойдани бойлык ортириш манбаларидан бири деб билиб, мамлакаттаро қилинадиган ташқы савдода фаол қатнашғайлар.

Хонлар, жүйбарий шайхлар ва мұғул императорлари мамлакаттараро бож тұламаслик асосида олиб борған савдо ишларини ўзаро «тухфа ва ҳадялар»³¹ юбориши ниқоби остида амалға оширганлар.

«Матлабут-толибин» асарыда жүйбарий шайхлар ва ҳинд подшоларининг ўзаро бир-бирларига «тухфа ва ҳадялар» юбориб турғанلىклари ҳақида мисоллар келтирилади. Асарда күрсатылышыча, Жаҳонгир подшо Шайхулислом Тожиддинга икки марта «ҳадялар» юборған ва шайх ҳам бу қилинған «марҳамат ва илтифотларға» ўз навбатида жавоб қайтарған. Ҳинд подшосининг ҳар галғаси 50 минг хоний кимматига эга бұлған матолари (кимхоб, зарбоп) ва нодир буюмлары эвазига Шайхулислом ҳам Ҳиндистонга умумий қиммати 40 минг хонийдан ортиқ қимматтаға эга бұлған күндүз пустинлар, морж тиши, чинни асбоблар, қипчоқ отлары, тез юрар туялар, ов құшлары (түйғун, қарчиғай, шунқор) ва беҳла (чармдан ясалған, ов құшларини тутувчи құлға

³⁰ ҰЗФАШИ, к. 7494, 76 ва 8а.

³¹ Хон ва шоқлар томонидан ўзаро юборылған тухфа ва ҳадялар аслида савдоининг янги бир шаклини ифода қылғанлығы туфайли биз бу сұзларни құстериюқ ичида беришини лозим топдик.

кийгизиладиган қўлқоп) лардан 9 сидрадан икки марта борган «тухфа» қилиб юборган³².

Шу нарса диққатга сазоворки, ҳар икки томоннинг «ҳадя ва тухфалари» гарчи турли хил мато ва буюмлардан иборат бўлса ҳам, уларнинг умумий қимматлари қариб баробар келарди. Бу эса тухфа ва ҳадяларнинг ҳақиқатда мол алмашиш асосида олиб бориладиган савдо товарларидан иборат эканини кўрсатади.

Тухфа ва ҳадялар қилиш ниқоби остида олиб борила-диган савдо бож тўламай савдо қилиш имтиёзидан ташқа-ри фойдали имкониятларга ҳам эга эди.

Мамлакатнинг ҳоким синфи — хон ва руҳонийларга қа-рашли «тухфа ва ҳадялар» карвоилари чегарадан ўтиши биланоқ, шу давлат ҳокимининг буйруги билан дарҳол қуролли гуруҳлар ҳимояси остига олинар, қароқчи ва ўлка ҳокимлари томонидан талон-торож қилиниш хавфидан ҳоли бўлар эдилар.

XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср мобайнида тухфа ҳамда ҳадялар юбориш йўли билан олиб борилган савдо Бухоро хонлиги ва Мўғуллар империяси ўртасидаги иқтиисодий (савдо) муносабатларида муҳим роль ўйнаган. Бухоро хонлиги ва Мўғуллар империясининг бир-бирларига юборган элчинликлари ва улар зиммасига юклатилган сиёсий вазифалардан ташқари, улар ҳар икки мамлакат ўртасидаги иқтиисодий (савдо) муносабатларда воситачи ролини ҳам ба-жарганлар.

Масалан, Ҳиндистонга келган И момқулихон элчиси Абдураҳимхўжа турли совға-саломлар билан бирга Жаҳонгирга бир йирик лаъл «тухфа» қилади.

Жаҳонгир ҳам Абдураҳимхўжага 40 минг рупия пул ва ҳар бири 1500, 1000 ва 500 мисқол оғирликдаги учта олтин «кавкаби толе» ҳадя этган³³.

Шоҳ Жаҳон элчиси Ҳаким Ҳозиқ ўзи билан бирга И момқулихонга «тортиқ» сифатида турли қимматбаҳо тошлар билан зийнатланиб, олтин суви югуртирилган идишлар, сукурлат-жуандан тикилган, олмос ва ёкут тошлар қадалган шоҳона чодир, балиқ тиши, олтин ва нуқралар қадалган кўплаклар ва бошқа буюмлар олиб келган³⁴.

محمد طالب بن ناج الدين حسن خواجه مطلب الطالبين³⁵
Муҳаммад Толиб бин Тожиддин Ҳасанхўжа, Матлабут-то-либин, УзФАШИ, қ. 80, в. 130 б, 136 а.

³³ Муҳаммад Толиб бин Тожиддин Ҳасанхўжа, Матла-бут-толибин, в. 208а, 214а.

³⁴ Муҳаммад Юсуф Муиши, Муқимханская история, стр. 89.

Ҳинд манбаларидаги айтилишича, Ҳаким Ҳозиқ элчилигидеги келтирған «ҳадя ва туҳфалари»нинг қиммати бир ярим лак рупияни ёки 3700 ироқ (Эрон — И. Н.) туманига тенг бўлган³⁵.

Балх ҳокими Надр Муҳаммадхон Шоҳ хўжаси элчилиги орқали Жаҳонгир шоҳга 50 минг рупиялик от, турк қуллари ва бошқа буюмлар юборган. Буларнинг эвазига ҳинд шоҳи мазкур элчи орқали Надр Муҳаммадхонга 40 минг рупия пул ва ҳинд нафис молларидан «ҳадя» қайтарган³⁶.

Субхонқулихон ҳам Балх ҳокими бўлиб турган вақтида Ҳиндистанга бир қанча элчилар юбориб, улар орқали ҳинд императорига «туҳфа — ҳадялар» тортиқ қилган. Ҳинд подшоҳи ҳам ўз навбатида буларга лозим бўлган тарзда жавоб қайтарган. Масалан, у Субхонқулихонга унинг элчиси Шодмонхўжа орқали (1080—1669 йили) 25 минг рупия пул, бир фил (нуқрадан ясалган эгари билан), 150 тўп шол, «жомавар», «чире», гужорат «футаси» матоларидан бериб юборади³⁷.

Яна Абдулазизхон томонидан «туҳфа» қилиб юборилган, қиммати 40 минг рупиялик лаъл эвазига Аврангзеб Бухоро хонига ҳар бирининг баҳоси 20 минг рупиялик иккита хашжар «тортиқ» қиласди³⁸.

Шунингдек, ҳинд элчиси Мустафохон Абдулазизхон саройига бир лакх³⁹ ва эллик минг рупия қимматига баробар — олтин суви юртилган эгар-жабдуқ, жамдар қуроли, қимматбаҳо қилич, қалқон, ўқдон, бир фил ва турли матолар келтиради⁴⁰.

Биз «ҳадя ва туҳфалар» юбориш йули билан савдо-сотик қилишга оид бир қанча характерли мисоллар келтириш билан чегараландик. Бу ҳақда қўшимча маълумотлар мазкур ишнинг Бухоро хонлиги ва Мӯғуллар империясининг

³⁵ عبد القادر بن ملوك شاه بدوانی منتخب التواریخ қодир бин Мулуқшоҳ Бадавоний, Мунтахабут-таворих) УзФАШИ, қ. № 25, в. 308 б.

³⁶ معتمد خان بخشی اقبالنامه جهانگیری (Муътамидхон, Бахши, Иқболномаи Жаҳонгирӣ), УзФАШИ, қ. 4369, в. 209 б.

³⁷ میرزا محمد ساقی عالم گیر نامه (Мирза Муҳаммад Соқий, Оламгирнома), УзФАШИ, лит. 12444, 46 б.

³⁸ بخت اور خان مرأت العالم (Бахтовархон, Миротул олам), УзФАШИ, қ. 2097, в. 533 а, 569 б.

³⁹ Ҳиндалар ҳисоби бўйича бир лакх — 100000 га баробар.

⁴⁰ Бахтовархон, Миротул олам, в. 581 а.

сүйсій муносабатларига багишиланған қисміда ҳам келтирилді.

Савдоннинг бу шакли асосан қымматбақо (лаъл, олмос) ва шуннан дегек, тақиқланған моллар (қурол, фил) билан «савдо» қилишдан иборат бўлган. Лекин шу билан бирга, бу хил савдо моллари ичиде хусусий савдо моллари (от, турли матолар, идишлар, асбоблар) ҳам бор эди.

Юқорида келтирилган фактлар шундан далолат беради-ки, XVI асрнинг иккінчи ярми ва XVIII аср мобайнида Бухоро хонлиги ва Мұғуллар империяси ўртасидаги элчилик муносабатларининг ривожланишида шу мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий (савдо) муносабатлари ҳам муҳим ўрии тутган.

* * *

Бухоро хонлиги билан Мұғуллар империяси ўртасидаги сүйсій алоқалар XVI асрнинг 70-йилларидан бошлаб мунтазам равишда давом этади.

1572 йили Ҳиндистонга Абдуллахоннинг биринчи элчиси Ҳўжа Олтамиш келади⁴¹. Бу вақтда Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд Абдуллахон ҳукмронлиги остида бўлиб, Тошкент, Ҳисор учун жанглар олиб борилмоқда эди. Мұғуллар империяси эса Мальва (1561), Жайпур (1562), Гондван (1564), Читор (1568) рожаликларини бўйсундирган ва катта вилоятлардан бири Гужоратни тобе қилиш ҳаракатида эди.

Ҳўжа Олтамиш элчилиги ҳақида К. А. Антонова шундай дейді: Бадахшон ҳокими Мирза Сулаймон Бухорога яrim қарам бўлган Балхга ҳужум қилиб, бу курашда муваффақиятсизликка учрайди (Бу ҳақда қўйироқда сўзлаймиз). Сўнг у Акбаршоҳдан ўзбекларга қарши курашда ёрдам сўрайди, Акбаршоҳ розилик беради. Бундан хабардор бўлган Абдуллахон бу масала юзасидан Акбар фикрини аниқроқ билиш ва имконияти борича Ҳиндистон билан яхши муносабатлар ўриатиш мақсадида Ҳиндистонга элчи юборади⁴².

Ҳўжа Олтамиш элчилиги билан бирга совға-саломлар ва Абдуллахоннинг Акбар номига ёзилган мактуби бериб юборилади. Абулфазлнинг нақлича, мактубда Абдуллахон ўтмишда Ҳиндистон билан Бухоро ўртасида дўстона алоқалар

⁴¹ ابوالفضل علامی تاریخ اکبر شاہی (Абулфазл Алло-ми ий, Тарихи Акбаршоҳий), ЎзФАШИ, қ. 6, в. 460 а.

⁴² К. А. Антонова, Очерки общественных отношений..., стр. 235.

мавжуд бўлганлигини баён этиб, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатликда бўлишликни таклиф қилган⁴³. Ҳинд олими Р. Ч. Варманинг фикрича, Абдуллахон ўз элчиси орқали Эрон териториясини Бухоро хонлиги ва Мўғуллар империяси ўртасида бўлиш режасини илгари сурган ва бу режани ҳар икки томон ҳам сир сақлаган⁴⁴.

Ҳақиқатан ҳам Бухоро хони Акбаршоҳ билан Мирза Сулаймоннинг ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиб, Балхни Бухородан тортиб олиши хавфидан чўчиган эди. Чунки бу вақтда Балх ҳали Бухоро хонлигига тўла бўйсундирилмаган эди. Шунинг учун Абдуллахон Ҳиндистон билан яхши муносабатда бўлишга интилган. Лекин, Бухоро элчилигининг зиммасига иккинчи бир вазифа — Акбар давлатининг Эронга нисбатан бўлган муносабатини аниқлаш ҳам юклатилган эди.

Абдуллахоннинг Акбарга ёзган мактуби ҳозирча қўлимизда йўқлиги сабабли, Бухоро хонининг Эронга нисбатан айтган фикрлари очиқ маълум бўлмаса ҳамки, ўша даврдаги сиёсий вазият Абдуллахоннинг Эронга нисбатан бўлган муносабатларини аниқлашга ёрдам беради.

Бухоро элчисидан аввал Ҳиндистонга икки марта — 967/1559—1560 ва 972/1564—1565 йиллари Эрондан элчилар келган эди⁴⁵. Биринчи Эрон элчилигига Эрон шоҳи Таҳмаспнинг (1524—1576) қариндоши Саййидбек бинни Маъсумбек бошчилик қилиб, у Ҳиндистонга Ҳумоюн подшонинг вафоти муносабати билан таъзия билдириш ва Акбарнинг тахтга ўтирганини табриклиш учун юборилган эди. Элчи ўзи билан бирга араб, ироқ ва турк отлари, турли матолар ҳамда Эроннинг нозик буюмларидан туҳфа ва ҳадялар келтиради.

Эрон давлати ўзининг иккинчи элчиси орқали Эрон билан Ҳиндистон ўртасида бирлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатишга даъват этган⁴⁶.

Лекин бунга жавобан Акбар давлатидан Эронга узоқ вақтгача элчилик юборилмайди. Чунки бунга Қандаҳор масаласи тўсқинлик қиласр эди.

Ўзаро ички курашларда енгилган Ҳумоюн Ҳиндистондан Эронга қочиб борган, Эрон шоҳи Таҳмасп Ҳиндистонни қайтадан босиб олишда унга ёрдам кўрсатган эди. Бунинг эвазига Ҳумоюн Қандаҳор ўлкасига бўлган даъводан воз кечган

⁴³ Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 460а.

⁴⁴ Р. Ч. Варма, Акбар ва Абдуллахон, 391-бет.

⁴⁵ (Искандар-Менши, Тарихи оламоройи Аббосий), ЎзФАШИ, л. 5228, в. 291 б.

Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 298 а.

⁴⁶ Ўша асар, ўша бет.

ва уни Эронга қарам деб билган эди⁴⁷. Демак, Акбар Эрон билан дўстона муносабатларни давом эттиrsa, Қандаҳорни қўлдан чиқарап эди. Акбар эса Қандаҳордан воз кечишни, шу билан бирга, Эрон билан алоқанинг кескинлашишини ҳам истамасди; чунки Эрон Таҳмасп даврида анча кучли давлатга айланган эди. Шунинг учун Акбар Эронга нисбатан вақтинча «инدامаслик» сиёсатини қўллади. Айни вақтда бу сиёсат Бухоро хонлигига нисбатан ҳам қўлланди.

Абулфазлнинг айтишича, бу даврда Акбар давлати ишчишлар, яъни империяга бўйсунмаган ўлкаларга қарши кураш билан банд эди, шунинг учун ташқи сиёсатга у қадар эътибор бера олмаган⁴⁸.

Олтамиш элчилигига келсак, бу ҳақда Акбар даврига онд илмий-тадқиқот ишлари олиб борган немис олимни Ноер Бухоро элчисига Ҳиндистонда етарли даражада ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмаганлигини эслатиб ўтади⁴⁹. Ҳинд тарихчиси Варма ҳам Акбар саройидаги мавжуд қонун-қоидага кўра яқин ўртада душманлик руҳида бўлиш мумкин бўлган томонга илтифот кўрсатилмас эди ва шу сабабли Бухорога жавоб элчилиги юборилмади, деб уқтиради⁵⁰. Лекин Ноер ва Варманинг Акбар давлатининг Бухорога нисбатан тажовузона сиёсат тутиш ниятида эканлиги ҳақидаги талқинлари нотўғри бўлиб, Абулфазлнинг юқоридаги фикрлари ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки бу даврда Ҳиндистонда забт этилмаган кўп ўлка ва вилоятлар бор эди; иккинчидан, Акбар давлатининг Бухоро хонлиги билан чегара дош Кобил вилоятининг ҳокими (Акбарнинг ўғай укаси) Муҳаммад Ҳаким Мирзо Акбар ҳокимиятини номигагина тан олар эди.

Абулфазлнинг айтишича, Абдуллахон номига мактуб ёзилиб, Бухоро элчиси орқали юборилган⁵¹. Бу далил ҳам Мўгуллар империясининг Бухоро хонлигига нисбатан душманлик руҳида бўлган, деган мулоҳазани рад этади.

Энди, Эронни бўлиб олиш масаласига келганда — эҳтимол, бу ерда Варманинг мулоҳазаси тӯғридир. Чунки, Абдуллахон ўз мактубида Бухоро хонлиги билан Туркия ўртасида дўстлик ўрнатилганлигини хабар қиласди⁵². Бу дўстлик, албатта, шиа мазҳабидаги «кофир» эронликларга қарши кураш

⁴⁷ Н. В. Пигулевская, А. Ю. Якубовский, И. П. Петрушевский, Л. В. Строева, Л. М. Белиницкий, История Ирана с древнейших времен до конца XVIII в., изд. ЛГУ, 1958, стр. 260.

⁴⁸ Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршохий, в. 1076.

⁴⁹ Ф. А. Ноер, Акбар империяси, I том, 262-бет.

⁵⁰ Р. Ч. Варма, Акбар ва Абдуллахон, 391-бет.

⁵¹ Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршохий, в. 1076.

⁵² Уша асар, в. 460а.

асосида ташкил топганини таъқидлаб, Абдуллахон, эҳтимол Акбарни ҳам диний асосда бир иттифоққа бирлашишга чақиргандир. Акбар давлатининг Эронга иисбатан тутган сиёсати ҳали равшан бўлмагани учун бу таклифга ҳам очиқ жавоб берилмаган ва бу масала қаттиқ сир тутилган.

Навбатдаги иккинчи элчилик ҳам Абдуллахон томонидан юборилади. Бу сафар Абдураҳим бошчилигидаги Бухоро элчилиги Ҳиндистонга тўғридан-тўғри «Эронни бўлиш» таклифи билан келади (1577)⁵³. Абдуллахон Мўғуллар империяси билан Бухоро хонлиги бир хил суннӣ мазҳабдаги давлатлар экан, шунга асосан, улар бир иттифоқда бўлиб эронлик шиаларга қарши курашишлари — Эроннинг Ироқ, Хурросон ва Форс вилоятларини Бухоро ва Ҳиндистон ўртасида бўлиб олишлари лозим, деб уқтиради⁵⁴.

Абдураҳим элчилиги Ҳиндистонда ҳурмат ва эҳтиром билан яхши қабул қилинади ва Бухорога қайтишида у билан бирга Абдуллахон саройига суннӣ мазҳабидаги Мирза Пўлат бошчилигида ҳинд элчилиги юборилади. Ҳинд элчилиги Мовароуннаҳрга 986—1579 йили келади. Бу вақтда Самарқанд ҳокими Абулхайр Абдуллахонга бўйсунишдан бош тортиб, унга қарши курашиш учун атроф вилоятлардан куч тўпламоқда ва шунинг учун Абдуллахон шошилинч равишда Самарқанд томон отланган эди. Абдуллахон ҳинд элчисини уруш ҳаракатлари давом этиб турган Зоминда қабул қиласи ва унга катта илтифот кўрсатилади. Абдуллахон ҳинд элчисини ўзи билан бирга олиб юради ва натижада, унинг Ҳиндистонга қайтиши кечиктириллади⁵⁵. Бу билан Бухоро хони Самарқандда олиб борилаётган жангларни ҳинд элчисига кўрсатиб, унга ўз кучини намойиш қилмоқчи бўлган бўлса керак.

Ҳинд элчиси Акбарнинг Абдуллахон номига ёзилган мактубини олиб келган эди. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг айтишича, мактубда бирлик ва ҳамжиҳатлик тўғрисида сўзланган ва (гўё) Акбар Абдуллахон амрига бўйсунишга тайёр эканлигини билдирган. Акбар Абдуллахонга катта совгалар юборган⁵⁶. Акбарнинг тарихчиси Абулфазл Алломий эса мактубда Акбарнинг «Эронни бўлиш»га рози бўлмаганинги ва Эрон ҳам Муҳаммад пайғамбар хонадонига мансуб давлатлардан

⁵³ Р. Ч. Варма, Акбар ва Абдуллахон, 383-бет.

⁵⁴ Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 1076.

⁵⁵ حافظ تیش بخاری شرفنامه شاهی یا عبد‌الله نامه

(Ҳофиз Таниш Бухорий, Шарафноман шоҳи ё Абдулланома), Ҳозро, к. 2207, в. 384 б.

⁵⁶ Уша асар, уша бет.

Бүлгани учун унга яхши муносабатда бўлиш зарурлиги таъкидланганини баён қиласди⁵⁷.

Акбар Эронни бўлиб олишга рози эмаслигини билдирган бўлса ҳам, Абдуллахоннинг Эронга юриш қилиш иятини қатъий равишда қораламади. Бу билан, биринчидан, Акбар Бухоро хонлиги билан алоқани бўшаштиришни истамаган. Чунки бу вақтда Бухоро хони Балхни буткул бўйсундириб, Бадахшонга ҳам хавф солмоқда эди. Мўғуллар империясига, гарчи Гужарот (1573), Бангол (1574—1576) каби вилоятлар ва Ражпутандаги бир қанча рожаликлар қўшиб олинган бўлса ҳам, ҳали Тата, Мекрон, Систон ва бошқа қўпгина ўлкалар Акбар ҳокимиятига бўйсунмаган бўлиб, Кобилга ҳам ишонч кам эди⁵⁸.

Иккинчидан, Эрон шоҳи Таҳмаспнинг вафотидан сўнг (1576) Эронда ички феодал тартибсизликлар кучайиб кетади. Натижада Абдуллахон учун Хурсонни, Акбар учун Қандаҳорни Эрондан тортиб олишга қулай шароит вужудга келган эди. Лекин Акбар ички курашлар билан банд бўлиб, Эронга қарши курашга тайёр эмас эди. Шунинг учун Акбар Абдуллахоннинг Эронга нисбатан тажовузкор ҳаракатини кучсизлантиришга уринса ҳам (чунки Акбар Эрон ерларини Бухоро хонлиги томонидан босиб олининшини истамас эди, албатта), унинг Эронга қарши уруш қилишига қатъиян қарши чиқмади. Элчилик вазифасининг сунний мазҳабининг тарафдори Мирза Пўлат зинмасига юклатилиши ҳам бежиз эмас эди.

Мирза Пўлат элчилигига иккинчи бир муҳим вазифа — Бухоро хонининг Бадахшонга бўлган муносабатини аниқлаш ва иложи бўлса, Бадахшонга нисбатан туғилган хавфнинг олдини олиш вазифаси ҳам топширилган эди.

* * *

*

Бадахшон масаласи. Салганат Акбар қўлига ўтганда Бадахшонда Мирза Сулаймон ҳоким эди⁵⁹. Мирза Сулаймон Акбар давлатини кучсиз фаҳмлаб 974—1567 йили Кобилга ҳужум қиласди, аммо муваффақиятсизликка учрайди. Сўнг тусатдан Балхга ҳужум қиласди. Балх ҳокими Пирмуҳаммад

⁵⁷ Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 107 б.

⁵⁸ Муҳаммад Ҳаким Мирза ҳатто 1590 йили Хиндистон таҳтини эгаллаш учун уриниб кўрган. Аммо шаҳзода Мурод уни тор-мор қиласди. Акбар ўғзи уласининг гуноҳидан ўтиб, унга яна Кобил вилоятини илтифот қиласди. (Бахтовархон, Миротул олам, в. 384а, б).

⁵⁹ Бахтовархон, Миротул олам, в. 357а.

Бухоро хонлигининг ёрдами билан Мирза Сулаймонни Балхдан кувиб чиқаради, бу курашда Мирза Сулаймоннинг ўғли Иброҳим Мирза ҳалок бўлади⁶⁰.

Абдуллахоннинг аскарлари Ҳисорни қамал қилган вақтда (982—1574) Ҳисорликларнинг илатимосига кўра, Мирза Сулаймон уларга ёрдамга келади. Аммо шу вақтда Бадахшонда Мирза Сулаймонга қарши унинг амалдорларидан бири — Муҳаммадқули исён кутаради. Марҳум Иброҳим Мирзанинг бева хотини Бадахшон ҳокимиятини ўғли Шоҳруҳ Мирза қўлига олиб бериш мақсадида бу қўзғолонга қушилади. Жангда Шоҳруҳ Мирза ғолиб чиқади, Мирза Сулаймон эса ёрдам сураб аввал Кобилга, сунг Акбар ҳузурига боради.

Абдуллахон Ҳисорни қўлга киритиб (1578) Бадахшонни забт этишга тайёргарлик куради. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича, бундан хабар топган Шоҳруҳ Мирза Абдуллахон саройига элчи юбориб, Бухоро хонига бўйсунганини маълум қилади. Шундан сунг Абдуллахон Бадахшон томон юборилган аскарларга қайтиш учун буйруқ берган⁶².

Акбар ўз ҳузурига келган Мирза Сулаймонни яхши қабул қилиб, унга Бадахшонни қайтариб бернини ваъда қиласди. Қўп ўтмай, Акбар саройига Мирза Шоҳруҳнинг вакиллари ҳам келади. Шуниси қизикки, Акбар Шоҳруҳ Мирза вакилларини ҳам тантанали равишда қабул қилиб, Шоҳруҳ Мирзани Бадахшон ҳокими деб танийди ва унга ёрдам беражагини айтади⁶³. Акбар шундай қилишга мажбур эди. Чунки Бадахшон Шоҳруҳ Мирза қулида бўлиб, агар Акбар уни қўллаб-кувватламаса, у Абдуллахон томонига ўтиб кетиши мумкин эди. Бу воқеадан сунг алданганини сезган Мирза Сулаймон Макка томон йўл олади ва у ерда беш йил туриб, қайтишда Эрон шохи Исмоил II ҳузурида бўлади. Эрон шоҳи Бадахшонни қайтариб олишда Мирза Сулаймонга ёрдам қилишга ваъда беради. Аммо тез орада, яъни Мирза Сулаймон Бадахшонга етиб келганга қадар Исмоил II вафот этади. Энди Мирза Сулаймон фақат Абдуллахондан ёрдам олиши мумкин эди. Хинд тарихчиси Р. Ч. Варма ёзадики, бундай ҳхволининг олдини олиш учун Шоҳруҳ Мирза бобоси билан ярашган ва улар ўртасида шартнома тузилган⁶⁴. Ҳофиз Танишининг берган маълумотига кўра, Шоҳруҳ Мирза ва Мирза Сулаймон ўртасида тўқнашув бўлиб, бунда Кобил ҳоки-

⁶⁰ Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулланома, 2076; Бахтовархон, Миротул олам, в. 373а.

⁶¹ Р. Ч. Варма, Акбар ва Абдуллахон, 382-бет.

⁶² Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулланома, в. 373б.

⁶³ Р. Ч. Варма, Акбар ва Абдуллахон, 382-бет.

⁶⁴ Р. Ч. Варма, Акбар ва Абдуллахон, 383-бет.

ми Мұхаммад Мирза Ҳаким (Мирза Сулаймоннинг күёви) ёрдами билан Мирза Сулаймон голиб чиққан. Сунгра ҳар иккى ҳоким — Мирза Ҳаким ва Мирза Сулаймонлар Абдуллахон ҳузурига элти юборгаилар. Мирза Сулаймон элти қилиб Мөхр Али Кўкалтошни ва Мирза Ҳаким Мавлоно Нурилдин Мұхаммад қозини юборганлар. Элчилар совға-саломлар билан бирга мактуб ҳам келтиргаилар ва бу мактубларда, Ҳофиз Танишнинг ёзишича, ҳар икки ҳоким узларининг Бухоро хонига бўйсунгандикларини билдирганлар. Элчиларга Абдуллахон ҳурмат кўрсатиб, уларни «фаҳрий тўн»лар билан мукофотлаган ва Мирза Сулаймон номига ёзилган номада уни Ҷуорога келишга таклиф ҳам қиласкан⁶⁵.

989—1581 йили ҳам Мирза Сулаймон Абдуллахонга совға-саломлар ҳамда дўстлик ва тобелик ҳақидаги мактубини юборган⁶⁶.

«Миротул олам» асаридағи маълумотларга қараганда, 992—1584 йили Шоҳруҳ Мирза ўз бобосидан мағлубиятга учраб, Акбар саройига келади, Мирза Сулаймон бу курашда Абдуллахондан ёрдам олган⁶⁷.

Келтирилган маълумотлар шундан дарак берадики. Бадахшонда икки ҳокимиятчилик ҳукм сурган ва улар ўртасида тўхтовсиз кураш давом этган. Бу курашда Шоҳруҳ Мирза Акбардан ёрдам олган, Мирза Сулаймон эса Абдуллахонга таянган.

Ички феодал курашларининг кучайиши Абдуллахон томонидан Бадахшонни босиб олиш учун замин ҳозирлаган.

1584 йили Абдуллахон Балх ҳокимлигини ўғли Абдулмуминга топшириш баҳонасида шу шаҳарга келади. Абдуллахоннинг режасини сезган Шоҳруҳ Мирза Балхга ўз элчиси Шоҳ Ҳасанни юборади. Лекин Абдуллахон элчини қабул қилмайди ва элчига киноя билан тез кунда Бадахшонда сўзлашувини айтади. Шундан сўнг, кўп вақт ўтмай Бадахшон Бухоро хонлигига қўшиб олинади. Бобо ва неваралар отдинма-кейин Акбар ҳузурига қараб йўл оладилар. Бадахшондаги жангларда Шоҳруҳ Мирзанинг ўғли Мұхаммад Замон Мирза бухороликларга асири тушади.

* * *

*

Бадахшоннинг забт қилиниши Кобил ҳокими Мирза Ҳакимни ҳам чўчитиб қўяди ва у Акбардан ёрдам сўраб, ўз

⁶⁵ Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулланома, в. 440б.

⁶⁶ Уша асар, в. 468б.

⁶⁷ Бахтовархон, Миротул олам, в. 387а.

вакилини унинг ҳузурига юборади. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай, Мирза Ҳаким вафот этади (1585), шундан сўнг Кобил, Зобулистонда тартибсизликлар кучаяди. Бу воқеаларда Абдуллахон ҳам қисман иштирок этган эди. Феридун номли шахс марҳум Мирза Ҳакимнинг ўғиллари Афросиёб Мирза (14 яшар) ва Қайкабод (11 яшар)ларни ўзбеклар томонига қочиб кетишга даъват қиласи. Агар Феридуннинг бу режаси амалга ошса, Абулфазл Алломийнинг ёзишича, Абдуллахон Кобилга ҳам даъвогар бўлиши мумкин эди⁶⁸.

Акбар Кобилдаги тартибсизликларнинг олдини олиш учун жадал ҳаракат қилиб, лашкар боши Ман Сингхга тезлик билан Кобилни ишғол қилишга фармон беради⁶⁹ ва Кобил қайтадан империяга қўшиб олинади. Бу ҳақда К. Маркс шундай деб ёзган эди:

«Ўзбекларнинг ҳужум қилиш ваҳимасидан 1585 йили Кобилда галаёнлар бошланиб кетди. Акбар катта қўшин тўплаб, тартибсизликларга чек қўйди»⁷⁰.

Бу даврда Акбар давлатини қаттиқ ташвишга солган воқеа — тарихда «равшанийлар ҳаракати» номи билан шухрат топган афғон қабилаларнинг озодлик учун олиб бораётган қўзғолонлари бўлган эди. Афғон қабилаларига қарши курашни яхши уюштириш мақсадида Акбар ўз сарой аҳллари билан бирга 1586 йил 4 январда Аттекка (Атокка) келади.

Равшанийлар билан бўлган тўқнашувда Сад томон юборилган Зайнхон бошлиқ лашкарлар ва Бужирда ҳаракат қилаётган Бир Бал қўшинлари тор-мор келтирилади⁷¹. Жангда Бир Бал ҳалок бўлади. Шу вақтда Бухородан элчилар келаётганлиги ҳақида хабар келади. Элчилар хафсизлигини таъминлаш учун Фарид Бахши бошчилигида аҳадий⁷² ҳарбий қисмлари сафарбар қилинади ва Ман Сингх ҳам ўз қўшини билан Кобилдан элчилар ҳимоясига етиб келади.

⁶⁸ Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 243б.

⁶⁹ Мўгуллар империясининг қўшинлари Кобилни ишғол қилгач, Феридун қўлга тушади ва Ман Сингх Феридунни Акбар ҳузурига келтиради. Тафтиш натижасида Феридуннинг сотқинлиги аниқлангач, «гуноҳларини ювиб келиши учун», у Маккага сургун қилинади (Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 26а).

⁷⁰ К. Маркс, Хронологические выписки по истории Индии, М., Госполитиздат, 1947, стр. 29. (Таржима бизники).

⁷¹ Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 270а, б.

⁷² Аҳадий (احری) шоҳ ҳузуридаги ва бевосита шоҳ назорати остидаги унинг шахсий, сараланган қуролли кучлари; улар давлат томонидан катта маощ билан таъминлангайлар. Аҳадий отрядлари шоҳ ҳарамини қўриқлаш, ҳарбий устахоналарни назорат қилиш ва ҳатто қўмандонлик фаолиятини кузатиш каби қатор масъулиятли вазифаларни бажарар эдилар (Ф. А. Ноер, Акбар империяси, 166—167-бетлар).

Бухоро элчилигига Абдуллахон саройидаги эътиборли кишилардан Мир Қурайш бошчилик қиласи. Элчилар ўзлари билан зотли от ва туялар, ов қушлари, аъло навли мўйна ва бошқа нафис матолардан иборат «туҳфа ва ҳадялар» олиб келадилар⁷³ ҳамда Жайийиб исмли кабутарбоз орқали эса Мовароуннаҳрнинг турли нав кабутарларидан жўнатилган эди.

Абулфазлининг айтишича, Хайбар йўлагининг кенгайтирилиши, Ҳинд (Инд) дарёсига кўпrik солиниши, Ман Сингхнинг Кобилдаги галабаси ва Акбарнинг ўз қароргоҳини Аттекка кўчиргани Абдуллахонни чўчитган ва Абдуллахон Акбар Балхга ҳужум қилиши мумкин, деган хаёлда бу хавфнинг олдини олиш учун Ҳиндистонга элчилар юборган⁷⁴.

Р. Ч. Варманинг фикрича, Акбар ҳокимиятининг Кобилда мустаҳкам ўрнатилиши Абдуллахонни Эронга нисбатан туттган сиёсатида Акбар ҳоҳиши билан ҳисоблашишга мажбур қилган⁷⁵.

«Абдулланома»да Абдуллахоннинг Акбар номига ёзган ва Мир Қурайш орқали юборган мактубининг қисқача мазмуни келтирилди. Мактубда Абдуллахон «Ҳаж» (Макка ва Мадина)га борадиган йўлда жойлашган Бадахшон ўлкаси коғир қизилбошлар⁷⁶ қўлида эканлиги ва шу туфайли бу ўлкада доимий ғалаёнлар бўлаётганлиги ҳақида гапириб, келгуси йил баҳорда катта қўшин билан бу вилоятни «коғирлар» қўлидан тортиб олиш ниятида эканини баён қиласи⁷⁷. Шунингдек, Абдуллахон Акбарга «коғир»ларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмасликини ва агар «коғир»лар ўзбеклар билан бўлган курашда тор-мор келтирилиб, унинг ҳузурига борсалар, уларга бошпана беришгина эмас, балки Ҳиндистондан ҳайдаб чиқаришлари лозим деб, уқтиради⁷⁸.

Акбар Бухоро элчиларини узоқ вақт қабул қилмайди.

⁷³ Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 2146.

⁷⁴ Уша асар, в. 2146.

⁷⁵ Р. Ч. Варма, Акбар ва Абдуллахон, 384—385-бетлар.

⁷⁶ Бу ерда „коғир қизилбошлар“ деб бадном қилишдан Мирза Сулаймоннинг Эрон шоҳи Исмоил II билан тузган шартномаси назарда тутилса керак.

⁷⁷ Бадахшон забт қилинганда (1584) қозоқларнинг қўзғолон кўтаргани ҳақида хабар келади ва Абдуллахон дарҳол асосий қуролли кучлари билан Бухоро томон йўл олади. Фурсатдан фойдаланган Мирза Сулаймон Бадахшон аймоқлари билан иттифоқ бўлиб, Бадахшоннинг кўпгина ерларини қайтадан босиб олган эди. نظام الدين احمد طبقات اکبر شاهی (Низомиддин Аҳмад, Табакоти Акбаршоҳий), ЎзФАШИ, к. 3341, в. 292.

⁷⁸ Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулланома, ЎзССР ФАШИ, Ленинград нусхаси (фото), в. 457 б.

«Тарихи Ақбаршохий» асарининг маълумотига кўра, бунга Ақбарнинг севимли лашкар бошиси Бир Балнинг афғонлар билан бўлган курашда ўлдирилганлиги ва шу муносабат билан шоҳнинг узоқ вақт таъзия тутиши сабаб бўлган. Аслида Ақбарнинг ўзбек элчиларини қабул қиласлик сабаби шунда эдикни, бу вақтда Кашмир ҳокими Юсуфхоннинг ўғли Ёқуб исён кўтарган ва уни бостириш учун Ақбар Кашмирга катта қўшин юборган эди. Бухоро элчилигига ўзининг жанговар кучларини намойиш қилиш мақсадида Ақбар атайлаб қабул маросимини кечиктиради⁷⁹.

Ниҳоят, Ақбар элчиларни ўз салтанатининг 32 йиллик тантанаси куни — 25 раббиал аввал 994/1586 йилининг 14 марта қабул қиласди⁸⁰.

Мир Қурайш элчилиги қабул қилингандан бир ой ўтгач, Ақбар Аттокдан (бу ерда шоҳ З ойдан кўпроқ туради) Лоҳурга келади. Абулфазлнинг ёзишига кўра, Ақбар ўз қароргоҳини ўзбек элчисининг илтимоси билан Бухоро чегарасидан узоқда жойлашган Лоҳурга кўчирган. Аммо шоҳ яна Панжоб өилоятида қолган эди. Сабаби шуки, агар Турон ҳокими дустликка хиёнат қилгудек бўлса, зафарли қўшин тезда Лоҳурдан Турон томон ҳаракат қилиши керак эди⁸¹.

Абулфазлнинг мулоҳазаларига танқидий қарамоқ керак, чунки у кўп масалаларни Ақбарни улуғлаш йўлида нотўғри талқин этган.

Бу вақтда Ақбарнинг Мовароуннаҳрга ҳужум қилиши учун асос ҳам, имконият ҳам йўқ эди ва у ўз қароргоҳини ўзбек элчисининг илтимоси билан Аттокдан Лоҳурга кўчирмаган, албатта. Зайнхон ва Бир Бал қўшинларини тор-мор қилган равшанийлар Аттокка, яъни Ақбар қароргоҳига хавф солмоқда эдилар. Шунга кўра, Атток мудофаасини машҳур Тодар Малга топширилиши ҳам бежиз эмас эди⁸².

Шундай қилиб, Ақбар вазият тақозоси билан Лоҳурга кетади ва у ерда афғонлар ва белужларга қарши ҳамда Тата ва Сеистон вилоятларини империяга қўшиб олиш учун бўлган курашга раҳбарлик қиласди.

Бадахшонни босиб олган Абдуллахон энди Ҳиротга юриш қилиш ниятида эди. Аммо унинг режасини қозоқлар қўзғолони бузиб юборади. Қозоқлар қўзғолонини тезда бостириш

⁷⁹ Абдулқодир бинни Мулукшоҳ Бадавоний, Мунтажа-бут-таворих, в. 308а.

⁸⁰ Уша қўләзма, в. 307а.

⁸¹ Абулфазл Алломий, Тарихи Ақбаршохий, в. 279а, б.

⁸² Абдулқодир бинни Мулукшоҳ Бадавоний, Мунтажа-бут-таворих, в. 306б, 307б.

мақсадида Термизда Абдуллахон ва жүйбарий шайхлар бошлиғи Хўжа Калон (Хўжа Исломнинг ўғли) бошчилигига кенгаш ўтказилади⁸³. Абдуллахон Эрон томон ҳужум қилиб, унинг ерларининг бир қисмини босиб ошиқар эди. Чунки Эрондаги сиёсий вазият Абдуллахон мақсадларининг амалга ошиши учун қулайлик туғдирар эди. Аммо, Бадахшоннинг босиб олиниши Бухоронинг Акбар давлати билан бўлган муносабатларининг кескинлашишига олиб келиши мумкин эди. Демак, Эронга юриш қилишдан аввал Акбар давлатининг Бухорога бўлган муносабатини аниқлаш лозим эди. Шунинг учун қозоқлар қўзғолони бостирилиши биланоқ Абдуллахон Самарқанддан Ҳиндистонга элчи жўнатади ва Бухорога қайтади⁸⁴. Мир Қурайш элчилиги олдида масъулиятли вазифалар турар эди. Бу элчилик Бадахшоннинг Бухорога қўшиб олиниши сабабларини тушунтириши, содир бўлган воқеага Акбар давлатини кўндирган ҳолда, Бухоро — Ҳиндистон муносабатларини яхшилашга ва Бухоро хонлигининг Эронга нисбатан ҳаракатларида Ҳиндистоннинг бетараф булишига эришиши керак эди. Р. Ч. Варманинг ёзишича, Мир Қурайш элчилиги «Эронни бўлиш» масаласи юзасидан ҳам музокаралар олиб борган ва бу ҳақда томонлар умумий бир фикрга келган⁸⁵.

Бу ерда шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, Мир Қурайш элчилиги билан бирга Бухородан Акбар саройига Назарбий⁸⁶ элчилиги ҳам юборилади⁸⁷.

Мир Қурайш Мўғуллар империяси билан музокаралар олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган Бухоро давлатининг расмий

⁸³ Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулланома, в. 450а.

⁸⁴ Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулланома, в. 457а.

⁸⁵ Р. Ч. Варма ўз мулоҳазасининг исботи сифатида қўйидаги учта маълумотни келтиради: а) Акбарнинг Бадахшоннинг ўзбеклар томонидан босиб олингандигига сукут аломати билан рози бўлгани; б) Абдулмўминнинг Туркия сultonи Мурод III га мактуби; мактубда «Ҳиндистон подшоҳи ҳам бу олий даргоҳга (Бухорога ва Балхга — И. Н.) ўзининг энг буюк кишиларидан бири Ҳаким Ҳумомни тортиқлар, ҳадялар ва дустона мактуб билан юборди ва иттифоқ тузди» деб кўрсатилади; в) Имомқулихоннинг (1611—1680) Жаҳонгиршоҳга (1605—1627) ёзган мактуби, мактубда марҳум Абдуллахон ва Акбар замонида Бухоро билан Ҳиндистон уртасида Эронга қарши иттифоқ тузилган, деб айтилади. Р. Ч. Варма, Акбар ва Абдуллахон, 385—386-бетлар.

⁸⁶ Назарбий Бухоро саройига яқин амирлардан бўлиб, Абдуллахон (отасининг вафотидан сўнг) салтанат эгаси бўлганда, уни биринчилар қаторида табриклаган ва Абдуллахон илтифотига сазовор бўлганлардан эди. Лекин, кўп ўтмай, амир билан хон муносабатида келишмовчиликлар пайдо бўлади ва Абдуллахон Назарбийни «гуноҳларини ювиб келиш» учун Ҳиндистон орқали ҳажга боришига мажбур қилган ва ҳинд шоҳи Акбар номига битилган мактубда Назарбийни ўз вакили қилиб кўрсатган.

⁸⁷ Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулланома, в. 457б.

элчиси бўлса, Назарбий отаси Искандархон вафотидан сўнг (1583) хонлик тахтига ўтирган Абдуллахоннинг салтанат эгаси бўлгани ҳақида хабар қилувчи ва унинг номидан Акбарни табрикловчи маҳсус вакили эди.

«Тарихи Акбаршоҳий»даги маълумотга кўра, Акбар Назарбийни (ва унинг ўғиллари — Шодибий, Боқибий ва Қурбонбийларни) Мир Қурайшдан анча аввал қабул қилган ва уларга илтифотлар кўрсатган⁸⁸.

Акбар номига битилиб, Мир Қурайш элчилиги орқали юборилган номанинг кисқача мазмуни «Абдулланома»да хикоя қилингани ҳақида юқорида сўзлаган эдик. Бу мактубнинг асл нусхасини топа олмаганлигимиз сабабли, бу ҳақда муфассал фикр юритолмаймиз. Аммо, текширишлар шуни кўрсатадики, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти қўллётмалар фондида сақланаётган 289 рақамли қўллётмадаги мактубларнинг бири Абдуллахоннинг Акбар номига битилган ва Назарбий орқали бериб юборилган мактуби бўлиб чиқди. Бу ҳужжат «Хазрат ҳалафатпаноҳ (Абдуллахон)нинг Мухаммад Назарбий додхоҳ элчилиги юзасидан Ҳинд (истон) подшоҳига ёзган мактуби» деб номланган⁸⁹. Мактуб Бухоро хонлигининг Лкбар давлатига нисбатан тутган сиёсатини ва Мир Қурайш элчилигининг мақсад ва вазифаларини аниқлашда катта роль ўйнайди. Чунки фикримизча, Мир Қурайш орқали ҳам шу хил мазмунда битилган мактуб бериб юборилган бўлиши эҳтимол.

Назарбий келтирган мактубда Бухоро хони Акбар шахсиятини узундан-узоқ таъриф қилгач, Бухоро «халқи олдида ором ва осойиш эшиги кушойиш» бўлгани, «тўқсон икки ўзбекия фирмасининг бир қанча минг эл ва улуси... итоат ва фармонбардорлик ҳалқасини жон қулоқларига осиб тамоман тобе» бўлганликлари, қозоқ, қорақалпоқ ва қирғиз қабилалари ёрдами билан қалмокларнинг бўйсундирилгани ҳақида, Бухоро ва Ҳиндистанда ҳокимлик қилган собиқ ҳоқонлар ўртасидаги бирлик ва ҳамжиҳатлик түғрисида баён қилиниб, сўнг Эрон масаласига ўтилади. Мактубда кўрсатилишича, бу воқеалардан аввал ҳажга борувчиларга ҳужум қилиб, уларни ўлдирган ва молларини талон-торож қилаётган шиа — эронликларга Назарбий додхоҳ бошчилигида элчи юборилган, уларга насиҳатомуз сўзлар айтилган, лекин эронликлар бу насиҳатларга ҳам қулоқ солмай, ўз босқинчилик ишларини давом эттира берганлар. Шундан сўнг Бухоро хони

⁸⁸ Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 275а.

⁸⁹ Ушбу ишининг «Бухоро—Ҳиндистан муносабатларига оид ҳужжатлар» кисми; мактуб № 1 га қаралсин. (Кейинги саҳифаларда — Ушбу иш—«Ҳужжатлар», мактуб № 1).

(Абдуллахон) Хоразм вилоятининг волисига, «Машҳад, Астробод ва Нишопурга бориб, кетма-кет ҳужум ва талонторожлар қилиб, у табиатан ёмон хулқилар фифонини (кукка) чиқарсан» деб, ҳам манғития ва туркманларга эронлиларга қарши Марв томондан ҳужум қилишга буйруқ берган.

Сўнг мактубда ёзилишича, сарой аҳлларидан бир қанчаси Абдуллахонга Мўгуллар империясига элчи юборишни маслаҳат берганлар. Бундан кузатилган мақсад шуки, мўгуллар императори ҳам «порлоқ шариатни мустаҳкамлаш ва баҳтиёр миллатнинг кучайиши учун барча тоғдек басавлат муҳоҳидлари ва жанговар, музaffer муборизлари билан у тарафдан (Ҳиндистондан — И.Н.) йўлдан озган тоифа устига отлансалар, токи шон-шұхрат конининг ҳар икки гавҳари (Абдуллахон ва Ақбаршоҳ — И.Н.) үзаро бирбirlарига ёрдам ва мадад бериб, у тоифани оёғидан қулатсалар ва улар диёрини (шундай) исломобод қылсаларки... «Назарбий элчилиги шу мақсад юзасидан ҳамда осмондек баланд тахтга баҳтиёрлик билан ўтиришларини табриклиш учун...» тайин этилган. Мактуб охирида Ҳиндистондан ҳам элчилар юборилиши ва шу асосда дўстликни мустаҳкамлаш зарурлиги уқтириб ўтилади.

Демак, мактуб мазмунига кўра, Бухоро хони Ақбарга Эронга қарши курашда бир иттифоқда бўлиб ҳаракат қилишини таклиф этган.

Мир Қурайш элчилиги, үзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли равишда бажариб, 1586 йил 2 декабрда (12 рамазон 994 йили) Ақбар давлатининг Бухорога тайин қылган элчилари билан биргаликда йўлга чиқади⁹⁰. Ҳинд элчиларига Ҳаким Ҳумом бошчилик қиласи эди. Ҳаким Ҳумом Мўгуллар империясининг Бухоро хонлигига юборган расмий элчиси ва Мир Садр Жаҳон Муфти эса Абдуллахоннинг отаси Искандархоннинг вафоти муносабати билан таъзия билдириш учун Ақбар томонидан юборилган, унинг шахсий вакили эди⁹¹. Ҳинд элчилари ўзлари билан бирга Ақбарнинг Абдуллахон номига битилган мактубини келтирадилар. Элчи Мир Қурайшга берилган турли нафис моллар ва буюмлардан ташқари, ҳинд шоҳи Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўмин сultonлар учун хазиначи Муҳаммад Али орқали маҳсус совфа ва ҳадялар бериб юборади. Бу «сов-

⁹⁰ Абдулқодир бинни Мулукшоҳ Бадавоний, Мунтахібут-таворих, в. 307а; Низомиддин Аҳмаднинг маълумотларига кура, элчилар 19 рамазон (9 декабрь)да йўлга чиққанлар (Низомиддин Аҳмад, Табакоти Акбарий, в. 297а).

⁹¹ Абулфазл Алломий, Тарихи Ақбаршоқий, в. 281а.

га — ҳадялар»нинг қиммати бир ярим лакни ёки уч министти юз ироқ туманини ташкил қилган.

Абдуллахон Мир Қурайш элчилигининг қайтаётганини ва у билан бирга ҳинд элчилари келаётгани ҳақидаги хуш хабарни эшиштегач, дарҳол Қобил ҳокимиға одамлар юбориб, ундан ҳинд элчиларини узоқ тутиб турмасликни илтимос қиласи ва маҳсус киши орқали Мир Қурайшнинг тез етиб келиши тайинланади⁹².

Демак, Абдуллахон Акбар давлатининг Бухорога нисбатан бўлган муносабатини билишни ошиқиб кутган, чунки Ҳиндистоннинг Бухоро билан яхши муносабатда бўлиб қолиши айни ҳолда Акбар давлатининг Абдуллахоннинг Эронга нисбатан тутган сиёсатига рози эканлигидан дарак берарди.

1587 йилнинг май ойида Чахорбогда (Андохой) Ҳирот масаласи бўйича Абдуллахон катта кенгаш ўтказади; Шаҳрирабз, Самарқанд, Балх, Деҳнов, Ҳисор ва бошқа вилоятлардан минглаб қўшин келтирилади. Ҳирот ҳокими Алиқулихоннинг Бухорога вассал бўлиш ҳақидаги илтимоси ҳамрад этилади⁹³. Орадан кўп ўтмай, Ҳирот қалъаси қўлга киритилади ва Абдуллахон ўз қароргоҳини «Султон Ҳусайн Мирза» мадрасасига кўчиради.

1587 йилнинг августида Мир Қурайш Абдуллахон ҳузурига келади ва у ҳинд элчилари от ва туюлар етишмаслиги сабабли орқада қолиб кетдилар, деб хабар қиласи; Абдуллахон дарҳол ҳинд элчиларини от ва туюлар билан таъминлашга буйруқ беради. Мир Қурайшни эса ҳинд элчиларига ҳамроҳ бўлиб келиш учун Андохойга қайтариб юборади.

Элчилар Ҳиротга яқинлашганда уларни Қози Ҳожи Мұхаммад, Мирза Ҳайдар Мұхаммад Мунши ва кўп аъён ҳамда шифовуллар тантанали равишда кутиб оладилар. Эртаси куни «Султон Ҳусайн Мирза» мадрасасида катта базм уюштирилади. Ҳофиз Таниш Бухорий бу ҳақда шундай ҳикоя қиласи: «Абдуллахон учун таҳт ўрнатилиб, унинг атроғига амалларига қараб ноиблар, амир ва лашкар бошилар жойлашадилар. Тилладуз тўнлар кийган ва марваридлар қадалиб зийнатланган ханжарлар таққан маҳсус кишилар хизматда эдилар. Сарой ҳожибларининг қулоқлари хон фармойишига қаратилган эди. Мажлис бошланиши билан Ҳаким

⁹² Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулланома, в. 462 а—б.

⁹³ Алиқулихон 994—1585 йилда ўз элчисини Бухорога юбориб, уни вассал деб билишни сўраган эди; Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича, элчин ҳатто Ҳирот қалъасининг калидини келтириб Абдуллахонга топширган (Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулланома, в. 4586, 4646, 4654).

Ҳумом, Садр Жаҳон ва элчиликнинг бошқа кишилари базмга таклиф этиладилар, ҳинд элчиларига уларнинг шоҳлари элчиларни қай тартибда қабул қиласа, шу қонун-қоидага асосан мурожаат қилишларига рухсат берилди. Ҳинд элчиси Ҳаким Ҳумом ҳаяжонга тұлған ҳолда 27 маротаба салом берди. Салом шундан иборат әдикі, құл кафтларини ерга теккизиб, сұнг баландга күтәради ва олдинга қадам ташлаб бөшини қуи солади. Олий жой (тахт)га яқинашканда элчи тиззасида туриб хон құлини үпади ва үзи билан келтирған номани узатади. Номанинг мазмуни шундан иборат әдикі, деб күрсатади Ҳофиз Таниш Бухорий,— муҳаббат ва дүстлик ҳақида сұzlаниб, умумий душман (Эрон—И.Н.) дан сақланиш учун биргаликда ҳаракат қилиш таклиф этилади⁹⁴.

Сұнг элчилар Кулбобо (Қўкалтош) воситачилигига Ҳиндистондан келтирилған совға ва ҳадяларни бирма-бир күрсатадилар. Абдуллахон бу совға ва ҳадяларни шу ернинг үзида үз аъёнлари ва амалдорларига улашиб беради.

Эртаси кун элчилар Султон Абдулмүмин ҳузурида бўлиб, унга ҳам ҳадя — тортиқлар берадилар. Шундан кейин, Абдуллахоннинг фармонига кўра, ҳинд элчилари ҳар куни амалдор — аъёнлар базмларига таклиф этиладилар, уларга совға-саломлар инъом қиласидилар. Ниҳоят, зулқаъда (ноябрь) ойининг охирларида ҳинд элчилари (Хирот бутунлай забт этилганга қадар) Мир Қурайш ҳамроҳлигига Бухорога юборилади ва бош қози Нуриддин Мұхаммадга элчиларни яхши жойлаштириш ва улар ҳақида ғамхўрлик қилиш топширилади⁹⁵.

«Макотиботи Алломий» («Алломий мактублари») да Ҳаким Ҳумом элчилигининг юборилишига оид Акбар номидан Абдуллахонга битилған иккита мактуб келтирилған. Мактублар мазмуни, асосан, бир хил бўлиб, улар ёзилиши жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласиди⁹⁶. Мактубларнинг қисқача мазмуни қуйидагича: Абдуллахон шахсиятининг мақтоворидан сұнг, Акбар ўзининг 30 йилдан ортиқ Ҳиндистонда шоҳ бўлиб тургани ва бу вақт ичидан кўпдан-кўп үлка — вилюятларни забт этганини айтади. Сұнг, узоқ вақт Моваро-

⁹⁴ Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулланома. в. 479 а, б; И. И. Умняков, Абдулланамә Ҳафиза Таныша и его исследователи, Записки колледии востоковедов, т. V, Л., 1929, стр. 327—328.

⁹⁵ Уша асар, ўша бет. И. И. Умняков, Абдулланамә Ҳафиза Таныша и его исследователи, стр. 327—328.

⁹⁶ Ушбу ишда мазкур мактубларнинг фақат биринчи нусхасини (таржима ва асл нусхасини) илова қилишни лозим топдик. «Ҳужжатлар», мактуб № 2.

ушиахрдан элчилар келмаганини эслатиб ўтгач, Акбарни динсизликда айبلاغан ва бу ҳақда Абдуллахонга турли-турман бўхтон сўзлар етказган шахсларни қоралайди. (Акбар) худо ва пайғамбарлар ҳам бўхтондан ҳоли эмасликларини уқтириб, ўзини ҳақиқий мусулмои қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласди. Мактуб мазмунига кўра, Акбар фарангни (португалиялик)ларга қарши курашга отланган вақтда Эронда аҳвол кескинлашиб қолганлиги тўғрисида хабар келган. Эрон шоҳига қарши амир ва ўлка ҳокимлари бош кўтарганлар. Эрондаги бу ички зиддиятлардан Рум (Туркия) сultonни фойдаланиб, Эроннинг бир қанча жойларини босиб олган. Мактубда айтилнишича, Эрон шоҳи Акбардан ёрдам сўраб Алиқули Ҳамадонийни Ҳиндистонга юборган. Шу сабабли Акбар үгилларидан бирин (Шаҳзода Мурод)ни катта қўшин билан Эрон Йроқи томон жўнатиш, ўзи эса Хуросон томон йўл олмоқчи бўлгани, агар Абдуллахон ҳам Хуросонга етиб келса, Акбар Абдуллахон билан учрашиб кўп масалаларни, шу жумладан, Эронга ёрдам кўрсатиш масаласини ҳам ҳал қилиб олишлари мумкинлиги мактубда қайд қилинади. Шунингдек, Акбар Абдуллахондан Шоҳрух Мирзанинг гуноҳидан ўтишни сурайди. Расмий элчи сифатида Ҳаким Ҳумом ва Искандархон вафоти юзасидан таъзия билдириш учун Садр Жаҳон юборилди, деб ёзилади. Ҳаким Ҳумом Акбар давлатининг энг ишончли кишиларидан эканлиги алоҳида таъкидланган; туҳфа ва ҳадялар Муҳаммад Али орқали жўнатилди, деб мактубга хотима берилган.

Мактубларнинг бир-биридан фарқи фақат шундаки, биринчисида Хуросонда учрашиб, Эрон масаласи муҳокама қилинганда, бу масала юзасидан ҳар икки томоннинг фикри назарга олиниши керак бўлса, иккинчисида Эронга ёрдам курсатиш Абдуллахоннинг хоҳиши ва унинг курсатмасига мувофиқ амалга ошиши мумкинлиги таъкидланган⁹⁷. Демак, иккинчи мактуб биринчисига нисбатан масаланинг қўйилиши нуқтаи назаридан келишувчилик руҳида битилган.

К. А. Антонова Ҳаким Ҳумом элчилиги ва Акбарнинг Абдуллахон номига ёзилган мактуби тўғрисида Фикр юритиб, Акбар Абдуллахонга ўзини қудратли шоҳ қилиб кўрсатмоқчи бўлган, дейди. Шиа мазҳабидаги Ҳаким Ҳумомни элчиликка бошлиқ қилиб тайинлаш билан, деб ёзади К. А. Антонова,— Акбар Абдуллахон устидан кулган⁹⁸. Акбарнинг мактуби ҳақиқатан ҳам кўп маъноли бўлиб, ундаги

⁹⁷ Абулфазл Алломий, Макотиботи Алломий, Лакнав, 1863. 23-бет.

⁹⁸ К. А. Антонова, Очерки общественных отношений, стр. 236.

қарана-қарши фикрлар Мұғуллар империясидеги ички зиддиятлар ва Абдуллахон сиёсатининг тажовузкор руҳидан келиб чиқади.

Бу даврда Акбар давлати кучли, марказлашган бўлиб, жуда кенгайған эди. Бу эса Абдуллахонни чўчитарди. Лекин улкан империядаги ички зиддиятларнинг кучайиши ва шунинг билан бирга мамлакат жанубидаги янги вилоятларни бўйсундириш каби муҳим вазифаларнинг мавжудлиги (Бадаҳшон қўлдан кетса ҳамки) империянинг Бухоро хонлигига нисбатан сиёсатини ўзгартмади; гарчи Акбар Хуросонга бориши ҳақида сўзлаб, Абдуллахонни қўрқитмоқчи бўлса ҳам, Абдуллахон билан учрашишни таклиф қилиб, Эрон масаласини ҳамжиҳатликда ҳал қилиш кераклигини айтиб, мамлакатлар ўртасида иттифоқ мавжуд ва шундай бўлиб қолажак, деб ишонтиришга уринди. Акбар ўз хатида Абдуллахоннинг Эронга қарши тажовузкор сиёсатини қаттиқ қораламайди. Чунки Эроннинг заифлашиши Акбар давлати учун ҳам фойдали эди. Лекин Эроннинг заифлашиши ҳисобига Бухоро хонлигининг кучайнини Акбарга ёқмас эди. Шунга кўра, Акбар ўз мактубида, гарчи эронликлар суннат ва жамоат пўлидан тойган бўлсалар ҳам, улар пайғамбар хонадонидан эканликларини эслатиб, уларга бундай оғир вақтда ёрдам қўлинини чўзиш ҳар икки подшоликнинг вазифасидир. деб уқтиради.

Умуман, мактуб мазмуни Абдуллахоннинг сиёсатига, яъни Хуросонни забт этишга зид эмас эди; Абдуллахон Ҳиротни бутунлай босиб олишга астойдил киришади ва тўққиз ой қамалдан сўнг Ҳирот забт этилади ва Ҳирот ҳокимлигини Амир Кулбобо (Қўкалтош)га топширилади; Абдулмўмин бошлиқ қўшинлар эса Машҳад устига юришга тайёрланадилар...⁹⁹.

Кашмир бўйсундирилгандан сўнг, Акбар ўз аъёнлари билан бу үлкага саёҳат қиласди ва 12 зулқаъда (13 сентябрь) 997 (1589) иили Қобилга келади. Бу ерда Бухородан қайтаётган Ҳаким Ҳумом элчилигини қабул қиласди. Ҳаким Ҳумом Акбарга Ҳирот ва Хуросонни тасарруф этгани учун Абдуллахон ундан миннатдор эканини¹⁰⁰ ҳамда Акбар ҳузурига яқин орада Садр Жаҳон билан биргаликда Бухоро элчиси Аҳмад Али Оталиқ келажагини билдиради. Кўп вақт ўтмай, Аҳмад Али Оталиқ ҳам Қобилга етиб келади ва Акбар ил-

⁹⁹ Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулланома, в. 491а.

¹⁰⁰ Абдулқодир бинни Мулукшоҳ Бадавоний, Мунтакабут-таворих, в. 315б; Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 317б.

тифотига сазовор бўлади¹⁰¹. Сўнг Акбар Кобил ҳокимлигини Қосимхонга топшириб, Лоҳурга қайтиб келади.

Ҳиндистон — Бухоро муносабатлари ҳақида фикр юритганда Муҳаммад Замон номи билан боғланган воқеани ҳам эслаб ўтмоқ зарур. Муҳаммад Замон Шоҳруҳ Мирзанинг ўғилларидан бўлиб, у Бадахшон учун бўлган курашда ўзбеклар қулига асир тушган ва Абулфазлнинг ёзишича, 12 ёшида камоқда вафот этган.

Орадан кўп йил ўтгач, Қоратегинда Шоҳруҳ Мирзанинг фарзанди Муҳаммад Замон номи билан бир шахс пайдо бўлади. Унинг атрофига турли қишлоқлардан қуролли гуруҳлар йиғила бошлиайди ва «Муҳаммад Замон» тез орада Қубоб ва бошқа ерларни қўлга киритади, жангларнинг бирида ҳатто Абдулмўминни асир олиш эҳтимоли ҳам юз берган эди¹⁰². Лекин ўз хоҳиши билан келиб қўшилган қуролли кучлар ўз бошлиқларининг қалбаки шахс эканлигини сезгач, тарқалиб кетадилар. Сўнг Муҳаммад Замон ўзбеклардан ёнгилиб, Кобилга қочади ва пайт пойлаб Кобил ҳокими Қосимхонни ўлдиради. Қосимхоннинг ўғли эса Муҳаммад Замонни ўлдиради. Шундай килиб, Абулфазл Муҳаммад Замонни Акбар давлати билан алоқасиз шахс деб ҳисоблайди.

Р. Ч. Варманинг маълумотига кўра, Муҳаммад Замон ўз вакилини юбориб Акбардан ёрдам сўратган; Акбар эса ўзбеклар билан яхши муносабатда эканлигини айтиб, бу илтимосни рад қилган ва унинг ким эканлигини билиш ниятида уни саройга таклиф қилган¹⁰³. Ф. А. Ноер Акбар «Муҳаммад Замон»га ёрдам беришдан воз кечган бўлсада, унинг ҳаракатларини маъқуллаган, дейди¹⁰⁴. Бадавоний ҳам «Муҳаммад Замон» Шоҳруҳ Мирзанинг ўғли эмаслигини айтади. Аммо у Қўҳистонни қўлга киритган «Муҳаммад Замон»га Лоҳурдан аҳадийлар орқали 200 ашрафий маблағ, кўп миқдорда ўқ ёй ва тўплар юборганини хабар қиласди¹⁰⁵. Фақат «Миротул олам» асарининг муаллифи Муҳаммад Замонни Шоҳрухнинг ўгли деб атайди.

«Муҳаммад Замон» Шоҳруҳ Мирзанинг ўғли ёки ўғли эмаслиги ва шунингдек, унинг Акбар томонидан юборилгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Лекин шуниси аниқки, Акбар «Муҳаммад Замон»га ёрдам кўрсатган, аммо бу ёрдам етарли даражада бўлмаган; чунки Акбар, биринчидан,

¹⁰¹ Уша қўлёзма, в. 318а.

¹⁰² Уша қўлёзма, в. 326а.

¹⁰³ Р. Ч. Варма, Акбар ва Абдуллахон, 3876.

¹⁰⁴ Ф. А. Ноер, Акбар империяси, II том, 1986.

¹⁰⁵ Абдулқодир бинни Мулукшоҳ Бадавоний, Мунтакабут-таворих, в. 3086 — 309а.

Абдуллахоннинг Бадахшондаги ҳокимиятини кучсизлантиришга уринган; иккинчидан, Абдуллахон давлати билан яхши муносабатда бўлгани учун бу ишда очиқ-оидин ва астойдил ҳаракат қилолмаған. Бунинг устига Аҳмад Али Оталиқ элчилигининг қайтишига узоқ вақтгача рухсат этилмайди. Ҳали Аҳмад Оталиқ элчилиги Ҳиндистонда турган вақтда Бухородан Абдуллахоннинг Мавлоно Ҳусайнин бошчилигидаги янги элчилиги келади ва у 15 абан (999) — 9 ноябрь (1590) да Акбар хузурида бўлади¹⁰⁶. Абулфазл Мавлоно Ҳусайнин элчилиги ҳақида сўзлаб, Бухоро хони бу элчиликни Аҳмад Али Оталиқнинг узоқ вақт Бухорога қайтмаганлигидан ташвишланиб ва ўғли Абдулмўминнинг қилимшлари учун узр сўраб юборган, деб ёзади¹⁰⁷.

Муҳаммад Замон воқеаси ва жангларнинг бирида мағлубиятга учраш Абдулмўминни ғазаблантиради ва у ўзномидан Акбар саройига элчилар юбориб, улар орқали Ҳиндистонга қочиб борган бадахшонликларни тутиб бернишни талаб қиласди¹⁰⁸. Баъзи авторлар (масалан, «Акбарнома»га шарҳ ёзган Саййид Муҳаммад Содиқ Али) Абдулмўмин Акбарнинг қизини ўзига хотинликка сўратган, шунингдек, Ҳиндистонга қарашли бир қанча ерларга ҳам даъво қилган¹⁰⁹, деб кўрсатадилар. Абулфазл Алломий дафтар (мактублар)ига шарҳ ёзган Мавлавий Муҳаммад Фиёсиддин Абдулмўмин отасининг розилиги билан Акбар олдига шундай талабларни қўйган, Акбар эса бу ҳақда ўз кишиси (жосуви — И. Н.) орқали эшитиб, Абдулмўмин элчисини Ҳинддарёсига чўктириб юборишга буюрган, деб изоҳлайди¹¹⁰.

Фикримизча, Мавлавий Муҳаммад Фиёсиддиннинг фикри ҳақиқатга яқинроқ булиши мумкин. Акбарнинг Бухоро хонлигидаги воқеалардан хабардор қилиб турувчи «ўз кишиси»га эга эканлиги «Макотиботи Алломий»да келтирилган мактублардан бирининг мазмунидан ҳам маълум бўлади. Бу мактуб Абдуллахон амирларидан бирининг номига ёзилган булиб, бунда Ҳаким Ҳумомнинг вафот этганлиги туфайли Акбар мазкур амир билан хат ёзишиб туришни ушбу мактуб муаллифиға (яъни Абулфазлга — И. Н.) буюрган ва мазкур амирнинг император саройида катта эътиборга эга

¹⁰⁶ Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 331а, б.

¹⁰⁷ Ўша қўлёзма, ўша бет.

¹⁰⁸ Ўша қўлёзма, в. 331б.

¹⁰⁹ «Макотиботи Абулфазл Алломий»нинг хошиясига қаралсин, 7-бет, 1-изоҳ.

¹¹⁰ Мавлавий Муҳаммад Фиёсиддин, Шарҳи ҳар се дафтири Абулфазл, Лоҳур, 1869, УзФАШИ, л. 2864, 13-бет.

экани, унинг ўзи каби кишилар (яъни Мўғуллар империясига хизмат қилувчи кишилар) сонини кўпайтириш йўлида иш олиб бориши лозимлиги ва бошқалар ҳақида маҳсус сирли иборалар билан баён қилинган¹¹¹.

Абулфазл Алломий асарида Абдулмўмин юборган элчи Ҳинд дарёсидан ўтаётган (28 фарвардин 999—1591) да — 17 апрель 1591 йилда сувга чўкиб кетади¹¹², деб кўрсатилиди.

Акбарнинг Бухорога яқин Панжоб вилоятида узоқ вақт туриб қолиши Абдуллахонни хавфга солган ва Бухоро хони Мавлоно Ҳусайнни элчилигини юбориб Акбар давлати билан яхши муносабатда булишга интилган, деб ёзади бу элчилик ҳақида Р. Ч. Варма.

Аслида эса Абдуллахонни бошқа бир нарса ташвишлантироқда эди. Ёш ва ғайратли Эрон шоҳи Аббос (1587—1629) мамлакатдаги феодал курашиларни шафқатсиз равишда бостириб, кучли марказлашган давлатга асос солмоқда эди. Аббос ўзбеклар томонидан забт этилган Ҳирот ва Хурсонни қайта босиб олиш ҳаракатида эди. Бу ишда у ҳатто Ҳиндистондан ёрдам сўраб, ўз элчиси Ёдгор Султон Румлуни Акбар ҳузурига юборган эди¹¹³.

Аммо Акбар Эронга нисбатан «кузатиш», «пайт пойлаш» сиёсатини тутишда давом этарди. Бунга асосий сабаб ҳали Қандаҳор масаласининг узил-кесил ҳал бўлмаганлиги эди. Шу сабабли Эрон элчиси Ёдгор Султон Румлу Ҳиндистонда узоқ вақт тутиб турилди.

Орадан бир қанча йил ўтгач, яъни 1595 йилда Қандаҳор Ҳиндистонга қўшиб олинади, бу қуйидагича амалга ошади:

Қандаҳор ҳокими Султон Ҳусайн Мирза вафотидан сўнг ундан 4 ўғил (Музаффар Ҳусайн Мирза, Рустам Мирза, Абусаид Мирза ва Санжар Мирза) қолган эди. Султон Ҳусайн Мирза давлати Қандаҳордан ташқари, Зоминдовар, Гармсадан Сирхиндгача кенгайган эди. Шоҳ Аббос бу ерларни унинг ўғилларига бўлиб беради: — Музаффар Ҳусайн Мирзани Қандаҳор ҳокими, Рустам Мирзани Гармсар ва Зоминдовар ҳокими қилиб тайинлайди. Давлат вакили қилиб Ҳамзабек (кур Ҳамза)ни белгилайди. Ҳамзабекнинг иғвоси билан Музаффар Ҳусайн Мирза Сенистонни эгаллайди. Рустам Мирза эса бу ерни қўшиб олиш ниятида эди. Натижада, ака-укалар орасида низо чиқиб, у катта тўқнашувларга олиб келади. Бу даврда ўзбеклар Фарроҳга таҳдид сол-

¹¹¹ Ушбу иш, «Ҳужжатлар», мактуб № 3.

¹¹² Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 326а.

¹¹³ Искандар Мунши, Тарихи оламоройи Аббосий, 291-бет.

моқда әдилар. Фарроқ ҳокими Рустам Мирзадан ёрдам сүрайди, Рустам Мирза эса пайтни қулай ҳисоблаб, Фарроғни эгаллаб олади ва Сеистонга ҳужум қиласи, лекин муваффақиятсизликка учрайди. Рустам Мирза Сеистондан қочиб Зоминдоварга келса, бу ер ўзбеклар қўлига ўтган бўлади. Энди Рустам Мирзага Ҳиндистонга боришдан бўлак илож қолмайди. Акбар Рустам Мирзани тантанали равишда қарши олади. Унга Мултон вилоятини «жогир» қилиб беради¹¹⁴. Рустам Мирзага бу қадар катта илтифот кўрсатишдан мақсад,— дейилади «Тарихи оламоройи Аббосий»да — Музaffer Xусайн Мирзани ҳам Ҳиндистонга жалб қилиш эди¹¹⁵ ва шу йўл билан Акбар Қандаҳорни урушсиз ўз териториясига қўшиб олиш ниятида эди.

Ўзбек қўшинлари Зоминдоварни эгаллагач, Сеистон ва Қандаҳорга ҳужум қилишга тайёргарлик кўра бошлайди. Қандаҳорни тезроқ қўлга киритиш мақсадида Абдуллахон ўз элчисини Музaffer Xусайн Мирза ҳузурига юбориб, уни Ҳиндистонга боришни хаёлига ҳам келтирмасликка, Қандаҳорда хотиржам ҳокимлик қилиб, ўз ота ерини чиғатоийлар (яъни Мўғуллар империяси) тасарруфига бермасликка даъват қиласи¹¹⁶.

Аммо, Музaffer Xусайн Мирза Абдуллахоннинг сўзларига ишонмайди. Айни вақтда Акбарнинг вакили Қандаҳорга келиб, Қандаҳорни унга топширишни ва Музaffer Xусайн Мирзага эса Ҳиндистонга боришни таклиф этади¹¹⁷. Аввал онаси, ўғли, сўнгра Музaffer Xусайн Мирзанинг ўзи Ҳиндистонга жўнаб кетади. Ҳинд қўшинлари Қандаҳорга кириб келиши биланоқ Қандаҳор қальасидаги икки мингга яқин қизилбош (эронли)лар қочиб кетадилар ва натижада, Қандаҳор урушсиз Акбар давлатига қўшиб олинади.

Қандаҳор Ҳиндистонга қўшиб олингач, Акбар дарҳол Эрон билан алоқаларни тиклашга киришади. Эрон элчиси Ёдгор Султон Румлу билан биргаликда Эронга Зияулмулк бошчилигида элчилар юборилади¹¹⁸.

Абулфазл Алломий ёзадики, Ёдгор Султон элчилиги келганидан сўнг саройда кенгаш ўтказилиб, Эронга ёрдам бериш ва шаҳзодалардан бири раҳбарлигида ҳинд қўшинларини Хурсонга юборишга қарор қилинган эди. Лекин Бухордан элчиларнинг кетма-кет келиши ва дўстона алоқаларнинг ўрнатилиши натижасида бу қарор амалга ошмади¹¹⁹.

¹¹⁴ Искандар Мунши, Тарихи оламоройи Аббосий, 330-бет.

¹¹⁵ Уша асар, 332-бет.

¹¹⁶ Уша асар, 331-бет.

¹¹⁷ Уша асар, 332-бет. Бу далил Абулфазл асарларида учрамайди.

¹¹⁸ Абулфазл Алломий, Тарихи Акбаршоҳий, в. 376а.

¹¹⁹ Уша асар, в. 333а.

Акбар номидан Шоҳ Аббосга ёзилган мактубда Эронга ҳинд қүшинларини юборишнинг кечиктирилганига сабаб Акбар давлатининг ички курашлар билан бандлиги, Эрондаги сиёсий вазиятнинг ноаниклиги ҳамда Қандаҳор масаласи ва бошқалар деб курсатилади. Сунг мактубда Акбар Мовароуннахрга юриш қилиб, уни босиб олмоқчи бўлганини ва у ердан Эронга ёрдам курсатишга аҳд қилганлигини, аммо Турон ҳокимининг кетма-кет элчилар юбориб, дустона алоқа боғлагани сабабли бу фикридан қайтганини баён қиласди¹²⁰.

Шундай қилиб, Акбар давлати Зияулмулк элчилиги ва Эронга юборилган бошқа элчиликлар орқали Бухоро хонлигига қарши курашда Эрон шоҳига аниқ бир ёрдам ваъда қилмайди.

Энди Ҳиндистон — Бухоро алоқаларига қайтайлик. Бир қанча йиллар давомида Ҳиндистондан Бухорога элчилар юборилмади. Бухоро элчиси Мавлоно Ҳусайнин 1592 йили Поҳурда вафот этади. Орадан икки йил ўтгач, Р. Ч. Варманинг ёзишича, яна Бухородан элчи Мулк Салоҳ Бухорий келган¹²¹.

Бухородан Акбар саройига кетма-кет элчиларнинг келиши, фикримизча, Бухоро хонининг бу даврда Акбар давлати билан яхши муносабатларда булишга ҳаракат қилганлигидан дарак беради, чунки бу Бухоро хонлиги манфаатига мос келарди. Бухоро хони Эронга қарашли ерларни, шу жумладан, Қандаҳор ўлкасини босиб олишда Ҳиндистоннинг бета-рафлигини таъминлашга интиларди. Аммо, Акбар давлати ҳам ўз навбатида Қандаҳор ўлкасини (шунигдек, бу ўлкага қарашли Зоминдовар, Гармсар ва бошқа ерларни ҳам) Муғуллар империясига тегишли жойлар деб билиб, уни Эрондан тортиб олиш Фикрида эди. Демак, бу ерда Бухоро хонлиги билан Акбар давлатининг манфаатлари бир-бирларига зид келади. Шунга кура, ҳар икки мамлакат уртасида яхши қўшничилик алоқалари ўрнатиш мумкин бўлмади, чунки бу хилдаги муносабатдан Акбар давлати манфаатдор эмас эди. Узоқ вақт давомида Ҳиндистондан Бухорога элчилар юборилмаслигининг сабаби ҳам ана шунда эди.

Қандаҳор урушсиз Ҳиндистонга қўшиб олингач, Қандаҳорга сафарбар қилинган ҳинд ҳарбий қисмларига Зоминдовар, Гармсар ва бошқа жойларни Бухоро хонлигидан қайтариб олиш ҳақида бўйруқ берилади ва бир неча кичик-ки-

¹²⁰ Абулфазл Алломий, Макотиботи Абулфазл Алломий, 30—31-бетлар.

¹²¹ Р. Ч. Варма, Акбар ва Абдуллахон, 388-бет.

чик түқнашувлар натижасида бу ерлар Акбар давлатига құшиб олинади.

Шундан сүнг Акбар Бухорога элчи юборишга қарор қиласы. Бундан мақсад, биринчидан, Зоминдовар ва Гармсардаги түқнашувни хаспүшлаш бұлса, иккінчидан, Бухоро билан дүстона муносабатлар үрнатыб, бу хил муносабатдан Эрон — Ҳиндистон алоқаларини үз манфаатларига бүйсундирінша дастак сифатида фойдаланиш эди.

24 урду — биҳешт (1004 ҳижрий — 17 май 1597) йили Ҳиндистондан Бухорога Ҳұжа Ашраф Нақшбандий бошлиқ әлчилик шүлгә чиқади. Шоҳона совға — ҳадялар эса Шайх Ҳусайнин Лакновий орқали махсус жұнатылади. Ҳинд әлчиси Акбарнинг Абдуллахон номига ёзилган дүстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратылған¹²² мактубини келтиради.

Мактубда Акбар үз давлатининг Бухоро хонлигига нисбатан доимо дүстона муносабатда бұлғанини уқтириб, бунинг исботи үлароқ қүйидаги далилларни келтиради¹²³:

а) Абдуллахон Ҳиндукүш мамлакатлар үртасида чегара ҳисоблансын, деб таклиф қилған экан, унинг бу таклифи маъқул топилди;

б) Эрон ҳокими үз әлчиси Ёдгор Султон Румлуни юбори Бухорога қарши курашда ёрдам сұратған экан, бу илтимос қабул қилинмади;

в) Шоҳрух Мирзага Бухорога яқын бұлған Қобил ёки Каширдан эмас, балки Мальва үлкасидан жогир берилди;

г) ўзбеклар Қандағорни Эронга қарашли жой деб биліб, унга ҳужум қымасынлар, деган андиша билан бу вилоят Ҳиндистонга құшиб олинди;

д) Шоҳрух Мирзанинг үғли номи билан Бадахшонда құзғолон күтарған Мұхаммад Замонга ёрдам күрсатылмади;

е) Бухоро хонини хавфдан құтқариш учун Панжобни ташлаб Аграта келинди;

ж) Абдулмүмин қилған беадабгарчиликтарга үғилнинг отага қилған әркалиги деб қаралиб, унинг гуноҳидан ўтылды ва бошқалар.

Мактубда Акбар ўзининг Панжоб вилоятида узоқ вақт туриб қолишига аффонлар ва белужларни бүйсундиріш, Кашир, Тата ва Сейстонни империяга құшиб олиш сабаб бұлғанини айтиб, сүнг Гужаротдаги құзғолоннинг бостирилиши ва Деканда олиб борилаётған жанглар ҳақида бирмабир ҳикоя қиласы.

Мактуб мазмунига қараганда Аҳмад Али Оталиққа Ху-

¹²² Абулғазл Алломий, Тарихи Акбаршохий, в. 396а.

¹²³ Ушбу иш, «Хужжатлар», мактуб № 4.

жа Ашраф Нақшбандий элчилиги билан биргаликда қайтишга рухсат этилган. Мактубда фақат бир жойда, яъни Абдулмўминнинг хатти-ҳаракатлари ҳақида сўз боргандা, бу ноўрин ҳаракатлар Абдуллахоннинг розилиги билан қилинган бўлиши керак деб, киноя қилинади. Бошқа барча масалалар дўстона руҳда нақл этилган.

Акбар давлатининг ички ишлари ҳам Бухоро хонлиги билан дўстликни мустаҳкамлашни тақозо қиласа эди. Чунки бу даврда империя олдида катта бир вазифа — Деканни буйсундириш вазифаси турарди. Бу масалани муваффақиятли ҳал қилишда Мўғуллар империясининг гарбий райони — Кобил вилоятида тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши муҳим роль ўйнарди, бу эса Бухоро хонлиги билан бўлган алоқаларга боғлиқ эди.

Хинд элчилари Хўжа Ашраф Нақшбандий ва Султон Ҳусайн Лакновийлар 1597 йилнинг сентяброда Абдуллахон ҳузурида бўладилар. Хинд элчиларининг Ҳиндистонга қайтишларида кузатиб бориш вазифаси Мир Қурайшга топширилабди. Элчилар Ҳиротга кириб келганларида Абдуллахон вафти ҳақида хабар тарқалади.

Келтирилган далиллардан шундай холосага келиш мумкини, XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлиги билан Ҳиндистон уртасида қизғин сиёсий (дипломатик) муносабатлар ўрнатилган ва бундан ҳар икки томон манфаатдор бўлган.

XVI асрнинг иккинчи ярмидаги Бухоро — Ҳиндистон муносабатларини уч даврга бўлиш мумкин:

а) Бухоро хони томонидан Бадахшон босиб олингунга қадар бўлган давр. Бу вақтда Бухоро — Ҳиндистон муносабатлари у қадар дўстона руҳда бўлмади. Бадахшоннинг забт қилиниши эса мамлакатлар уртасидаги муносабатни кескинлаштириб юбориши ҳам мумкин эди. Лекин, ҳар икки мамлакатнинг манфаатлари ўзаро муносабатларни кескинлаштиришга йўл қўймади. Бухоро хони Акбар саройига кетма-кет дўстлик элчиларини юбориб, Бадахшон воқеасини эсдан чиқаришга уринган бўлса, Акбар ўз империясининг гарбий чегаралари хавфсизлигини таъминлаш учун Бухоро билан яхши қўшничилик сиёсатини давом эттиришга мажбур бўлди;

б) Абдуллахоннинг Эронга нисбатан тутган тажовузкорлик сиёсатининг кучайган даври. Бу даврда Бухоро хони Ҳиндистонни Эронга қарши курашга унгади. Эроннинг заифлашишидан манфаатдор бўлган Акбар давлати (Қандаҳорни осонгина Ҳиндистонга қўшиб олиш мақсадида) Абдул-

лахоннинг Эронга нисбатан бўлган агресив ниятларини қатъяян қораламади;

в) Қандаҳор масаласининг ҳал булиш даври. Маълумки, бу масала устида Бухоро ва ҳинд қўшинлари ўртасида тўқнашувлар ҳам бўлди. Аммо шундан кейин ҳам мамлакатлар ўртасидаги муносабат кескин ўзгартмади. Чунки жанубий ҳинд ерларини босиб олиш учун Акбар давлатига Бухоро хонлиги билан яхши муносабатда бўлиш зарур эди. Ўзаро яхши қўшничилик муносабатларидан Бухоро хонлиги ҳам манфаатдор эди. Чунки бу вақтда давлатни ўз қўлига олган Эрон шоҳи Аббос I Бухорога қарши курашни кучайтириш фикрида эди.

* * *

Аштархонийлар ҳукмронлик қилган даврда ҳам Бухоро хонлиги ва Мўғуллар империяси ўртасида қизғин дипломатик алоқалар мавжуд бўлган.

И момқулихон таҳтга утиргач, уғли Искандарни Тошкент ҳокими қилиб тайинлайди. Тез орада Искандар зулмига қарши тошкентликлар қўзғолон кўтарадилар ва Искандар ўлдирилади. Бу воқеадан хабар топган И момқулихон Балх ҳокими — укаси Надр Муҳаммадхон билан биргаликда Тошкентга юриш қилиб, қўзғолонни шафқатсизлик билан бостиради (1613), сунг Бухорога қайтиб келиб, Ҳиндистон шоҳи Жаҳонгир (1605—1627) ҳузурига элчилар юборади¹²⁴. Элчилар Ҳиндистонга қимматбаҳо совға ва туҳфалар билан борадилар. Мўғуллар императори улар билан яхши муносабатда бўлган.

Р. Ч. Варманинг ёзишича, Бухоро элчилари И момқулихоннинг Жаҳонгир номига ёзган мактубини келтирганлар ва бу мактубда Бухоро хони марҳум Абдуллахон ва Акбар даврларида Бухоро ҳамда Ҳиндистон ўртасида бир диний мазҳабда булиш асосида ўзаро иттифоқ тузилганлиги ва бу иттифоқ натижасида Хурросон ҳамда Эроннинг кўп жойлари Бухоро ва Ҳиндистон томонидан босиб олинганлиги қайд қилиб утилган¹²⁵.

«Тарихи Муқимхоний» муаллифининг кўрсатишича, «орадан бир неча вақт ўтгач, Жаҳонгир подшоҳ Ҳаким Ҳозиқни

¹²⁴ Муҳаммад Юсуф Мунши, Муқимхонская история, стр. 89.

¹²⁵ Р. Ч. Варма, Акбар ва Абдуллахон, 386-бет. Афсуски, И момқулихоннинг Жаҳонгир номига ёзган ушбу мактуби ва унинг мазмунни бизга номаълум бўлиб қолмоқда.

элчилик расми билан олий мақом хон (Имомкулихон) ҳузурига юборади»¹²⁶. Асарда кўрсатилишича, Ҳаким Ҳозиқ элчилиги Бухородан жўнаб кетганидан бир йил кейин Жаҳонгир вафот этган. Агар биз Ҳаким Ҳозиқ элчилигини Бухорода бир йил турган деб фараз қиласак, (Жаҳонгиршоҳ 1627 йили вафот этган) у ҳолда ҳинд элчилари Бухорога 1624—1625 йиллари, демак, Имомкулихон элчисидан ўн йил кейин («Орадан бир қанча вақт утгач» эмас!) келган бўлади (Бу ерда «Тарихи Муқимхоний» китобида келтирилган маълумотлар асосида шу асар муаллифининг фикри бир оз нотуғри эканлигини кўрсатиб утдик. Аслида ушбу муаллифнинг Ҳаким Ҳозиқ элчилигининг келиши тўғрисидаги маълумотлари ҳам чалкаш, бу ҳакда қўйироқда сўзлаймиз).

Лекин, Ҳиндистон билан Бухоро ўртасидаги сиёсий муносабатлар бундай узоқ вақт узилиб қолмаган. Манбаларнинг кўрсатишича, Ҳаким Ҳозиқ элчилигидан аввал Ҳиндистондан Бухорога Бирка элчилиги келган ва улар Бухорода бир неча йил турганларидан сунг, ватанларига қайтганлар¹²⁷.

Шундан кейин Бухородан Ҳиндистонга Ҳўжа Абдураҳим бошчилигига элчилар юборилади.

Ҳўжа Абдураҳим Ҳўжа Ислом Жўйборийнинг набираларидан булиб, Ҳўжа Саъднинг ўртанча ўғли эди. Ҳўжа Саъд ўз вафоти олдидан (23 октябрь 1589) васият қилиб, ўзининг барча асосий бойлиги — ер-мулки ва 18 минг олтин ашрафий маблағини катта ўғли Ҳўжа Тожиддинга мерос қилиб беради. Ҳўжа Абдураҳимга эса 4 минг ашрафий тегади, холос¹²⁸.

Имомкулихон тахтга ўлтириши билан Ҳўжа Абдураҳимнинг эътибори тобора кучсизлана боради ва ҳатто бизга номаълум сабабларга кўра, Ҳўжа Абдураҳим ҳаж қилиш никоби остида Бухорони ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Ҳўжа Абдураҳим Исфаҳонга етганда йўлда бетоб булиб қолиб яна Бухорога қайтиб келади. Лекин у орадан кўп вақт ўтмай Ҳиндистон сафарига отланади.

«Матлабут-толибин» асардаги маълумотларга кўра, Ҳўжа Абдураҳимнинг Ҳиндистонга боришига қўйидаги воқеа сабаб бўлган. Ҳиндистонда Шоҳ Салим (Жаҳонгиршоҳ) билан унинг ўғли Шоҳ Ҳуррам ўртасида кучли келишмовчиликлар пайдо бўлгани тўғрисидаги хабар Бухорога ҳам етиб келади. Кунларнинг бирида Ҳўжа Абдураҳим Имомкули-

¹²⁶ Мухаммед Юсуф Мунши, Муқимханская история, стр. 88.

¹²⁷ میرزا محمد هادی نورز ک جانگیری (Мирза Муҳаммад Ҳоди, Тузуки Жаҳонгирий), ЎзФАШИ, лит. 11382, 427—428-бетлар.

¹²⁸ И. П. Иванов, Хозяйство джайберских шейхов, М.—Л., 1954, стр. 67.

хонга шу ҳақда гап очиб, ота-болани яраштириб қўйиш кераклигини айтганда, Имомқулиҳон Хўжага қараб: бу—сизлар (яъни жўйбарий шайхлар) нинг ишинги, ота-боболарингиздан тортиб шу хил юмуш билан шуғулланиб келмоқдасизлар, деб жавоб қайтарган. Бу воқеадан сўнг Хўжа Абдураҳим Ҳиндистон сафарига тараддуд кўрган¹²⁹. Хўжа Абдураҳим қимматбаҳо буюмлар — тулки ва қундуз терисидан тикилган пустинлар, балиқ тиши, бир қанча тезюорар от ва туялар, яхши зийнат бериб ёзилган китоб ва риқъалар ҳамда бошқа совға-саломлар билан йўлга тушади. Хўжа Абдураҳимга бир қанча мулоzимлар билан бирга катта ўғли Муҳаммад Сиддиқхўжа ҳамроҳлик қиласди.

Чегарадан ўтиши биланоқ ҳинд подшосининг буйруғи билан Хўжа Абдураҳим ва унинг мулоzимлари учун кунига минг рупия «қунилғалик» ажратилади¹³⁰. Вилоят ҳокимлари уларга туҳфа ва совғалар инъом қиласдилар, Кобил вилюятининг ҳокими Зафархон Хўжа Абдураҳимни Лоҳур шаҳригача кузатиб боради. Хўжа Абдураҳим Лоҳур шаҳрига яқинлашганда унинг истиқболига Абдуллахон даврида Машҳад ҳокими бўлган ва Ҳиндистонда эса «панчҳазори» («беш мингчи») лавозимида хизмат қиласган Баҳодирхон ўзбек, Хўжа Абдул Ҳасан девон, Ибодатхон баҳши ва бошқалар чиқадилар. Хўжа Абдураҳим келган куниёқ Жаҳонгиршоҳ томонидан тантанали равишда қабул қилинади ва катта ҳурмат сифатида унга тахтга яқин ўтиришга рухсат этилади. Қабул маросимида Жаҳонгиршоҳ Абдураҳимга 50 минг рупия инъом этади, Хўжа Абдураҳим бир қанча кун давомида тилла ва нуқра идишларга солингган хилма-хил таомлар билан меҳмон қилинади¹³¹.

Ҳинд тарихчиси Банарси Прасад Саксенанинг фикрича, Ҳиндистонга элчиллик вазифаси билан келган Хўжа Абдураҳим Бухоро хонининг Ҳурсонни Ҳиндистон ва Бухоро ўртасида бўлиб олиш ҳақидаги таклифини ҳам баён қиласган ва Жаҳонгиршоҳнинг вафоти муносабати билан бу таклиф амалга ошмай қолган¹³².

Демак, Б. П. Саксенанинг маълумотларига кўра, Хўжа Абдураҳим Бухоро хонининг Ҳиндистонга юборган расмий

¹²⁹ Муҳаммад Толиб бин Тожиддин Ҳасанхўжа, Матлабут-толибин, в. 2076, 208a.

¹³⁰ Уша қўллэзма, в. 209a.

¹³¹ Мирза Муҳаммад Ҳоди, Тузуки Жаҳонгирий, 427—428-бетлар.

¹³² Banarsi Prasad Saksena, History of Shahjahan of Dihli, Allahabad, 1958. (Кейинги саҳифаларда — Б. Р. Саксена, Шоҳ Жаҳон тарихи).

элчиси. Шундай бўлиши ҳам мумкин. Чунки Жаҳонгирнинг ўғли Шоҳ Жаҳон (Шоҳ Ҳуррам) ва бошқаларнинг тинимсиз қўзғолонлари оркасида Ҳиндистоннинг кучсизланиб бораётганини сезган¹³³ Йомомқулихон бу қулай вазиятдан фойдаланиб, ўзини Ҳиндистоннинг ички ишларига ҳам аралаша оладиган улуғ хоқон қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган бўлиши мумкин. Ҳўжа Абдураҳим учун ҳам ҳинд шоҳи ҳузурига оддий шайх эмас, балки давлат элчиси сифатида келиш қулай ва фойдали эди.

Шунингдек, «Тузуки Жаҳонгирий» муаллифи ўз асарида Ҳўжа Абдураҳим Йомомқулихоннинг Жаҳонгиршоҳ номига ёзилган мактубини келтирган, деб ёзади¹³⁴. Аммо, «Тузуки Жаҳонгирий»да ҳамда Ҳўжа Абдураҳимнинг Ҳиндистонга қилган саёҳатини батафсил ҳикоя қилувчи «Матлабут-толибин»да (шунингдек, бошқа асарларда) ҳам бу мактуб ёки унинг қисқача мазмуни ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди.

Фикримизча, Ҳўжа Абдураҳимнинг Ҳиндистонга бориши тўғрисида берилган ва ушбу ишда асл нусхаси ва таржимаси илова қилинаётган ҳужжат¹³⁵ Бухоро хонининг ҳинд подшоҳи номига ёзган номаси бўлмаса керак. Чунки бу ҳужжат «Ҳиндистон воқеанависининг нишони (буйруғи)» деб аталиб, унда шоҳларга ёзиладиган расмий хатлардаги каби Жаҳонгиршоҳ шахси улуғланиб таъриф этилмайди, аксинча, Йомомқулихон кўпроқ ўзининг адолатлик хон эканлиги ҳақида мақтаниб ёzádi, ва ниҳоят, ҳужжатда Ҳўжа Абдураҳимнинг кўнглига сайр қилиш фикри тушгани ва шунинг учун уни Ҳиндистон сафарининг воқеанавислик хизматига тайин этилгани айтилади:

«...пок зотли Ҳўжа Абдураҳимга кўпдан-кўп илтифотлар қилиниб... уни Ҳиндистон сафарининг воқеанавислик хизматига сарафroz қилдикки, у (чегарадан) ўтишдан ва ишга тушибдан бошлаб то бу хизматнинг анжомига ва охирига қадар ҳар мулк ва ҳар ерда рўй берган турли воқеаларнинг ҳаммасини оққа тушириб ва баён қилиб ҳар куни олий таҳт поясининг арзига етказади». Нома охирида ҳам Жаҳонгиршоҳ давлатининг абадий бўлиши ва бошқалар ҳақида истак билдириш ўрнига «Шубҳасизки, (буни) тўхтатиш ва (унга)

¹³³ Ҳақиқатан Шоҳ Жаҳоннинг уч йилдан ортиқ давом этган қўзғолони Мўғуллар империясининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан заифлашишига олиб келган. Жаҳонгирнинг таъбирича, «Шоҳ Жаҳоннинг қўзғолонлари унинг ўз (келажакдаги) давлатининг асосига болта урган эди» (Н. К. Синха, А. Ч. Банерджи, История Индии, стр. 242).

¹³⁴ Мирза Муҳаммад Ҳоди, Тузуки Жаҳонгирий, 428-бет.

¹³⁵ Ушбу иш, «Ҳужжатлар», мактуб № 5.

хилофлик қилиш олий останага бош қўювчиларга доғ тушиндан хабар беради» дейилади, агар Ҳўжа Абдураҳим ўзига юклатилган вазифани адо этмаса, унинг И момқулихон олдида эътиборсиз булиб қолажаги киноя қилинади. Ҳужжатдан куриниб турибдики, Ҳўжа Абдураҳимга воқеанавислик вазифаси ҳам юклатилган.

Демак, биринчидан, Ҳўжа Абдураҳим Хиндистонга ўз ходиши билан кетмаган, аксинча, унга нисбатан И момқулихон муносабатининг совуқ бўлганлиги орқасида чет ўлкаларга шиқиб кетишга мажбур бўлган (эҳтимол, шу вақтларда жўйбарий шайхларнинг каттаси, асосий меросхўр Тожиддин ўзига рақиблик қилиши мумкин бўлган укалари — Ҳўжа Абдураҳим ва Абдиҳўжалардан қутулиш мақсадида ўз таъсиридаги хон И момқулини шундай қилишга даъват этгандир) ва иккинчидан, И момқулихон Ҳўжа Абдураҳимнинг Хиндистон сафаридан подшолик ишларида ҳам фойдаланган.

Тарихий асарларда И момқулихоннинг онаси ва Жаҳонгиршоҳнинг хотини Нуржаҳонбегим ҳам (ўз вакиллари орқали) бир-бирларига дўстона мактублар ва қимматбаҳо тухфа ҳамда ҳадялар юбориб турганликлари ҳақида маълумотлар бор¹³⁶.

Шундай қилиб, Ҳаким Ҳозиқ элчилигига қадар Хиндистондан Бухорога Бирка ва Нуржаҳонбегимнинг (Ҳўжа Насриддин Кобилий) элчилари келган бўлса, Бухородан Хиндистонга Ҳўжа Абдураҳим ва И момқулихон онасининг элчилари борган.

Энди «Тарихи Муқимхоний»да ўул қўйилган хронологик чалкашлиқ ҳақида тўхтаб ўтамиз. Маълумки, бу асарда Ҳаким Ҳозиқ элчилиги Жаҳонгиршоҳ томонидан юборилган элчилиkdir, деб ёзилган. Аммо «Матлабут-толибин» асаридаги воқеаларнинг тавсифи Ҳаким Ҳозиқ Шоҳ Жаҳон томонидан юборилган элчи эканлигини аниқлаб беради. Асарда ҳикоя қилинишича, Ҳўжа Абдураҳим Хиндистонга боргандан сўнг бир қанча вақт ўтгач, Жаҳонгиршоҳ Кашмир вилоятига сайд қилиш учун жўнайди ва Ҳўжа Абдураҳимни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. Кашмирида аввал Жаҳонгиршоҳ ва сўнг кўп вақт ўтмай Ҳўжа Абдураҳим (1037—1627) вафот этадилар. Ҳўжа Абдураҳимни Чархорбогда (Кашмир) дағн этадилар. Кейинчалик Ҳўжа Абдураҳимнинг ўғли Муҳаммад Сиддиқхўжа отасининг жасадиди Ҳаким Ҳозиқ бошлиқ элчилик ҳамроҳлигига Бухорога олиб келиб дағн эттиради, дағн маросимида И момқулихон

¹³⁶ (معتمد خان، حشی اقبالنامہ جهانگیری) Муътамадхон Бахши, Иқболномаи Жаҳонгирий), ЎзФАШИ, к. 4369, в. 130 а.

ҳам қатнашади¹³⁷. Ҳаким Ҳозиқ элчилиги Жаҳонгиршоҳ даврида эмас, балки унинг вафотидан сўнг Шоҳ Жаҳон тоғонидан (салтанат эгаси бўлгандан кейинги биринчи йили) ёсборилган элчилик экани Шоҳ Жаҳон даврига багишланган махсус тарихий асар «Миротул олам»да ҳам аниқ айтилган¹³⁸ ва бу асарда Шоҳ Жаҳоннинг И момқулихон номига ёзилган мактубининг дўстлик ҳакида зикр этувчи ва И момқулихон шахсиятини улуғловчи дебочаси ҳам келтирилган¹³⁹.

Ҳаким Ҳозиқ бошчиллигидаги ҳинд элчилари Бухорога 1628 йилда келган, чунки «Миротул олам»да Ҳаким Ҳозиқ элчилиги Ҳиндистондан жўнаб кетгандан сўнг (12 раЖаб 1037 — 14 март 1628) навruz байрами нишонлангани қайд қилинган¹⁴⁰.

И момқулихон олти ой давомида ҳинд элчисини қабуқилмайди. Ҳаким Ҳозиқ норозиллик баён қилиб, бу ҳакда Бухоро амирларига шикоят қиласди.

Сўнг Нодир Девонбеги И момқулихонга ҳинд элчисини қабул қилиш ҳакида сўзлаганда, хон, агар элчини қабул қиласак, у ҳолда элчи келтирган тортиқларни ҳам олишга тұғри келади, биз эса илтифотларга муҳтож эмасмиз, деб жавоб беради. Ниҳоят, И момқулихон овдан қайтиб келгетган вақтида ҳинд элчисининг йўл устида хонга кўриниш мумкинлигини айтади.

Хонга кўриниш шу тариқа утади: Ҳаким Ҳозиқ ўзи келтирган буюмларни йўл устида кўзга кўринарли жойга ясатиб қўяди, аммо И момқулихон гўё уларга зор эмасдек, бу тортиқларни назар-писанд қилмагандек, туҳфаларга билди бокиб, сунгра Раҳим парвоначига қараб: «Буларни сенга бердим», дейди.

Бу воқеадан ҳайратда қолган элчи дарҳол бир қилинчи яшириб қолишига улгуради. Эртаси куни И момқулихон ҳинд элчисини расмий суратда қабул қиласди. Ҳаким Ҳозиқ таҳёнига яқинлашиб, И момқулихонга ҳинд подшоҳининг хатини беради ва элчиларга хос одоб билан хонга қараб: «Марҳум

¹³⁷ Мұхаммад Толиб бин Тожиддин Ҳасанхўжа, Мазлабут-толибин, в. 214а.

¹³⁸ Ҳаким Ҳозиқ элчилиги юзасидан «Тарихи Муқимхоний» асаридан ноаниқлик шу қўллэзма асар асосида ёзилган проф. А. А. Семеновниң мақоласида (К вопросу о культурно-политических связях Бухары и «Великомогольской Индии» в XVII в. Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии, М.—Л., 1959, стр. 10—11) ва бизнинг китобимизда ҳам (И. Ф. Низомиддинов, Урта Осиёнинг чет эл Шариф билан мұмосабатлари, Тошкент, Ғаздавнашр, 1962, 25—28-бетлар) такроғланган.

¹³⁹ Бахтовархон. Миротул олам, в. 420б; Б. П. Саксена, Шаҳон тарихи, 187-бет.

¹⁴⁰ Ўза асар, в. 421а.

Акбар подшоҳдан унинг икки хусусий қиличи қолган эди. Бирини ҳоким Жаҳонгирнинг¹⁴¹ ўзи олди, иккинчисини марҳум ҳоким Акбарга нисбатан ўғилларча муносабатда бўлинсан деган сўзлар билан бизлардан ўз туғишгани И момқулихонга бериб юборди», деб қиличини узатади.

И момқулихон қиличини олиб тортса, у ҳа деганда қинидан чиқавермайди. Шунда И момқулихон — «негадир сизнинг қиличингиз қинидан чиқмайди» деб, Шоҳ Жаҳон Бадахшонни олиш ниятида Кобилга келибди, деган мазмундаги Бухорода тарқалган гапга ишора қиласди. Элчи эса «ҳоким бу қилич тинчлик ифодасидир, шунинг учун дарҳол ўз қинидан чиқавермайди, агар у уруш қиличи бўлганда эди, у вақтда ишонтириб айтаманки, шу ондаёқ ўз қинидан чиқариб олинган бўлар эди», деб жавоб қайтаради. И момқулихон бу жавобдан мамнун бўлиб, ҳинд элчисига ишончи ортиб, у билан тез-тез учрашиб турадиган булади. Баъзан давлатга тегишли ишлар юзасидан ҳам маслаҳатлашади¹⁴².

Ҳаким Ҳозиқ ўз замонасининг буюк кишиси — ёрқин ақл эгаси, олим, шоир ва табиби эди.

Кунларнинг бирида, сарой шоирларидан Мавлоно Туробий ва Наҳлий ўзларининг янги ёзган шеърларини И момқулихонга ўқиб берадилар. Ҳаким Ҳозиқ ҳам бу йиғилишга таклиф қилинган эди. Шоирлар ўз шеърларини ўқиб бўлгач, И момқулихон Ҳаким Ҳозиққа қараб — «бу ажойиб чукур маъноли ва гўзал, латофатли шеърлардан қайси бири устун туради», — деб сўрайди. Ҳаким Ҳозиқ эса сўз уйини воситаси билан, «ҳокон, хурмо дарахти ердан ўсиб чиқади», деб лўнда жавоб беради («Наҳли» сўзи араб тилида хурмо дарахтини, «Туроб» сўзи эса тупроқ — ер маъносини англатади). Ҳаким Ҳозиқ Туробий шеърини Наҳлий шеърига қараганда мазмунан кучли ва шаклан гўзал демоқчи булади. Бу ҳозиржавоблик ва ақллилик Ҳаким Ҳозиққа бўлган эҳтиромни янада кучайтиради.

Шоҳ Жаҳон салтанат эгаси бўлганда, империя иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан кучсизланиб қолган эди. Шоҳ Жаҳон олдида тарқалиб кетиш хавфи туғилаётган империяни саклаб колиш, Деканни бўйсундириш ва Қандаҳорни қайта Ҳиндистонга кўшиб олиш масаласи турар эди¹⁴³. Балх ҳоки-

¹⁴¹ «Тарихи Муқимхоний»да нотўғри равища «Жаҳонгир» деб ёзилган бу сўз «Шоҳ Жаҳон» деб ўқилсан.

¹⁴² Мұхаммед Юсуф Мұнши, Мукимханская история, стр. 89—90.

¹⁴³ 1622 йили Шоҳ Аббос тўсатдан Қандаҳорни қамал қиласди. Жаҳонгиршоҳ зронликларга қарши курашни ўғли Шоҳ Жаҳонга топширади. Аммо Шоҳ Жаҳон Ҳиндистондан узоқлашишини хоҳламай, Қандаҳорга боришдан бош тортади ва тез кунда отаси Жаҳонгиршоҳга қарши қўзғлон кўтаради. Қандаҳор эса Эронга кўшиб олинади. (Қаранг: Н. К. Синха, А. Ч. Бакерджи, История Індии, стр. 240).

ми Надр Мұхаммадхон Ҳиндистондаги ички зиддиятлардан фойдаланишга ҳаракат қылади. У Жаҳонгириш вафотини эшигчач, Кобилга хужум бошлаб, шағарни бир қанча вакыт қамал қилиб туради; фақат Мұхаббатхон бошчилигидаги ҳинд күшинлари Кобилда мұгуллар давлатини тиклашга мұваффақ бұлади. Шоҳ Жаҳон ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаштырылда урушда талафот күрган кобилликтарға ҳазинадан бир лак рупий маблағ ҳам ажратади¹⁴⁴.

Мұгуллар империясындағи ички ақыннинг ниҳоятта мушкүллашғанлиғи, Эрон билан муносабатнинг кескинлашиши ва Кобилдаги воқеалар Шоҳ Жаҳонға Имомқулихон давлати билан дүстона муносабатда бўлишни тақозо қиласарди. Шунга кўра, ҳинд элчилигининг катта совғалар олиб келиши ва элчиликка бошчилик қилиш вазифаси ўз даврининг донишманди Ҳаким Ҳозиқ¹⁴⁵ зиммасига юқлатилиши бежиз эмас эди.

Юқоридаги сабабларга биноан Шоҳ Жаҳон давлати күйиллар давомида Бухоро хонлиги билан яхши қушничилик муносабатида бўлади. Кобил вилояти ва умуман империянинг ғарбий районларида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Шоҳ Жаҳон Балх ҳокими билан ҳам алоқани узмади. Надр Мұхаммадхоннинг Кобилга қилган юришларига гүё аҳамият бермаган бўлиб, 1632 йили Ҳиндистонга келган Балх элчиси Ваққос Ҳожига катта илтифотлар қиласади, элчига келтирган 15 минг рупиялик совға-саломлари эвазига 40 минг рупиялик туҳфалар берилади. Келаси йили Ваққос Ҳожи элчилигига жавобан Балхга Тарбиятхон бошлиқ ҳинд элчилиги юборилади. Шу тариқа то 1639 йилгача Балх билан Агра орасида элчилар қатнаб туради¹⁴⁶.

1636 йили Шоҳ Жаҳон 50 минг армия билан Деканга юриш қиласади. Катта вилоятлардан Голконда ва Бижопурни империяга бўйсундириб, Аҳмаднагаргача бўлган терриорияни ишғол қиласади. Учинчи ўғли Аврангзебни Деканга ноиб қилиб тайинлаб, узи марказга қайтиб келади.

1629 йилда Шоҳ Аббос вафот этади, Эрон таҳтига Шоҳ Сефи ўтиради (1629—1642). Шоҳ Сефи даврида Эрон ички феодал курашлар ва айниқса, Туркияning Эронга қарши тұхтөвсиз хужумлари натижасида ўз қудратини йўқотган эди. Туркия билан жанглар давом этиб турған вакытда Шоҳ Жаҳон Қандзхор ҳокимига мұғуллар саройида катта лавозим ваъда қилиб, 1638 йили Қандахорни Ҳиндистонга қўшиб

¹⁴⁴ Бахтовархон, Миротул олам, в. 425а.

¹⁴⁵ Ҳаким Ҳозиқ Абдуллахон саройига элчи бўлиб келган Ҳаким Ҳоммининг ўғлидир.

¹⁴⁶ Б. Н. Саксена, Шоҳ Жаҳон тарихи, 188-бет.

олади ва Эрон — Туркия сулҳи тузилгунига қадар ҳиндлар Қандаҳорда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб оладилар.

1639 йили Шоҳ Жаҳон Кобилга келади. Бу вақтда 50 минг кишилик ҳинд қүшинлари Навшаҳрда тайёр туради¹⁴⁷. Бу воқеа Балх ҳокими Надр Муҳаммадхонни қаттиқ чучитади. Чунки Шоҳ Жаҳон Надр Муҳаммадхоннинг Кобилга қилган юришлари учун қасос олгани келган, деб ўйлаш мумкин эди. Надр Муҳаммадхон Шоҳ Жаҳоннинг Кобилга келгани ва унинг режалари ҳақида И момқулихонга хабар қилиб, Бухоро хонини тезда Балхга ёрдамга етиб келишиния сурайди. Вазиятнинг ҳақиқатан ҳам мушкуллигини билган И момқулихон зудлик билан Балхга келади ва бу ерда Шоҳ Жаҳонга И момқулихон ва Балх ҳокими номидан мактуб ёзилиб, элчи Мансурхўжа додхоҳ орқали Кобилга юборилади. Мактуб қўйидаги мазмунда ёзилган эди:

«Қадим замонлардан бери бизнинг ота-боболаримиз ўртасида аҳду паймон қилиниб, ҳеч бир томон ҳанузгача зарар ва безовталикка сабабчи булмаган эди. Агар аввалги аҳду паймонни назар-писанд қилмай, яхши муносабатларни душманлик руҳи билан алмаштирасалар, у ҳолда биз, иккни ака-ука сизга қарши чиқа оламиз ва кўрамиз — мурод ҳосил этувчи (тангри) кимнинг муродини бераркин»¹⁴⁸.

Мансурхўжа додхоҳга эса агар Шоҳ Жаҳон Кобилдан қайтишга розилик билдирса, уни уч манзил масофагача кузатиб бориш, акс ҳолда тезлик билан киши юбориб хабар қилиш вазифаси топширилади.

Бухоро хони ва Балх ҳокимининг ҳамжиҳатликда курган тадбирлари Шоҳ Жаҳонга ўз таъсирини курсатган бўлса керак, «Тарихи Муқимхоний» муаллифининг ёзишича, Шоҳ Жаҳон Бухоро элчисига, агар унинг Кобилга келиши Бухоро хонини ташвишлантирган бўлса шу куниёқ Ҳиндистонга қайтиб кетишга буйруқ беражагини айтган¹⁴⁹.

Шу воқеадан сўнг И момқулихон даврида Бухоро ва Ҳиндистон ўртасида элчилар юбориш тўхтатилган. Бу ерда факат шуни эслатиб ўтиш керакки, И момқулихон умрининг сўнгги вактларида кўр бўлиб қолиб, таҳтни укаси Надр Муҳаммадга топшириб узи Маккага кетади, «Миротул олам»да ёзилишича, Шоҳ Жаҳон ўз вакили Мир Иброҳимдан И момқулихонга бир лак рупия пул ҳадя юборади. Аммо Мир Иброҳим Маккага етиб борганга қадар И момқулихон вафот этганлиги туфайли, Мир Иброҳим бу пулга марварид

¹⁴⁷ Уша асар, ўша бет.

¹⁴⁸ Муҳаммед Юсуф Муши, Муқимханская история, стр. 89—90.

¹⁴⁹ Уша асар, ўша бет.

(40 минг рунияга) ва зотли отлар сотиб олиб уни келтириб шохга топширган.

Йомомқулихон хонлиги даврида Бухоро — Ҳиндистон мұносабатлари умуман дүстона тарзда бұлса ҳам, бу мамлекатлар феодал давлатларига хос әндижиятлардан холи әмас әдилар. Шоҳ Жаҳон давлатининг күчсизланған йиллари, Надр Мұхаммадхоннинг Қобиľга қылған ҳужуми ва Шоҳ Жаҳоннинг таҳдиidi мазкур фикримизнинг далилы бұла слади.

* * *

Надр Мұхаммаднинг (1642—1645) құмронлиги узоқ вақт давом этмади. У Қарши вилоятида бұлған вақтида бир қанча амир ва амалдорлар унинг катта үгли Абдулазизни Ҳижандда хон деб эълон қыладилар. Вазиятнинг ниҳоятда мушкуллигини тушунған Надр Мұхаммадхон Бухорога борнай, Балхга қочади. Үғиллари унинг буйруқ ва амирларига бүйсунмай құядилар. Шундан сүнг Надр Мұхаммадхон үғилларига қарши курашда Шоҳ Жаҳондан ёрдам сұрашга мажбур бұлади. Шоҳ Жаҳон эса Надр Мұхаммадхоннинг Қобиľга қылған ҳужумлари сабабли ундан қасос олиш¹⁵⁰ ва шунинг билан бирга, Балхни үз империясига құшиб олиш учун қулай фурсат келди деб¹⁵¹, дархол «ёрдам» беришга розилик билдиради ва үғли Султон Мурод баҳши бошчилигіда Гурига катта қүшин юборади. Орадан күп вақт үтмай ҳинд қүшинлари Балхни ҳам ишғол қыладилар. Надр Мұхаммадхон эса Эронга қочади. Эрон шоҳи Аббос II (1642—1667) Надр Мұхаммадхонни яхши қабул қылади. Ҳатто уни Бухоро таҳтини қайта әгаллашга даъват қилиб, бу ишда катта қүшин билан ёрдам беришга тайёр эканини айтади. Аммо Надр Мұхаммадхон Эрон қүшинлари билан Бухорога бостириб киришни маъқул курмай, Аббос II таклифини қабул қымайды. Надр Мұхаммадхон Эронда узоқ вақт (иккى ярим йил) туриб қолади, Балх эса ҳали ҳам ҳиндлар құлида әди. 1645 йили Шоҳ Жаҳон шаҳзода Муродни Балхдан қиритириб олиб, Балхга юборылған ҳинд қүшинлари устидан раҳбарлықни ҳарбий ишларда ном чиқарған кичик үгли Аврангзебга топширади.

Бухоро хони Абдулазизхон катта куч тұплаб, Балхни ҳинд қүшинларидан озод қилишга отланади. Абдулазизхонға қозоқ хони Янгир ва Хоразм хони Абдулфози ёрдамға ке-

¹⁵⁰ Ұша асар, 97-бет.

¹⁵¹ Бахтовархон, Миротул олам, в. 449а.

лади. Хоразмликлар уч минг кишилик күшин юборадилар¹⁵². Түрт ой давом этган уруш натижасыда хинд қүшинлари чекинишга мажбур бўлади.

Хиндлар Балхни ташлаб кетгач, Абдулазизхон ҳам ўз қўшини билан Бухорога қайтади ва укаси Субхонқулини Балх ҳокими қилиб тайинлайди.

Хинд қўшинларининг чекинишидан аввал Шоҳ Жаҳон Балх ҳокимлигини Надр Муҳаммадга топширишни афзал курниб, уни Балхга чақиртирган эди. Субхонқули Балхга қайтиб келган отаси Надр Муҳаммадхон билан тўқнашиб уни енгади ва Надр Муҳаммадхон ҳокимликдан умидини узиб, Маккага кетади.

Н. К. Синха ва А. Ч. Банерджиларнинг фикрича, хинд қўшинларининг Балх юришида муваффақиятсизликка учраш сабаблари, биринчидан, мўғул аъёнлари дабдабали ва жўшқин ҳаётга ўрганиб қолган эдилар, улар бой Ҳиндистондан узоқ ва улар учун доимо бетинч ўлкаларда туришни ёқтириш мас эдилар, иккинчидан, улар ерли халқлар билан келиша олмадилар. Гарчи Балх учун бўлган курашда Шоҳ Жаҳон давлати 40 миллион рупия сарф этган бўлса-да, бундан ҳеч бир манфаат бўлмади¹⁵³.

Хинд аскарларининг Балхни ташлаб чиқиб кетишига Ҳиндистонда юз бераётган ички воқеалар сабаб бўлган. XVII асрнинг 40-йилларидан бошлаб Шоҳ Жаҳоннинг ўғиллари ва улар атрофидаги турли гуруҳлар уртасида таҳт учун кураш кучайиб кетади, иккинчи томондан, кўпгина рожаликлар ўз мустақиллари учун тинмай кураш олиб борардилар. Отасига қарши қаратилган ўзбошимча ҳаракатлари учун Аврангзеб Декан ноиблиги лавозимидан бушатилиб, Балхга жўнатилган эди.

Шоҳ Жаҳон давлати билан муносабатлар кескинлашган даврда Бухоро билан Эрон ўртасида ўзаро яқинлашиш пайдо бўлади.

Эрон територияси орқали Бухорога келган рус элчиси Анисим Грибовнинг берган маълумотига қараганда, 1647 йилнинг декабрида (А. Грибов Исфахонда турган вактида) Бухородан Эронга Абдулазизхон элчиси Асан қўшбоши (Ҳасан Қушбеги — И. Н.) келади. Бухоро элчиси ўзи билан бирга бир сандиқ тўла олтин, 70 туюда ҳар хил мўйна ва бошқа хил моллардан совғалар келтирган. Бу совғаларни икки мингга яқин киши олиб келган.

¹⁵² Русско-индиjsкие отношения в XVII в., М., 1958, стр. 87.

¹⁵³ Н. К. Синха, А. Ч. Банерджи, История Индии, М., 1954, стр. 246.

Анисим Грибов Эрон давлати ақлларидан Бухоро элчи-сининг нима мақсад ва вазифалар билан келганлиги ҳақида сұраганида, улар бу элчиликнинг махфий характердагы элчилик эканини, яъни элчилар ҳиндлар билан курашда Эрон шоҳи Аббос II нинг Надр Мұхаммадхонга ёрдам бергани учун Абдулазизхоннинг Эрон давлати билан дүстона муносабатда бўлишга аҳд қилгани ва ҳиндлар босиб олган Қандаҳор шаҳрининг эронликлар томонидан қайтариб олинишида Эрон шоҳига ёрдам беришга тайёр эканини баён қилгандар¹⁵⁴. Бу орада Эрондан ҳам Бухорога элчи юборилиб, унга Эроннинг Бухоро билан дүстона алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори экани, Шоҳ Жаҳон давлатига қарши курашда Бухоро билан бир иттифоқда ҳаракат қилишга розилик билдириш вазифаси топширилади. Қандаҳорни қайтариб олишда Бухоро ёрдамига таянган Эрон давлати бир йил илгари Ҳиндистондан келган элчини Эрон территориясидан чиқариб юборади ва Шоҳ Жаҳондан Қандаҳорни қайтариб беришни талаб қиласди.

1648 йилнинг март ойида Бухородан Эронга яна элчи келиб, у Қандаҳор ва ҳиндлар қўлидаги баъзи ерларни босиб олишда Эронга Бухоро амирлигининг ҳарбий ёрдам беришга тайёр эканлигини билдиради. 1648 йил 13 марта Эрон шоҳи Бухоро элчиси ҳамроҳлигига катта қўшин билан Қандаҳор томон йулга чиқади¹⁵⁵.

Бу вактда А. Грибов ва унинг ҳамроҳларига ҳам Исфахондан жўнаб кетишга руҳсат берилган эди, шунинг учун Эрон — Бухоро муносабатларига доир унинг маълумоти шу ерга келиб тамом бўлади.

1649 йил февралда Қандаҳор Эрон қўшинлари томонидан босиб олиниди ва Шоҳ Жаҳоннинг Қандаҳорни қайтариб олиш йулидаги бир неча бор (1649 йил май, 1652, 1653 йил апрель) уринишлари муваффақиятсиз чиқади. 1657—1660 йиллар давомида Шоҳ Жаҳоннинг ўғиллари Дара ва Аврангзеб ўртасидаги ўзаро таҳт учун бўлган ички кураш Қандаҳорнинг узоқ вақт эронликлар қўлида қолиб кетишига сабаб бўлади.

Макка томон йўл олган Надр Мұхаммад Эроннинг Симон шаҳрига етганда вафот этади (1651). Шу муносабат билан Бухоро ва Балхда (Абдулазизхон ва Субхонқули томонидан) мотам эълон қилинади. Орадан кўп вақт ўтмай акукалар ўртасида низо чиқиб, Абдулазизхон Субхонқулидан Балх ҳокимлигини тортиб олиш мақсадида унга қарши Му-

¹⁵⁴ Русско-индийские отношения, стр. 79.

¹⁵⁵ Русско-индийские отношения, стр. 79—80.

ҳаммад Султон бошчилигида катта қүшин юборади. Лекин Мұхаммад Султон ва ундан кейин юборилған қүшинлар ҳам Балхни ишғол қылышга муваффақ бўлолмайдилар. Абдулазизхон Субхонқулини Балх ҳокими деб танишга мажбур бўлади.

Тожикистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик бўлимининг қўлёзмалар фондида сақланаётган 102 рақами турли мактублар мажмуасидан иборат қўлёзмада Абдулазизхоннинг Шоҳ Жаҳон номига ёзган мактубини учратдик. Бу мактубнинг қиммати шундан иборатки, шу давргача Абдулазизхон тахтга ўтиргандан то Аврангзеб ўзини подшо деб эълон қилганга қадар (яъни 1645 йилдан 1659 йилларгача) Бухоро билан Ҳиндистон уртасида ҳеч қандай дипломатик муносабат бўлмаган деб тахмин қиласр эдик¹⁵⁶. Мактубнинг топилиши ва унинг мазмуни бу фикрнинг хотүфри эканлигидан хабар беради. Мактубда¹⁵⁷ Абдулазизхон Ҳиндистон билан бўлган муносабатларнинг узилиб қолишига «фалончи» сабабчи деб кўрсатади ва «фалончи»нинг номи зикр қилинмаса ҳам мактуб мазмунидан унинг кимлиги жуда равшан, чунки «фалончи» мактубда ўз отасига қарши курашган ва Абдулазизхонни ўз отаси ўрнида ҳурмат қилиши лозим бўлган шахс сифатида таърифланган, демак, «фалончи» — бу Субхонқулихон эди.

Мактубнинг мазмунига кўра, Субхонқулихон Абдулазизхон элчиларини Ҳиндистонга йўлатмаган, улар орқали юборилган ҳадяларни эса тортиб ола берган. Мактуб охирида, мамлакатлараро дустликни мустаҳкамлаш кераклиги уқтириб ўтилади.

Субхонқулихонга нисбатан ишончсизлик билан қараш давом этган бўлса керак, мактубда элчининг номи ва унинг ким эканлиги кўрсатилмайди.

Фикримизча, мактуб Субхонқули Балх ҳокими деб тан олингандан бир қанча йил ўтгандан сўнг, тахминан 1653—1655 йилларда ёзилгандир. Бу вақтда Ҳиндистонда ички зиддиятлар кучайган, қариб қолган Шоҳ Жаҳон билан ўғли Аврангзеб уртасида ҳокимият учун кураш авжига чиққан эди. Шунинг учун Шоҳ Жаҳон Бухорога ўз вақтида жавоб элчилиги юборолмаган бўлса керак.

1658 йили Мўғуллар империяси тахтига Аврангзеб ўтиради. Шоҳ Жаҳон Аврангзебнинг одамлари назорати остига олинади ва 1666 йилда вафот этади.

¹⁵⁶ И. Низомиддинов, Урта Осиёнинг чет эл Шарқи билан муносабатлари, 35—36-бетлар.

¹⁵⁷ Ушбу иш, «Хужжатлар», мактуб № 6.

Аврангзеб акаси Дарага қарама-қарши үлароқ, тахт учун курашда мусулмон феодаллари ва ислом руҳонийларига таянади. Дара тарафдорларининг купчилиги ҳиндуизм динидаги кишилар эдилар. Артиллерия қисмларининг мусулмонлардан ташкил топганлиги давлатни Аврангзеб қўлига ўтишида катта роль ўйнади. Мусулмон ҳарбий феодаллари ёрдами билан давлат тепасига чиқиб олган Аврангзеб мусулмон феодал руҳонийлари манфаатларини кузлаб, реакцион ички сиёсатни амалга оширади. Унинг буйруги билан купгина будда ибодатхоналари бузуб ташланади, ҳиндулар қўлидаги ерлар тортиб олинишб, мусулмон феодалларига жирга — тортиқ қилиб берилади, ҳиндуизм динидаги кишилар камситилиб, жузъя — жон солиги тўлашга мажбур қилинади, улар давлат, суд ва молия ишларидан четлатилади. Мусулмонлар билан ҳиндуларни бир-бирига яқинлаштиришдаги Акбар ва унинг ворислари томонидан амалга оширилиб келинаётган оқилона сиёсат юзини зулмат қоплайди.

Аврангзеб ўз ташки сиёсатида Муғуллар империясини кенгайтиришга харакат қилиб, тинимсиз кураш олиб боради; натижада Муғуллар империяси Газнадан Читтаконгача ва Кашмирдан Қарнатиккача бўлган ерларни ишғол қиласди. Аммо, бундай катта територияни ишғол этган империя ички томондан мустаҳкам эмас эди, айниқса маратхлар ва Декан рожаликлари Аврангзеб давлатига сўздагина тобе бўлиб, доимий ички курашлар билан империя тинкасини қуритардилар.

Аврангзеб замонида Ҳиндистон билан Ўрта Осиё ўртасидаги муносабатлар бирмунча дўстона характерга эга бўлади. Бу муносабатлар Бухоро хони Абдулазизхоннинг Аврангзебни тахтга ўтирганини кутловчи мактуби билан бошлиниади. Мактубни элчи Ҳўжа Аҳмад ал-Хусайний Нақшбандий олиб боради. Нома Аврангзеб шахсиятини узундан-узоқ таърифлаш билан бошланиб, сўнг ҳамжиҳатлик одати дўстлик учун бебаҳо гавҳардир, деб уқтирилгач, бирдамликни мустаҳкамлаш лозимлиги изҳор этилади. Мактуб охирида Ҳиндистондан ҳам тез-тез элчи ва мактублар келиб туришига умид қилинади¹⁵⁸.

Уша вақтларда Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилиб, врачлик касби туфайли шоҳ саройида хизмат килган Франсуа Бернье Аврангзебни табриклиш учун келган ўзбек элчилари ҳақида шундай ҳикоя киласди:

Элчилар Аврангзебга ҳинд одатига мувофиқ, узоқдан уч марта қўлларини бошларига кутариб, сўнг ерга тегизиб

¹⁵⁸ Ушбу иш, «Ҳужжатлар», мактуб № 7.

салом берадилар. Сўнг элчилар Аврангзебга жуда яқинлашадилар, шоҳ хатни бевосита элчилар қўлидан олиши мумкин эди, лекин у бундай қилмайди. Элчилар келтирган номани Аврангзебнинг амири олиб очади ва шоҳга узатади. Аврангзеб хатни диққат билан ўқиб чикқаҷ, элчиларга баҳмал шимча, салла, ипак билан гул тикилган шарф сарпо беришни буоради.

Элчилар Аврангзебга қимматбаҳо кўк тош (ляпис — лозур)даи ясалган бир неча қутича, узун жунли тия, чиройли отлар, бир неча тия ҳўл мева: ноқ, олма, узум, қовун; бир неча тия қуритилган мева: бухоро олхўриси, туршак, оқ ва қора майиз олиб келган эдилар...

Аврангзеб элчилар билан сұхбатда Самарқанддаги фан, айниқса Улуғбек расадхонасиининг аҳволи, ажойиб мевалар ҳосили тўгрисида саволлар беради.

Элчиларнинг юртларига қайтиши олдидан Аврангзеб барча амирларни йигиб, элчиларнинг ҳар бирига икки сидрадан қимматбаҳо сарпо собға қилиб, улар турган жойга саккиз минг рупия пул элтиб беришни буоради. Сўнг элчилардан Бухоро хонига бир неча түп қимматбаҳо кимҳоблар, юпқа полотно ва олачалар, олтин ҳамда кумуш йўллик ипак матоси, бир неча гилам, қимматбаҳо тошлар билан безатилган иккита ханжардан иборат совғалар бериб юборади¹⁵⁹.

Элчилар Деҳлида тўрт ой туриб, ватанларига қайтаётганларида баъзилари иссиқдан йўлда ҳалок бўладилар.

«Миротул олам»да кўрсатилишича, Бухоро элчилари Аврангзеб салтанатининг тўртинчи йилига келиб икки марта — 4 рабиус-сони ойида (27 ноябрь 1661 йил) ва 24 ражаб ойида (14 март 1662 йил) ҳинд шоҳи қабулида бўлганлар.

Умуман, элчиларга Ҳиндистонда тахминан бир лак-у йигирма (120) минг рупия нақд пул ва моллар туҳфа этилган.

Аврангзеб салтанатининг бешинчи йили бошланган куни элчиларга кетишга рухсат этилган, аммо элчилик бошлиғи Ҳўжа Аҳмад (ал-Ҳусайнӣ) Лоҳурда вафот этган¹⁶⁰.

«Оlamgirnomâ»да элчилик составидаги бошқа шахслар-нинг ҳам номи тилга олинган, масалан, Ҳушҳолхон, Жавнинг ҳам номи тилга олинган, масалан, Ҳушҳолхон, Жав-

¹⁵⁹ Франсуа Бернье, История последних политических переворотов в государстве Великого Могола, перев. с франц., М.—Л., 1936, стр. 128—130.

¹⁶⁰ Бахтовархон, Миротул олам, в. 550 б, 553 а, 569 б; ва منشی محمد کاظم غالم گیر نامه (Мунши Муҳаммад Қозим, Оламгирнома), ЎзФАШИ, қ. 4265, в. 249 а, 260 б.

хархон, Мирзабек Миршакар, Латифбек, Мирахур ва бошқалар; буларга ҳам бир неча минг рупия маблағ ва матолар ҳадя этилган¹⁶¹.

Аврангзеб салтанатининг олтинчи йили Абдулазизхоннинг мулозими Кучакбек Бухордан ҳинд шоҳи учун от ва ов ҳайвонлари келтиради; бунинг эвазига Кучакбекка фахрий түн ва икки минг рупия инъом қилинади¹⁶².

Келтирилган туҳфалар ичидаги ов қушлари ҳинд шоҳига маъқул тушган бўлса керак, Аврангзеб Абдулазизхонга хат ёзиб, яна бир неча ов қушлари ва жониворлар бериб юборишини илтимос қилади. Мактубда бу хил тортиқларни дўстликнинг рамзиdir, деб таъриф қилади¹⁶³.

Аврангзеб салтанатининг еттинчи йили (июль 1665 йил) Бухорога Мустафохон Хофи бошчилигида элчи юборади. Элчилар Абдулазизхон номига ёзилган мактуб ва умумий қиймати бир лаку эллик (150) минг рупиялик туҳфа келтирадилар.

Мустафохон Хофи элчилиги қандай мақсадлар билан юборилганлиги, унинг Бухордан қайтган-қайтмагани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ бўлса ҳам, ушбу ишда эълон қилинаётган Абдулазизхоннинг Аврангзеб номига ёзилган мактуби бу элчилик ҳақида бирмунча тасаввур ҳосил қилишга имкон туғдиради¹⁶⁴.

Мактубда Аврангзеб шахсияти улуғланиб, унга яхши истаклар тиланилгандан сўнг, ҳар икки томон ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишига ишонч билдирилади. Сунг Каъба йўлида гов бўлиб турган шиа мазҳабидаги эронликларга қарши Ироқ ва Хурносонга юришга қарор қилинганлиги баён қилинади ва айни ҳолда Аврангзеб элчиси Мустафохон Хофи орқали шу масала юзасидан муайян бир Фикр айтилмаганлигидан таажжубланилади.

Мактубда яқин орада Ҳинди斯顿га Тоҳирхон ва Обидхон бошчилигида элчилик юборилиши хабар қилинади.

«Миротул олам»да 12 зилҳижжа 1079 (11 май 1669) йили Ҳинди斯顿га Бухордан Рустамбий бошлиқ элчилик келганлиги ва у Абдулазизхоннинг мактуби билан бирга турли ҳадялар келтирганлиги хабар қилинади. Рустамбий Аврангзеб саройида яхши қарши олинган ва биринчи қабулда ҳинд шоҳи элчига фахрий халат, безатилган жига ҳамда ханжар, ўттиз минг рупия нақд пул, иккинчи қабулда эса (7 сентябрь 1669 йил) яна халат, қимматбаҳо чиройли қилич, қал-

¹⁶¹ Мунши Муҳаммад Козим, Оламгиринома, в. 260б.

¹⁶² Бахтовархон, Миротул олам, в. 580а.

¹⁶³ Ушбу иш, «Ҳужжатлар», мактуб № 8.

¹⁶⁴ Ушбу иш, «Ҳужжатлар», мактуб № 9.

қон, битта фил, элчига 34 минг, унинг ҳамроҳларига эса 16 минг рупия ҳадя қилган¹⁶⁵.

Фикримизча, Абдулазизхоннинг Аврангзеб номига битилган мактуби Рустамбий элчилиги томонидан олиб келингандир.

Рустамбий элчилигига жавобан 1080 йилнинг зилхижжа (1670 йил май) ойида Ҳиндистондан Яккатозхон элчилиги йўлга чиқади. Элчилар Бухоро хонига 100 та подшолик (матнда — муҳрлик, дейилган) оти¹⁶⁶, 4 минг рупия турадиган бир фил, қимматбаҳо тошлар билан безатилган жамдар қуроли, қилич, жиға ва бошқа ҳадялар келтирадилар¹⁶⁷.

«Оlamgirnom»да 1081 (1671) йили ҳам Бухородан Муҳаммад Шариф номли элчи Ҳиндистонга келганлиги ва уни ҳинд шоҳи қабул қилиб, 25 минг рупия пул, фахрий халат, тилла эгар-жабдуги билан бир от инъом этганлиги ҳақида маълумот берилади¹⁶⁸.

Балх ҳокими Субхонқулихон ҳам Аврангзеб давлати билан яқин муносабатда бўлган.

Субхонқулихон акаси Абдулазизхондан илгарироқ Аврангзебни (тактга ўтирган йилининг учинчи йили) салтанат эгаси бўлиши билан элчи Иброҳимбек орқали табриклаган.

Ўз навбатида ҳинд императори ҳам Бухорога элчи Мустафохондан Субхонқулихон номига битилган дўстона мактуб ва бир лак рупия ҳадя бериб юборади¹⁶⁹.

Бухородан Рустамбий элчилиги Ҳиндистонга келганда Субхонқулихон ҳам акаси Абдулазизхонга тақлид қилиб, үзининг аъёнларидан Хушбекни мактуб ва «турон нафис молларидан иборат армуғон билан файзмакон оstonага (яъни Аврангзеб саройига — И. Н.) тайин қилган», ҳинд шоҳи Балх элчисига фахрий халат, безатилган ханжар, жиға ва 11 минг рупия инъом қилган¹⁷⁰.

Фикримизча, Балх ҳокими Субхонқулихон Ҳиндистон билан иқтисодий ва сиёсий муносабатларда бўлиб, бу муносабатлардан Балхни Бухорога тобе бўлмаган, мустақил ҳо-

¹⁶⁵ Бахтовархон, Миротул олам, в. 598б, 599а.

¹⁶⁶ Ҳиндистонга от чет мамлакатлардан, асосан, Арабистон, Эрон ва Ўрта Осиёдан келтирилиб, нодир ва қимматбаҳо моллардан ҳисобланар ҳудуди. Щунга кўра, ҳинд шоҳи турли совға-саломлар билан биргаликда отлар ҳам ҳадя этиб, Бухорога нисбатан дўстона муносабатда эканлигини алоҳида қайд қилмоқчи бўлган.

¹⁶⁷ میرزا محمد ساقی عالم گیر نامه Mirza Muҳammad Soqiyi, Olamgirnom, литок., Агра, 1873, 49-бет.

¹⁶⁸ Ўша асар. 51-бет.

¹⁶⁹ Бахтовархон, Миротул олам, в. 581 а.

¹⁷⁰ Ўша асар, в. 598б.

кимлик қилиб кўрсатиш мақсадида фойдаланган. Ўз навбатида Аврангзеб давлати ҳам Балх ҳокимлиги билан яқин қўшничилик муносабатида бўлишдан манфаатдор эди. Афғон қабилаларининг мустақиллик учун олиб борган курашлари ни бостиришда империянинг гарбий чегаралари хавфсизлигини таъминлаш жуда муҳим аҳамиятга эга эди.

Абдулазизхон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Бухоро — Ҳиндистон муносабатлари кескинлашиб кетади. Бунга асосан ҳинд қўшинларининг Балхни ишғол қилиши сабаб бўлди. Тарихий далилларнинг кўрсатишича, бу вақтда Абдулазизхон давлати, ҳатто Мўғуллар империясига қарши Эрон билан иттифоқ тузишга ҳам ҳаракат қилган. Лекин, Балх ҳинд қўшинларидан озод қилингач, ва айниқса, Балх ҳокими Субхонқулихоннинг узбошимчалик билан қилган хатти-ҳаракатларининг кучайиши натижасида Бухоро — Ҳиндистон муносабатларида ўзгариш пайдо бўлади. Абдулазизхоннинг Шоҳ Жаҳон номига ёзган мактубида айтилишича, ҳинд подшоҳи хузурига Бухородан бир қанча элчиликлар юборилган, аммо Субхонқулихон уларнинг кўпчилигининг Ҳиндистонга боришига монелик қилган.

Абдулазизхон ҳам мамлакатлар ўргасидаги яхши қўшничилик муносабатларини кучайтириш ниятида Аврангзеб саройига элчилар юборади. Гарчи Абдулазизхон Рустамбий элчилиги орқали юборган мактубида ҳинд шоҳига Эронга қарши курашишни таклиф қилган бўлса ҳам, лекин бу даврдаги Бухоро хонлигининг Мўғуллар империяси билан яхши муносабатда булиши Эронга нисбатан душманлик ва жидан эмас эди. Чунки Бухоро хонлиги Эрон билан ҳам тинч-тотув яшамоқда эди.

* * *

Кексайиб қолган Абдулазизхон Субхонқулихоннинг тазиниқига бардош беролмай, 1680 йилнинг бошларида таҳтдан vez кечиб, Маккага кетишига мажбур бўлади. Субхонқулихон Бухоро таҳтини эгаллагач, Балхга ўғли Искандар Баҳодирхонни ҳоким қилиб тайинлайди. Орадан уч йил ўтартмас шаҳзодага заҳар бериб ўлдирилади. Бу ишда Субхонқулихоннинг иккинчи ўғли Абулмансурхон иштирок этган эди. Бу воқеадан хабардор бўлган Субхонқулихон Балх ҳокимлигини Ибодулла сultonга беришга қарор қиласиди. Аммо ҳокимиятни Абулмансурхон кўлга олади ва кўп ўтмай у ҳам ўлдирилади. Балх Сиддиқ Муҳаммад сulton қулига ўтади (1684).

Шу вақтда Хоразм хони Ануша Бухоро хонлигига ҳужум қиласы, Субхонқулихон Балхга одам юбориб, үғли Сиддиқ Мұхаммадни тезда ёрдамга етиб келишга даьеват қиласы. Аммо Анушанинг Самарқандни эгаллаганлигини эшигтан Сиддиқ Мұхаммад йүлга чиқкан вақтида яна Балхга қайтиб кетади. Бу воқеадан қаттық ачығланган Субхонқулихон Бадахшон ҳокими Маҳмудбий Оталикни ёрдамга чақириб, хоразмликларни Самарқанддан ҳайдаб чиқаради.

Сүнг Субхонқулихон Маҳмудбий Оталик билан бирга Балх томон юради, ҳийла билан Сиддиқ Мұхаммадни құлға тушириб, қийнаб үлдиради. Субхонқулихон Балхда уч ой туради ва Балхни Мұхаммаджон Оталиқ ихтиёрига тошириб (4 апрель 1685 йили), Бухорога қайтади.

«Тарихи Мұқимхоний» асарида 1096 (1685) йили Бухорога Аврангзеб әлчиси Забардастхоннинг келганлиги ҳақида сүз боради. Аммо ҳинд манбалари ва бизнинг ихтиёrimиздаги ҳужжатлар Забардастхон әлчилигига қадар Субхонқулихон давлати билан Мұғуллар империяси үртасида әлчилик алмашиниб турилғанлигидан дарап беради. Масалан, 21 шаввал 1092 (13 ноябрь 1681) йилда Бухоро әлчиси Раҳмонқули ҳинд подшоҳига иккита от, үн жуфт қундуз пўстин ва бир тия совға қилган. Аврангзеб эса әлчига халат ва беш минг рупия инъом этган¹⁷¹.

20 жумодил-аввал 1093 (27 май 1682) йилда Бухородан келган әлчи Мұхаммад Шариф ҳинд шоҳининг қабулида бўлган ва фахрий халат билан шарафланган¹⁷².

Манбаларнинг кўрсатишича, Субхонқулихон даврида Бухородан Ҳиндистонга Мир Абдураҳмонхўжа Садр бошлиқ әлчилар ҳам келган. Элчи орқали юборилган мактубда катта бир душманнинг Самарқандга ҳужуми ва уларнинг тормор қилиниши баён қилинган¹⁷³. Мактубнинг мазмунидан унинг қай вақтда ёзилғанлиги ва әлчиликнинг Ҳиндистонга қаочон юборилғанлигини аниқлаш қийин эмас. Чунки 1684 йили Хоразм хони Ануша Самарқандга ҳужум қилиб, шаҳарни вақтинча ишғол қилишга муваффақ бўлган эди.

Анушанинг кетма-кет ҳужуми ва Сиддиқ Мұхаммадни отасининг буйруғига бўйсунмаслиги Субхонқулихонни анча чўчитиб қўяди. У Бухоро хонлигига содир бўлган мушкул вазиятдан Аврангзеб ҳам фойдаланиши мумкин деб ўйласб, бу хавфнинг олдини олиш мақсадида Ҳиндистонга тезлик билан мактуб жўнатади: мактубда барча ташвишли ишлар-

¹⁷¹ Мирза Мұхаммад Соқий, Оламғирнома, 97-бет.

¹⁷² Ўша асар, 102-бет.

¹⁷³ Ушбу иш, «Ҳужжатлар», мактуб № 10.

га хотима берилиб, Бухоро хонлигига осоишишталик барпо қилингани таъкидлаб ўтилади, яъни Бухоро хони ўз давлатининг заиф эмаслигини тушунтирмоқчи бўлади.

Бу мактубда Эрон ва эронликларга қарши ҳеч бир сўз айтилмайди, демак, бу билан Субхонқулихон ўз мавқенни мустаҳкамлаш ҳаракатида бўлган.

Аврангзебнинг фармонига кўра, 1095 йил 25 раббиал аввал ойида (12 март 1683 йил) Саъидхон Баҳодирнинг на-бираси Вафодорхонга «Забардастхон» номи берилиб, сўнг Балх ва Бухорога элчи қилиб юборилади. Забардастхон орқали Балх ҳокимига зиёнатланган жамдар қуроли, қилич, жиға, қалқон, камон, от, фил, ўн минг рупия пул ва Субхонқулихон учун баҳоси ўн бир минг рупиялик фил ва нағис моллардан берib юборилади¹⁷⁴.

«Тарихи Муқимхоний»да 1096 (1685) йили Ҳиндистондан Бухорога Забардастхон элчилиги келгани ва улар ҳадя қилган совға-саломлар ичидаги филлар ҳам борлиги айтилиб, сўнг Аврангзебнинг Бухоро хони номига ёзилган мактубининг тулиқ нусхаси келтирилган¹⁷⁵.

Мактубда айтилишича, Аврангзеб Субхонқулихонни подшолик таҳтига ўтириши билан анча илгари табриклиш ниятида бўлган, аммо Муҳаммад Сиддиқнинг қўзғолонлари ва чегарарада содир бўлган нотинчлик бу мақсадни амалга оширишга монелик қилган.

Сўнг Аврангзеб Ҳиндистондаги воқеаларга тўхтаб ўтади. У Ажмир ҳокими Ронанинг жузъя тўлашдан бош тортгани ва унга қарши ўғли Муҳаммад Акбар бошлиқ катта қўшин юборгани, ўғлининг эса отасига бевафолик қилиб, исён кўтаргани ва Муғуллар империяси қуролли кучларининг Сингха (Мевар ҳокими)га қарши кураш олиб борганликлари ҳақида ҳикоя қиласи.

Шунингдек, мактубда Қашғарга яқин жойларда яшовчи қалмоқлар устидан тўла ғалаба қозонилгани ҳамда Декандаги Жандо вилоятининг империяга қўшиб олингани хабар қилинади.

Воқеалар баёнидан маълумки, Декан юришида бирмунча муваффақиятлар қўлга киритилгач, Бухорога Забардастхон бошлиқ элчилик юборилган. Ҳинд элчилари келгандан сўнг Балх ҳокими Муҳаммаджон Оталиқ қўзғолони ҳақида хабар келади ва Субхонқулихон бу воқеанинг олдини олиш учун тезда Балх томон отланади. Ҳинд элчиларига ҳам ўз

¹⁷⁴ Мирза Муҳаммад Соқий, Оламғирнома, 114-бет.

¹⁷⁵ Муҳаммад Юсуф Мунши, Мукимханская история, стр. 140—145; Ушбу иш, «Хужжатлар», мактуб № 11.

ватанларига қайтишга рухсат берилади. Бу воқеадан фойдаланиб Хоразм хони Ануша Бухоронинг чекка ўлкаларига ҳужум қиласди. Субхонқулихон бу хабарни эшиши билан нок Балх ҳоқимлигини Жовимбий Оталиқقا топшириб, узи дарҳол Бухорога қайтади ва Анушага зарба беради.

Анушанинг Бухорога қилган ҳужумининг муввафқиятсиз чиқишидан норози бўлган Хоразм аъёнлари, уни кўр қилиб, тахтга ўғли Эрнакни үтказадилар.

Хоразмдаги ички зиддиятлардан воқиғ бўлган Субхонқулихон энди хоразмликлар Бухорога бостириб келишлари мумкин эмас деган ишонч ҳосил қилиб, Хашикбий Оталиқ бошчилигидаги асосий кучини Хурросонни забт этиш учун сафарбар қиласди ва Бухоро қўшинлари Хурросондаги кучли қалъалардан бўлмиш Болои Мурғобни ишғол қиласдилар.

«Тарихи Муқимхоний» муаллифининг ёзишича, Аврангзеб ўз элчиси Забардастхон орқали Бухоро хонига Эронга қарши иттифоқ тузишни таклиф қилиб, ҳинд қўшинларининг Қандаҳор томонидан жанг қилишга тайёр эканликларини айтган. Кейинчалик, Субхонқулихон гўё ҳар икки мамлакат ўртасида тузилган битимга асосан Хурросонга юриш қиласган¹⁷⁶.

Венгр саиёҳи А. Вамбери ҳам шу ҳақда фикр юритиб, Аврангзебнинг Бухоро хонини Эронга қарши курашга ундағанини таъкидлаб ўтади. Вамберининг кўрсатишича, афғон қабилалари Аврангзеб давлатига қарши курашда махфий суратда эронликлар томонидан қўллаб-қувватланганлар. Узи бевосита Эронга қарши жанг қилишни истамаган Аврангзеб Бухоро хонлигини Эронга қарши қўйиш йўли билан эронликлардан ўч олиш режасини тузган¹⁷⁷.

Бу масала юзасидан икки хил фикр юритиш мумкин. Биринчидан, Аврангзеб, ҳақиқатда, Бухоро хонини Эронга қарши ҳужумга даъват этган ва узи ҳам бу ишда ҳамкорлик қилишини билдирган. Афғон қабилаларини бўйсундириш юзасидан узоқ вақт (1667—1675 йиллар) кураш олиб борган ва Декан масаласи билан банд бўлган Аврангзеб ғарбий чегараларининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Бухоро хони билан яқинлашган ва узининг Бухорога нисбатан дустлигининг исботи сифатида Эронга қарши бир иттифоқда ҳаракат қилишга ҳам рози бўлган.

Иккинчидан, Субхонқулихон ва унинг сарой аҳллари Ҳиндистон элчилигидан ўзларининг Эронга қарши қаратилган

¹⁷⁶ Уша асар, 140, 148-бетлар.

¹⁷⁷ А. Вамбери, История Бухары, СПб., 1873, стр. 99.

сиёсатларини амалга ошириш йўлида фойдаланиш ниятида бўлган бўлишлари ҳам мумкин.

1100 (1688—1689) йили Ҳиндистонга Бухоро элчиси Назарбий келади¹⁷⁸ ва у Субхонқулихоннинг ҳинд волийсига ёзган мактубини келтиради¹⁷⁹.

Бухоро хони ўз мактубида Балхда рўй берган тартибсизликлар, Сиддиқ Мұхаммаднинг отаси (Субхонқулихон) га қарши чиқиши ва шу муносабат билан Субхонқулихоннинг Балхга юриши, шу вақтда Анушанинг Бухорога ҳужум қилиши ва хоразмликларга қарши олиб борилган кураш, қалмоқ қабиласининг бўйсундирилиши ҳамда Субхонқулихонга тобелик билдириб Қашғардан ҳам элчилар келганлиги бирма-бир баён қилиб ўтилади ва шулардан кейин «...шу вақтда у адолат самарасининг мунааввар кўнгилларига ёмон асарлик шиаларга қарши зўр жиҳод ва ғазот дағдағаси тушибди. Биз ҳам бирлик ва ҳамжиҳатлик юзасидан тамоман хайрлик бўлмиш бу ишга азм қиласиз.

Аммо, то ҳанузгача у шавкат паноҳга қатор кофирлар туфайли хотиржамлик мұяссар бўлмаган экан, биз мазкур ният юзасидан пешқадамлик қилиб, гуруҳ-гуруҳ музaffer асарлик лашкарларимизни бебош қизилбошлар устига юбордикки, мухлис вафодор элчингиз (Забардастхон — И. Н.) бу воқеаларнинг суратини кўрди (ва) ундан сўнг рухсат олиб қайтиб кетди» деб ёзилади. Сўнгра, мактубда Болон Мурғоб (ҳозирги Кушканнинг шимоли шарқида), унинг 20 та қалъаси билан бирга забт этилгани хабар қилинади.

Демак, Назарбий элчилиги Болон Мурғобнинг босиб олиниши биланоқ (1688 йил) Ҳиндистонга жўнатилган.

Мактуб мазмунидан шу нарса англашиладики, гарчи Бухоро хони Эронга қарши курашда ҳинд подшоҳининг фаолсизлигини таъкидлаб ўтса ҳам, лекин бу соҳада аниқ бир фикр айтмайди, яъни Эронга қарши курашда Ҳиндистон ҳам иштирок қилиши лозимлиги қайд қилинмайди.

Субхонқулихон ўзининг бошқа бир мактубида ҳинд шоҳини Эронга қарши урушга очиқдан-очиқ даъват қиласиди¹⁸⁰. Иккинчи мактубда ислом йўлида «кофир» эронликларга қарши ҳужум қилиб, 1100 илон йилининг рабиал аввал ойида (1688—1689) Болон Мурғоб вилояти забт этилгани, бу воқеадан Ироқ ва Хурсон аҳолисининг ташвишлангани ҳикоя қилингандан сўнг, уртадаги дўстлик пеш қилиниб, Аврангзебга қаратади: «(Жаноблари)... таассуб енгини астойдил шима-

¹⁷⁸ Мирза Мұхаммад Соқий, Оламғирнома, 148-бет.

¹⁷⁹ Ушбу иш, «Ҳужжатлар», мактуб № 12.

¹⁸⁰ Ушбу иш, «Ҳужжатлар», мактуб № 13.

ришда ҳамда... тақвода ҳам саъи—харакат қилишлари лозимдир» деб уқтирилади. Мактуб охирида «ушбу воқеалар хабарини етказиш ва қон-қариндошлик лойиҳаси (жанобнинг) муқаддас хотиралари хурсандчилигига сабаб бўлур деб ихлосманд ва эътиқодатвор бандамиз, мазкур ғазоватда иштирок қилган (ва) бўлган воқеалар тафсилотини муфассал биладиган Шоҳбекбий элчилик расми билан у вилоятга юборилди». деб элчининг қайтиб келишига тез рухсат берилishi илтимос қилинади.

Фикримизча, Шоҳбекбий элчилиги Назарбий бошлиқ элчиликдан анча кейин, таҳминан 1700—1701 йилларда юборилган булиши керак. Бухоронинг асосий кучлари Хурсон томон сафарбар қилинганда Эрнакхон тўсатдан Бухорога бостириб киради. Субхонқулихон яна Бадахшондан Махмудбийни ёрдамга чақиришга мажбур бўлади. Демак, Бухоронинг ички ишлари Эрон масаласини тұхтатиб туришга мажбур этган ва бу Назарбий элчилиги орқали Ҳиндистонга бериб юборилган мактубда ўз аксини топган.

Эрнакхоннинг Бухорога қилган муваффақиятсиз юриши унинг тақдирини ҳам ҳал қилган эди. Кўп ўтмай, Эрнакхон заҳарлаб ўлдирилади ва Хоразм Бухорога бўйсундирилади. Субхонқулихон Хоразмга ўзининг мулоғимларидан Ниёз эшик оғосини хон қилиб тайинлайди. Хоразм тарихчиси Муниснинг ёзишича, Ниёз хонлик қилган даврда (1688—1702) Хоразм билан Бухоро ўртасида тўқнашувлар бўлмаган¹⁸¹.

Хоразм масаласини гўё ҳал қилган Субхонқулихон энди Эронга қарашли ерларни босиб олишга, у ерлардаги аҳолини талон-торож қилишга интилган ва бу ниятини амалга оширишда Аврангзебни ҳам иштирок қилишга даъват этган. Аммо бу вақтга келиб Аврангзебнинг улкан империяси инқирозга юз тутган эди. Бомбайдан то Мадорасгача — бутун Ҳиндистон ярим ороли бўйлаб мӯғуллар зулмига қарши ҳалқ қўзғолонлари авж олмоқда эди. Айниқса, озодлик кураши маратхлар орасида кенг тарқалади ва кучаяди. Шунинг учун, ички ишлар билан банд бўлган Аврангзеб Бухорога элчи юбора олмаган.

Демак, Субхонқулихон даврида Бухоро хонлиги билан Мӯғуллар империяси ўртасида гўё «диний бирлик» асосида ўзаро яқинлик ва ҳамжиҳатлик пайдо бўлган. Лекин шунга қарамай, Субхонқулихон ва Аврангзебнинг ўзаро муносабатларида феодал хоқонларига хос бир-бирини менсимаслик, ўзини улуғ хоқон қилиб кўрсатиш анъаналари мавжуд эди. Бу Забардастлон элчилиги келтирган мактуб мазмуни билан

¹⁸¹ «Ўзбекистон ССР тарихи», I том, I-китоб, 473-бет.

Субхонқулихоннинг Аврангзебга юборган жавоб мактубида яққол кузга ташланади. Аврангзеб мактубида Кашғарнинг Мұғуллар империясига тобелигі айтылған бұлса, Субхонқулихон номасида эса Кашғар Бухорога тобе деб уқтирилади.

Бу түғрида яна шундай далил келтириш мүмкін: Забардастхон әлчилиги билан биргаликда Бухорога Хўжа Абулмаоний Балхий номли шахс келади ва у үзини воқеанавис вазифасида эканлиги ва ҳинд подшоҳи у орқали Соҳибқирон (Амир Темур) мозори атрофида жойлашган хўжаликлар (шайхлар — И. Н.) учун ўн минг рупия бериб юборганини Бухоро хонига айтаб, Самарқандга бориш учун рухсат беришни илтимос қилади. Бу Субхонқулихонга таъсир қилған бұлса керак, у ҳинд подшоҳининг бу ҳаракатини Бухоронинг ички ишига аралашиб деб ҳисоблаб иорозилик билдирган ва Хўжа Абулмаонийнинг Самарқандга бориши учун узоқ вақт рухсат бермайды. Ниҳоят, ҳинд әлчисининг қатъий талаби натижасида Хўжа Абулмаоний рухсат олиб, Самарқандга боради ва ўн минг рупияни шаҳар қозиғул-құzzотига бермоқчи бұлғанда, у пулни олмайды. Ўйлаймизки, бу ишда Самарқанд қозиси Бухоро хонининг амрига мувофиқ иш тутган. Шундан сұнг, Хўжа Абулмаоний ҳинд рупияларини мадраса тслиблари уртасида тарқатиб, сұнг Бухорога қайтган¹⁸².

* * *

Субхонқулихон вафотидан сұнг Убайдуллахон (1702—1711) ва Абулфайзхон (1711—1747) даврида Бухоро хонлигінда иқтисодий ва сиёсий түшкүнлик янада кучаяди. Айни бир вақтда халқ құзғолонларининг тобора үсиши ва ҳинд рожаликлари, айниқса, маратхларнинг мустақиллик учун олиб борган тиімсіз курашлари натижасида Аврангзеб давлати ҳам заифлашиб қолған эди. Аврангзебнинг ворислари — Баҳодиршоҳ (1707—1712), Фарруҳ Сияр (1713—1719) ва Мұхаммадшоҳлар (1719—1748) тадбирсіз бўлиб, ичидан чириб бораётган Мұғуллар империясини сақлаб қолишда озиэлик қилар эдилар.

Шунга қарамай, бу вақтларда ҳам ҳар иккى мамлакат үртасида иқтисодий ва сиёсий алоқалар давом этди. Масалан,

¹⁸² محمد بدیع ابن محمد شریف سمرقندی (ملیحه) مذکور

Мұхаммад Бади иби Мұхаммад Шариф Самарқандий (Малейхө), Мазкарул-асхоб, ЎзФАШИ, к. 2613, в. 129 б. 130 а.

289 рақамили қулёзмадаги ҳинд шоҳи номига ёзилган мактуб-
дарнинг бири Абулфаизхон номидан ёзилганлиги текшириш
натижасида аниқланди.

Бу нома «Ҳазрат халофатпаноҳнинг Ҳинд(истон) ҳокимия-
тига табрик юзасидан амирлик паноҳи Султонбий Қушбеги
элчилиги орқали ёзиб юборган мактуби» деб аталади¹⁸³.
Матнда элчилик бошлиғи Султонбий доддоҳ Рустамбий ота-
лиқ уғли деб кўрсатилган.

Абдураҳмон Толенинг «Тарихи Абулфаизхон» асарида Рус-
там уғли Султонбий 1716 йил охирларида қушбеги унвонига
эга булгани ва кенегес қабила бошлиқлари томонидан Абул-
фаизхонга қарши уюштирилган курашда иштирок қилиб,
унинг 1718 йил 25 майда ўлдирилгани баён қилинади¹⁸⁴.

Элчиликнинг қачон ва қайси хон томонидан юборилгани-
ни мактуб мазмунидан ҳам аниқлаш мумкин. Мактубда Бу-
хоро хонининг салтанат эгаси булган вақтида қандайдир ўз-
бошимчаларнинг қилган ихтилофлари ва ҳозирда уларнинг
бунсундирилгани ҳақида баён қилинади.

Ўбайдуллахон ўлдирилиб. Абулфаизхон таҳтга ўтирган
биринчи ойларда давлатни асосан Жоушан қалмоқ бошқар-
ган ва у кўп давлат аъёнлари ва ҳатто хоннинг ҳам ҳуқуқини
чеклашга уринган. Шундан сунг Абулфаизхоннинг махфий
буўруғи билан Маъсумбий Оталиқ ва унинг кишилари Жо-
ушани ўлдирганлар. Демак, мактубда баён қилинган ўз-
бошимчалар Жоушан ва унинг тарафдорларидир.

Яна шу нарса диққатга сазоворки, мактубда ёзилишича,
Ҳиндистондан элчи келиб, у ҳинд подшоҳининг «давлат қу-
ёшининг тулуъи ва адолат нурлари пайдо бўлгани ҳақида»
хабар берган.

Юқорида келтирилган маълумотлар шундан далолат бе-
радики, Султонбий элчилиги Ҳиндистонга Абулфаизхон то-
монидан 1714—1715 йиллар мобайнида, яъни Султонбий
«кушбеги» унвонига эга булишдан аввал юборилган. Ҳиндис-
тондан келган элчи эса Муғуллар империясининг шоҳи
Фарруҳ Сиярнинг (1713—1719) элчиси бўлган. Шунга кўра,
сунгги вақtlарда мактубни кўчирган котиблар Султонбийга
кушбеги унвони берилганидан хабардор эканликлари туфай-
ли мактуб сарлавҳасига «Султонбий қушбеги элчилиги» деб
езгайлар.

¹⁸³ Ушбу иш, «Ҳужжатлар», мактуб № 14.

¹⁸⁴ Абдураҳман-и Тали, История Абулфаиз-хана, перев. с таджикс. проф. А. А. Семенова, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1959, стр. 43—49—50.

Султонбий әлчилиги қадимий дүстона муносабатларға амал қылган ҳолда Фарруҳ Сияриш салтарапт әгаси бұлдың билан табриклашдан ташқари, яна бошқа вазифаларни ҳам бажарышы лозим болған. Чунки мактуб охирида шундай деб езилади: «Қачонки, (хузурларнға) ташриф буюоршдан мамынун бұлиб, бандалик лозиматини ўрнига қойса, унга топширылған зарур ишлардан ниманки әшитилса қулоқ беріп (үнгі) иқбол даражасини муносиб күрсалар». Бу «зарур ишлар» нимадан иборат эканлиги мактубда аниқ айтылмаган. Хәлаймизки, мактубдаги зарур ишлар савдо-сотиққа оид масала булиши керак; бу ҳақда меҳтар Убайдулла әлчилиги орқали юборилған Абулфайзхоннинг бошқа бир мактубида аныча аниқ маълумотлар бор.

Хокимият тенасида қалмоқ Жоушан турганида Пұлаг меҳтарининг ўғлы Убайдулла бош меҳтарлар вазифасига тағын әтилған эди. Жоушан үлдирилғач, бош меҳтарлар Ибодулла-га олиб берилған¹⁸⁵, әхтимол Убайдулла оддий меҳтарлар вазифасида қолдирилған.

Меҳтар Убайдулла орқали юборилған мактубда¹⁸⁶ Бухоро хони қадим вақтлардан бери ҳар иккى мамлакат үртасида ота-боболар давридан бери давом этиб келаётган дүстона муносабатларни янада кучайтириш кераклигини таъкидлайды. Сұнг мактуб охирида «Жаноблари томонидан маҳсус меҳтар Поянда Боки ва Худойберган тахвилдорлар орқали (беріп юбориладиган) моллар элчи(миз)нинг сұзига биноану орқали равона қылсалар, мазкур банда (яъни элчи) бу молларни кам-күстсиз келтириб, гардунмадор саркор (яъни Бухоро хони) ҳузурiga қайтиб келади», деб илова қилинған. Демек, меҳтар Убайдулла әлчилиги Ҳиндистонга Султонбий әлчилиги Бухорога қайтиб келгандан сұнг күп вакт үтмай юборилған ва бу әлчиликнинг асосий вазифаси (Султонбий әлчилиги ёки Султонбий әлчилигига жавобан Ҳиндистондан келган әлчилик орқали айтиб юборилған) ҳинд подшохининг ваъда қылган молларини Бухорога тезроқ етказиб келишдан иборат булған.

Султонбий ва меҳтар Убайдулла әлчиликлари ҳақида ҳужжатлар XVIII асрнинг биринчи ярмида ҳам (Нодиршоқ ис-тилосига қадар) Бухоро хонлиги билан Мұғуллар империясы үртасида әлчилик муносабатлари давом этган ва бу муносабатлар, асосан, иқтисодий (савдо) манфаатларни күзда тут-

¹⁸⁵ Уша асар, 37-бет.

¹⁸⁶ Ушбу иш, «Ҳужжатлар», мактуб № 15.

гаилигидан дарак беради. Фақат бу даврлардаги Бухоро ва Ҳиндистон муносабатларига оид кўпгина ҳужжатларнинг ҳали бизга номаълум бўлиб қолиши, бу масаланинг тўла ва музфассал ёритилмай қолишига сабаб бўлмоқда.

1736 йили Эрон таҳтини эгаллаган Нодиршоҳ (1736—1747) мамлакатдаги ҳарбий аристократия ва турли жанговар қабилалар кучига таяниб, истилочилик ҳаракатларини бошлаб юборади. Ҳозирги Афғонистон териториясини босиб олгач Ҳиндистоннинг Пашжоб ва бошқа шимолий вилоятларига ҳужум қиласди. Натижада 1739 йили Мўгуллар империясининг маркази Деҳли шаҳрини ишғол қилишга муссар бўлади. Сунг, Нодиршоҳ катта кўшин билан Балхга келиб, у ердан Бухорога томон юради (1740). Бухоро хони Абулфайзхон ўз аъёнлари билан Нодиршоҳ истиқболига чиқиб, Эронга бўйсунади. Шу йили Эрон қўшинлари Хоразмни ҳам босиб оладилар.

Нодиршоҳ давлатига бўйсунган мамлакат ва давлатлар узаро мустаҳкам иқтисодий ва маданий алоқага эга эмас эдилар. Шунга кўра, қурол кучи билан вужудга келтирилган бу катта империя Нодиршоҳ вафотидан сунг тезда парчаланиб кетади. Бухоро ва Хоразм хонликлари яна мустақил бўлиб оладилар. Афғон қабилалари ҳам қулай фурсатдан фойдаланиб, дуррони қабиласидан бўлган Аҳмад номли шахсни шоҳ деб эълон қилиб, Афғонистон давлатига асос соладилар (1747). Шу вақтдан бошлаб Бухоро хонлиги билан Мўгуллар империяси ўртасидаги қўшничилик муносабатлари ўрнини Бухоро — Афғонистон муносабатлари эгаллайди.

Нодиршоҳ истилосидан сўнг заифлашиб қолган Мўгуллар империяси маратхларнинг кучли зарбасига учрайди, маратхлар Деҳлини ҳам ишғол қилишга муваффақ бўладилар. Аммо, орадан кўп ўтмай, Афғонистон шоҳи Аҳмад (1747—1773) Ҳиндистонга бостириб келади, афғонлар билан маратхлар ўртасида 1761 йил 14 январда Панипат майдонида қаттиқ жанг бўлади. Афғонлар ўсиб келаётган маратхлар кучига қақшатгич зарба берадилар, шу билан бирга ўzlари ҳам узоқ вақт Ҳиндистонда қололмайдилар.

К. Маркс Панипат майдонидаги жангни характерлаб, бундай деб ёзади: «Буюк мўгулнинг чексиз ҳокимиётини унинг нойиблари агдарди, нойибларнинг ҳукмронлигини маҳратлар (маратхлар — И. Н.) емириб ташлади, маҳратларнинг ҳукмронлигини афғонлар емирди ва булар ҳаммаси бир-бири

билан урушиб турған бир вақтда, британияликлар бирданига ҳужум қилиб келиб, буларининг ҳаммасини бўйсундириб олди»¹⁸⁷. Ҳақиқатда бу даврда инглизлар Ҳиндистонни забт этишда ўз рақиблари бўлган Голландия ва Францияни сиқиб чиқарган ва Мұғуллар империясининг кучсиәланганидан фойдаланиб, Ҳиндистонни ўз мустамлакаларига айлантиришига астойдил киришган эдилар.

¹⁸⁷ К. Маркс, Ҳиндистонда Британия ҳукмронлигининг келажакдаги натижалари; К. Маркс, Ф. Энгельс, Тайландган асарлар, Ўздавнашр, I том, 349-бет.

БУХОРО—ҲИНДИСТОН
МУНОСАБАТЛАРИГА
ОИД ҲУЖЖАТЛАР
(МАКТУБЛАР)

ҲАЗРАТ ҲАЛОФАТПАНОҲ [АБРУЛЛАХОН] НИНГ МУҲАММАД
НАЗАРБИЙ ДОДХОҲ ЭЛЧИЛИГИ ЮЗАСИДАН ҲИНД(ИСТОН)
ПОДШОҲИГА ЕЗГАН МАҚТУБИ

Қувончлик давримизнинг саодат ва иқболига зебу зийнат
муқаррар бўлсин! Шод-хуррам айёмимиз юксалиш ва шон-
шавкатга мусассар бўлсин!

Адолат ва саодат бўстони, ҳашамат ва баҳтиёрлик гул-
шани, шоҳлик нурларининг матлаъи, шаҳаншоҳлик фалаки-
нинг юлдузи, саҳоват ва лаёқат жамъининг хуносаси, шон-
шавкат саҳифасининг унвони, осмон қадрлик, юлдуз, иқболи
баландликнинг порлар гавҳари, оламни ёритувчи офтоб,
адолат ва ҳақиқат осмони, карам ва раъиятпарварликнинг
жаҳонни ёритувчи тўлин ойи, бирдамлик поясини мустаҳкам-
ловчи, дўстлик даражасини баландлатувчи, кўрагоний [яъни
Темур] хонадонининг намунаси, Чингизхон оиласининг зуб-
даси [яъни Акбаршоҳ] тангрининг илтифотлари шуъласи-
дан, оллоҳнинг хайру саҳоват гулидан, худонинг яратувчилик
каромати нурларидан баҳраманд бўлсин! Улуғлик ва зафар
осмонининг ёруғ юлдузига саодат шарафи билан жаҳонгир-
лик йўлдош бўлсин!

Камол ошнолик ва вафодорликка сабаб бўлувчи муҳаббат
асос маросимларни адо қилгандан сўнг ҳаққоний, олий жаноб
фикримиз ўз меҳр жилосини намоён қиласиди, муваттар ислик
ҳавонинг мушк-анбар таратишидан олам жаннат рашк қила-
диган ҳолда бўлган шу қуттуғ оқибат кунларда мувофиқлик-
ни асос қилиб олган ҳақшунос хотир(имиз) «Бу оллоҳ фаз-
ли, хоҳлаган (кишим) га бераман ва тангри буюк фазллар эга-
си»¹ (ояти) нинг муфассал (ва) ҳаққоний мазмуни билан худо-
нинг буюк «вадиъа»си² бўлмиш ҳалофатнинг муҳим ишлари

¹ «Қуръон», 3-сурә, 74-оят. (Кейинги саҳифаларда «Қуръон»дан келти-
рилган оятлар, ҳадис ва бошқа арабча нақлларни қўштириноқ ичига олиш
билан кифояланамиз).

² Вадиъа — сақлаш учун берилган буюм.

тартибидан (хотир) жам бўлди. Оллоҳга шукур ва (ундан) миннатдормизки. (ушбу) олий қаламравининг аҳолиси ва ҳалқи олдида ором ва осойиш эшиги кушоийш бўлди.

Баҳор ёмгири каби беҳисоб ва осмондаги юлдузлардан ҳам ортиқ Турон мулкининг түқсоп икки ӯзбекия фирмасининг бир қанча минг эл ва улуси илоҳий фазлнинг файзи билан итоат ва фармонбардорлик ҳалқасини жон қулоқла-рига осиб (бизга) тамоман тобе бўлдилар ва бўйсундилар; карам(имиз) эҳсонидан хурсанд ва маминдирилар.

Ижроси вожиб фармонга мувофиқ мамлакат чеккаларида истиқомат қилиб, қадим замонлардан тортиб шиорлари жангут жадал ва (хулқ) атворлари қатли—ом булган қозоқ ва қорақалпоқ ва қирғиз фирмалари доимо иифоқ билан тұла коғир қалмоқларга қарши ғазо қилиб шон-шавкати беҳисоб (булган) маконга кўплаб асир ва сон-саноқсиз моллар юбориб турибдилар. Зафар нисбатлик узантига пайваста булган аҳоли ва [салтанат] хизматкорларининг жамияти ҳам шу даражадаки, пок шариатнинг мустаҳкам қонуни ва баҳтиёр миллатнинг буюк расми атьёnlар ва фуқаролар ўртасида равшан ва мустаҳкамдир.

Шу хил мартабага етишилгандан сўнг «яхшилик қил, тангрни сенга яхшилик қилгани каби» улуғ(оят)нинг мавриди билан улуғ хоҳишимизнинг барча ҳиммати «(унга) нима муносиб бўлса юзага келтир» — яъни элчилик ва элчиларни ҳамда камол ақл эгаси (булган) фозил воситачиларни юбориш билан ер куррасининг ҳар бир ерига ва мовий осмони остида яшовчининг ҳар биринга ҳамда (барча) ҳалойиқ ҳоли ва аҳволига сарф қилинди; айниқса, номдорлик бисотининг у танланган [жаноб]нинг шод-хуррамга тўлиб-тошган ҳузурига (элчи-лар юбориш йўлида сарф қилинди). Ўтган кунлар ва ўтмиш ой ва йиллардан бошлаб ҳурматлик улуғ аждодларимиз—тангри улар ётган жойларини то қиёматгача доруссалом қилинин,— ўртасида бу мақтовга муносиб одатга риоя қилинганд. Агар, уларнинг аксарияти ва кўпчилиги макон ва манзил (нуқтаи назари) дан бир-биридан узоқ бўлиб, ўртада ҳақиқий жисмоний ажралиш (булган) бўлса ҳамки, аммо дўстлик ва ҳамжиҳатлик эътибори билан элчи ва номалар юборишликни руҳоний учрашувлар ионблигининг ионби деб ўйлаб, (ўзаро элчи ва номалар юборишни) давом эттирганлар.

Сўз шулки, руҳий ёзишмаларда манзил узоқлиги бўлмайди, буни энг муҳим деб биламиз.

Саодатнинг боши, қутли оқибат (ул олий жанобнинг) олий мақом шоҳона тахт ва қудрат маснадига ўтирганлиги ха-баридан аржуманд бисоти ва тамом шоду ҳуррамлик юз

берди, чунки қандай лавлат бундан яхшироқ ва қанақа ҳам засон бундан шириироқ бүлсін!

Тангри марҳаматтіннинг ёрдами ва мархум улуглар пок руҳларининг мадади билан зебу зийнат ва шаън-шавкат билан умр кечирғанларининг бәхисоб шарафи (уларнинг) ноибаридан ҳоли бұлмасин, гуллаб-яшинашверсін, уннің мөваси мерсекшүр бўлсін.

Ва яна, олам безаги (подшоқ) фикрида маҳфиз ва пинхон қолмасынким, ярамас шиа фирмәси ўзларнинг ёмон хулқ-атворлари ассоциациясында номақбул шиор пайдо қилиб кундан-күн ёлғонни орттириш ва сағсатабозликни күчайтиришга интилоқдалар. Шунингдек, ҳақиқатан ҳам қаттық азоб беріб оғрийдиган касалга сабабчи бұлған шиалар ҳарамайн-шарафайын [Макка ва Мадина]—тангри уларнның шарафини зиёда қылсін (бу табаррук жойларни айланиш нияти ҳар дилда ва бу олий остана ерлар түпрогини үниш үмид-орзуси ҳар бир фикрдадыр) нұлида «тариқи мустақим» ва «вожиби таъзим»ға ғов, түсік бўлиб, Каъба муридлари ва Макка мұхлисларини тан олмай ва ҳақорат қилиб уларни таҳқир қилмоқдалар.

«Үнга юмшоқ сүз қилинглар» (деган) шарафли ояттннинг тақозоси билан жаннатмакон, мақтовға сазовор хоқонларнинг қоңдаси (бўлмиш) тариқи мудойим ва насиҳат йўлини ўзимизга биринчи даражали йўл тутиб, дустона мактубни топширувчи, амирликнинг таянчи, шижаот дастгоҳ, душманликни битирувчи, жанг майдонида фирибгар лашкарни енгувчи, ғазавот голиби, шоҳона марҳаматларни парвариш қилувчи, зийракликда огоҳ, ризожўйлик йўлидан қитла ҳам ташқарига чиқмаган, кучли жанговар табнатли бўлишига қарамай, ўтқир фикр ва ҳозиржавоблик билан зийнатланган, авлод-аждодларидан тортиб қудратли шоҳларга манзури назар бўлиб келган Мұхаммад Назарбий доддоҳни— у күпинча зарур хизматлар ва подшоҳликнинг мұхим ишларини тартибга келтиришга тайин этилади — йўлдан озган, адашган ул тоифага насиҳат қилиш жиҳатидан юборган эдикки, бориб уларнинг (бундай) хулқ-атворларини йўқ қилишда саъийлик кўрсатган. Мушорулилайҳ олий останани үпиш билан баҳтиёр бўлгандан сўнг маълум бўлдики, (шиалар) исломга тобелик қилмаганлар. Бинобарин, шоҳлик эҳсонидан парвариш топган Хоразм вилоятининг волийсига, ниҳоятда фармондор бўлишиликни тақозо этувчи, ўз жонини сақлаш шукронасининг тұхфаси сифатида (олиий) остананинг барча бандалари билан биргаликда у қавм устига (бостириб боришга) амр қылдикки, (улар) Машҳад, Астробод ва Нипиопургача бориб, кетма-кет ҳужум ва талон-торож қилиб, у табиатан ёмон хулқилар

Фигонини (күкка) чиқарсии. Ва (яна) бир томондан, манги-тия ва туркман жамоаларига буюрдикки, улар Марв худуди-дан бориб, шиаларнинг ҳаёт томирларнин қирқиб ташлаб, кўплаб асири ва ўлжалар келтирисинлар. «Сизларнинг қўлини-гиз билан таңгри уларни ўлдириши, азобласни, уларни хор-ласни ва сизларга улар устидан галаба берсин» (деган оят-нинг) далили билан истаймизки, давлат ва иқбол (ҳамда) дарё-дек оқувчи беҳисоб зафар асарлик аскарлар билан Турон мул-кини зафар ииебатлик узанги остига озиб (у томонга) қараб юрамиз. Ишбилармон амирлар ва ихлоスマнд оқсоқоллар шундай маслаҳат берниб, арз қиадиларки, ана шундай «каси-ри ганимат»ли газо юриши юзасидан зийрак давлатхоҳлар-дан бирини дин ва миллат масаласида (биз билан) қадимдан бўён мувофиқлик ва ҳамжиҳатликда буаган, (ул) олий мақом ва ҳалофат таҳтига муносибнинг шодликка тұла ҳузурларига юбориб, огоҳлик берилсаки, порлоқ шарнатни мустаҳкамлаш ва баҳтиёр миллатни кучайтириш учун барча тоғдек басав-лат мужоҳидлари ва жанговар, музaffer муборизлари билан у тарафдан йўлдан озган тоифа устига отлансалар, токи шон-шуҳрат кенининг ҳар икки гавҳари [яъни Абдуллахон ва Ак-баршоҳ] узаро бир-бирларига ёрдам ва мадад бериб у тоифани обёгидан қулатсалар. Ва уларнинг диёрини (шундай) исломобод қиласаларки, (бу) яхши ном то оламнинг ииқиро-зигача жаҳон саҳифасида қолсии ва зиёрат қилувчи ва йў-ловчилар осоишталикда йўл босиб ўтиб, мурод Каъбасига етишсинглар.

Бу маънни таъби (мизга) маъқул тушиб, гап-суз ва (баъзи бир) ишлар бўйича мазкур бандага ишонч бор эди, уни шу мақсад юзасидан ҳамда осмондек баланд таҳтиёрлик билан ўтиришларини табриклиш учун оқилюна (иш) бўлсин деб, шод-хуррамга зиёда бўлган ҳузурларига равона қилдик. Умид(имиз) қатъийки, осмондек (баланд) таҳт поясига етиб бориб шарафланиш баҳтиёрлигидан сўнг подшоҳликнинг турли ишларидан лабардор бўлиш учун (уни) ҳумоюн қуриниш билан сарафroz қилиб, арз қилган (ҳар бир) гапига қулоқ солсалар ва нимаики арз қилса, олий қулоқларига восита-сиз эшитилса. Ва, шунингдек, ўз азиз хотирларини у томон-дан ҳам элчи ва мактублар юборишга таважжух этсаларки, (бу) дустлигимизнинг агадийлигига сабаб бўлсин.

Ҳамиша баҳтиёр кунлар бўлсин, поки парвардигор ҳақиқ

[Абдуллахон], олий Мартабалик ва улуг саҳоватлик, ға-
моналик ва қудратга молик, юксаклик ва шавкат эгаси, қаҳра-
мат даражасининг энг юқориси, улуг ва олий оиласиниг поки-
лоҳий шуъдалар тараалувчи жой, огоҳлик нурларишиг зуҳр
этган ери, шижаот ва ҳашамат устуналари билан этувчи,
ботирлик ва азamatликка асос солғаи, иззат ва иқбол ерда
(яъни Бухорода) таҳтда ўлтирувчи, қудратли ва шавкатли
саройниг кўркидирки, «яратилиш табнатидан олий ҳиммат-
ларга эга ва улуг неъматлар билан файз топган бахтиёрик-
ка хос бўлган».

Қитъа:

Абдуллахонниг узуги на тигининг қимматини орттирувчи
Тигининг умид ойнасидан зангини кеткизишидир.

Бўз оти мардлик майдонида шерининг ишни қилади,

Унинг қора (тусли) оти жанг дарёсида тимсоҳ мақсадидир.

(Унинг) «Давомли равишда мустаҳкам унинг муҳаббат
асослари барқарор бўлсин ва яхши тартиб асосида ташкил
топган унинг давлати доимий бўлсин». [Абдуллахонниг] ил-
тифотли мактубида ва ажойиб мазмунли хатида дустона ва
хос алоқалар, муҳаббат ва яқдиллик воситаси, яъни яхши ха-
барлар ва дўстликка оид сўзлар ёзилган ва битилгандир.
Яқинлик нисбатини ва собиқ муҳаббатни кучайтириш ва
мустаҳкамлаш ҳамда самимий садоқат қондаларини барпо қи-
лиш тўғрисида сўз юритилган экан, амалга ошди; соғ кўн-
гилдаги армуғон ва дил равшанлик самараси барпо ва зоҳир
бўлди; якжиҳатлик ва бирдамлик асоси мустаҳкамланди
ҳамда дўстлик ва яқдиллик асослари тартиб топди.

Муқаддас олам нури билан ва тангрини дилга жо қилиш
едатининг аломатлари билан нақшланган мунаvvар қўнгил-
ларининг ойнасига ва кундуздек равшан хотирларига маҳ-
фий ва пинҳон бўлмасинки, подшоҳлик таҳтига ўтиргандан
то иккинчи асрнинг бошланиши бўлган ҳозирга қадар аба-
дий [яъни тангри] қудратнинг мадади ва самовий қувватнинг
ёрдами билан ҳалқчил хотирамизда шундай жилва намойиш
қилдики, салтанат ва ҳокимиёт ҳамда қудратлилик ва жа-
ҳонгириликдан мақсад молу мулк жамлаш ҳамда нафсоният
баҳрасига ва жисмоний лаззатларга берилиб кетиш эмас,
балки чўпонлик маросимларини ёқлаш ва посбонлик лаво-
зимларига қадам қўйишдир. Шунинг учун, (ҳам) тангри

даргоҳидаги бу ҳожатманднинг хатти-ҳаракати ва тутган йўли — дўсту душман ҳамда хешу бегона билан мулоийим ва меҳрибон ҳамда илтифотли ва ҳамжиҳатда бўлишдан бошқа нарса эмасдир, хотиримиз ҳамиша барча ҳалоини ва жумлани жаҳоннинг яхши аҳволда ва осуда ҳолда бўлишига сарфланади ва қалбдаги орзумиз ана шу олий мақсад ва оқилона ишга қаратилган.

Буюк ва олий ҳақ шоҳид ва тангрининг кағилатиги кифоядирки, рубъи маскун [яъни ер шарининг тўртдан бири — куруқлик бўлаги] ўлчовчиларининг ва тоғу биёбонларда сайр қилувчи саиёҳларнинг катта мамлакат ва оламнинг «чаҳорданаги» (етти иқлиминг тўрт иқлимида жойлашган) деб таърифлаган ва уч томондан Дарёйи мұхитга (яъни океанга) туташган Ҳиндистон мамлакатларининг забт ва фатҳ қилиниши хоҳиш ва ҳаваснинг тақозоси билан бўлмади, аксинча, ҳимматимизнинг мақсади — жабрланганлар риоясини ва мазлумлар ҳимоясини хотирада тутишдан бошқа нарса эмас. Шу сабабдан ҳумоюн ҳимматимиз қай томонга боқса давлат за иқбол-истикбол (имиз) томон азм қилди ҳамда муборак азиматимиз қайси томонга қаратилмасин, фатҳу зафар шошилинч равишда баҳт-толе курсатди.

Кўнгилли одатимиз ва ризолик табиатимиз тангрининг барча бандаларига нисбатан шундай экан, улуғ тангри даргоҳидан мадад топгучиларнинг буюги, у салтанат дастгоҳга (ҳам шу зайлда бўлади). Шунинг билан бирга, томонлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро мұҳаббат қоидалари ҳаққоний ва кучлидир; қадимий яқинликлар (насабий) боғланиш³ билан қўшилиб кетгандир. Яхшиликни билган доноларга маълумки, мұҳаббат ва дўстликни тиклаш ишида шу хил муносабатларнинг биригина кифоя. Бас (бу) барча хоҳишлар жам бўлгач нега ҳам ҳақ (ва) ҳақиқат равишлик назар дўстлик ва ҳамжиҳатликдан бўлак нарсани манзур тутсин. Маълумки, бу мувофиқлик ва дўстликнинг баракали самараси олам ва оламдаги (барча) кишилар аҳволини ҳамда жаҳон ва жаҳонда яшовчилар ҳолининг тартиб-интизомига восита бўлади. Элчилар ва номалар юборишга тўсқинлик қилингани хусусидаги имо-ишорат эса ҳарчанд узоқни кўрувчи ақл назарида бу хусусда сўзламаслик сўзлашдан кўра яхшироқдир. Аммо, у тўсқинликдан кўз юмишликни бу ўринда сўзни чўзиш сингари номувофиқ деб билиб, дин акобирлари улуғларининг нақли бўлмиш ушбу қитъа билан кифояланилди.

³ Бу ерда ҳар иккى подшоҳлик темурийлар хонадонига мансуб эканлиги назарда тутилади.

Қ и тъа:

«Тангрини — «соҳиби фарзанд», деб атаганлар».

«Пайғамбарни — сеҳргар деб айтганлар».

«Тангри ва пайғамбарнинг ҳар иккиси ҳам (маломатдан) **нажот**
«Бас, қандай қилиб мен **нажот** топаман?».

топмагач»,

Тангрига шукурки, ижод ва барпо этилган субҳ гулшанинг [яъни салтанат эгаси булишнинг] бошланишидан ва саодатлик салтанат ёруғ нури чиқишининг ибтидосидан бошлаб, назаримизнинг ҳоҳиши доимо дину миллатнинг шавкати йўлида ҳамда ҳақиқат ва ишончни мустаҳкамлаш борасида бўлиб, мулку диннинг эгизаклиги туфайли ҳумоюи салтанатимиз даражасининг юксаклиги ва кундан-кун тараққий топаётган давлатимиз байроқларининг баландлиги бизнинг камол диндорлигимиzinинг қатъий далили ва ёрқин ҳужжатидир. Тангри барчани ўз иродаси билан мустаҳкам дамлик ва событқадам қилсин! Олий тахт садрнишилари бўлмиш адолатли сultonларнинг тамом ҳимматлари пок ҳазратнинг (тангрининг) ажойиб омонати (бўлмиш) бутун ҳалқ ва барча ҳалойиқнинг Эмину омонлик бешигида бўлиши йўлида экан, улар илоҳий ибодат лавозимида ва турмуш яхшиланишига ҳайриҳоҳлик кўрсатишда астойдил ҳаракат қиладилар. Шунга биноан, бир қанча олий миқдор сultonлар ва қудратли ҳокимларга тегишли бўлган бу кенг ва улкан мамлакатларда шу муддат ичидан тартиб ва интизом ўрнатишда саъийлик қилинди. Тангри даргоҳидаги бу ҳожатманд (ўз) ҳолига шомил бўлган худонинг инояти билан бу мамлакатларнинг барча ишларидан [яъни бўйсундириш ишларидан] батамом бушади. Ислом нурлари тулу этган вақтдан то шу кунларгача жаҳонгир сultonлар отларининг туёқлари ва фармонраво ҳоқонлар қиличларининг ярқираши бу макон ва бу жойларга яқинлаша олмаган. (Бу жойлар) аҳли имонларга маскан ва ватан бўлди; аҳли куфр [яъни ҳиндлар] ва [исломдан] бебаҳраларнинг каница ва маъбадлари ишонч арбобларининг тоат масжидларига ва ибодатхоналарига айлантирилди. Пок ва олий тангридан миннатдормизки, дил ниманини ҳоҳлаган бўлса, бу интизомга ва тузалишга юз тутди ҳамда муддаомизга мувофиқ тартиб-интизомга тушди ва саранжом топди. Ҳинди аскарларнинг барча сардорлари ҳамда бўйин товлаганлари ва бошқалар итоат ҳалқасини эътиқод қулоқларига илиб галаба билан шуҳрат топган аскарларимиз сафига кирдилар ва (шу билан) турли ҳалқ гуруҳларининг ўзаро алоқаларини ўрнатиш ва тартибга солиш амалга ошиди. Биз ҳам «яхшилик қил, тангри сенга яхшилик қилгани каби» деган (оят) га содик булиб, барча таважжуҳимизни меҳрибонлик қондала-

рини кучайтиришга ва адолат асосини таъсис этиш ҳамда ғамхўрлик нурларини тарқатишга сарф этиб, қарам ва эҳсон булути томчиларидан, ҳамда фазлу илтифот ёмғири қатрала-ридан омонлик боғига ва халқлар умидига тозалик ва рав-нақ бағишиладик.

Ва лутфлик хотиримиз ҳимматининг олдига қўйган мақ-сади шу эдики, бу муҳим ишлардан буткул бўшагач, тангри-нинг кузатиши ва тўғри йўл кўрсатиши билан, Дарёй Шўр [Камбей қўлтифи] оролларига кириб олиб фитна қўзғатишга бош кутарган ва ҳарамайи-шарафайн (яъни Макка ва Мадина) — тангри (уларнинг шарафини зиёда қиласин)ни зиё-рат қилувчиларга жабр қўлини чўзиб, барчани кўплаб ўлди-риб, зиёратчи ва тужоратчилар йўлида ғов бўлиб турган коғир фаранглар [яъни португаллар]га (қарши) тангрининг мадади билан отланиб бу йўлни хору хаслардан пок қилинса.

Лекин маълум бўлмоқдаки, Ироқ амирларининг баъзилари ўз волийларига нисбатан беихлослик мақомида бўлиб, улар-нинг олий мартабаларга кўтарилишларига сабаб бўлган ях-ши ақидани қўлдан бериб, баъзи беадабликлар қилганлар. Ҳақиқатчи хотирамиздан (шу ҳам) ўтдики, равshan пешона-сидан саодат нури ва иқбол толеининг зоичасидан сафар йўли куриниб турган номдор ва бахтиёр фарзандларимиздан бирини у томонга тайин қиласак. Токи уларга ёрдам кўрсатиб хотиржам бўлмагунча бошқа бирор ишга қарамаймиз.

Айни вақтда, Рум [яъни Туркия] сultonни ота-боболарнинг (мавжуд) аҳду иттифоқларини «гүё булмаган», деб уйлаб, Ироқ волийсининг заиф аҳволига назар ташлаб неча бор қўшин юборган. (Эронлилар) суннат ва жамоатнинг бош йў-лидан тойган бўлишларидан қатъий назар пайғамбар насаб-лигимиз важҳидан холис пайғамбар хонадони [яъни Эрон] то-мон юриш қилиб ёрдам кўрсатамиз, токим бу (ўтмишдаги) ота-боболаримизнинг ўзаро таниш-билишлигига манзур бўлсин.

Алалхусус, (айнан) шу вақтда маълум бўлдики, Эрон ҳукмдори ёрдам ва мадад сўраб, Алиқули Султон Ҳамадон ўғлини туҳфа ва ҳадялар билан (ҳузуримизга) жўнатиби. Ниятимизнинг олий ҳимматига вожиб ва лозимдирки, Ироқ ва Ҳурсон томонга қараб юришимиз лозим. Хотирамизга (яна) шундай фикр (ҳам) келадики, у салтанат эгасига (яъни Абдуллахонга) нисбатан қадимий вақтлардан берли дўстона алоқа ва яқин муносабат мавжуд экан ва сайидлик паноҳи ва тақводор Мир Қурайш орқали муҳаббат услугуб мактубнинг юборилиши билан дўстлик одати ва бирлик қоидаси янгидан мустаҳкамланган экан, Ҳурсон худуди иқбол чодирининг ҳиймагоҳи бўлганда ҳамда олий ва улуғ чодир

ўрнатилган вақтда у салтанатпеноҳ ҳам ўз вилоятларидан юриб, бу худудга лозим (ва) мақбул ташриф буорадилар, токи бу ўлка буюк ва олий икки дарё (яъни Акбар ва Абдуллахон қўшинлари)нинг қўшилган (яъни учрашган) ҳамда порлоқ ва равшан икки бахт юлдузининг чиққан жойи бўлсин, (ва) элчию мактублар воситалигисиз дўстлик ва яқдиллик асослари янада мустаҳкамласин. Акобирлар кўнгил хазина-сида яширинган баъзи диловуз сўзлар ва ҳақиқатомиз сирлар ҳамда тула файз берувчининг (яъни тангрининг) инъом-эҳсон билан истеъоддога яраша қўлга киритилган художўйлик ва ҳақпарамастик шарҳи дўстлик мажлисида зикр қилинади ва ул шавкат эгасининг муаттар хотираларида порлаган нафис илоҳий ҳақиқат ҳамда олий жаноб огоҳлик тафсилоти ҳам (ушанда) англашилади. Ҳаётдан хулоса ва бахтиёрликнинг зудбаси — инсоний қиёфадаги сұхбат ва руҳий мужассамликдаги дўстликдир. (Шундай экан), тангрининг икки мумтоз қилганлари ва буюк даргоҳдаги икки назаркарда ўртасида, бу маъни (яъни учрашув) ҳақиқатга айланса, бу шубҳасиз, файзнинг ва умум фазилатнинг боиси булади.

Тангрининг инояти билан бу орзулар рӯёбга чиққан замонда оллоҳга манзур бўлганлар ва тангри шод этганларнинг ҳиммати ном чиқариш ва халқлар устидан ҳокимият ўрнатиш бўлмай, балки тангри ризолигини ҳосил қилиш булади. Шунга асосан, ҳақ кўнглимида ўрнашган дўстлик ҳақидаги [фикрлар] навқирондир. Умид шулки, ул жанобнинг орзу ва мақсади ҳам шу бўлсаки, қайси бир томонда ҳақжўйлик ва ҳақталаблик ортиқ бўлса, ўзга томон унинг хотир ризолигини лозим деб билиб, камоли якжиҳатлик мақомида бўлиб, унинг тўғри йўлидан чиқмаса.

Бирдамлик ва иттифоқ (имиз)нинг нисбати олам халқларига маълум ва ошкор бўлган шу кунларда Ироқ ва Хурросон ҳокимиға ёрдам ва мадад бериш юзасидан нимаики бизнинг ва сизнинг тўғри мушоҳадамида бўлса, у пинҳоналиктан зуҳр оламига чиқмоғи лозим.

Шоҳруҳ Мирза фарзандининг масаласи хусусида⁴ муҳаббат билан узр-маъзур ёзилган экан, инсофни ихтиёр қилган хотиримизга маъқул тушди. Ҳақиқатан (ҳам) номи зикр қилинган (Шоҳруҳ Мирза) ёшлиги ва ўзбошимчалиги орқасида камақлилик ва нотўғри мулоҳаза йўлидан бориши бир қанча номуносиб ишларнинг келиб чиқишига асос бўлди. Уларнинг (яъни қилмишларининг) ҳар бири унинг иши шу дара-

⁴ Бу ерда Бухоро қўшинлари томонидан асир олинган Муҳаммад Замоннинг вафоти ҳақида сўз боради.

жага бориб етишини талаб этди: биринчидан, Шоҳрух Мирза қалтабинлар ифвоси билан бизга итоат қилиш лавозимини ва бўйсуниш маросимиини тамоман менсимай қўйди; иккинчидан, биз ва у олий Мартабалик жанобнинг ўртамиздаги мавжуд бўлган мустаҳкам дўстлик ва яқинликка назар қилмай, уз ҳоли ва мартабаси юзасидан нисбат берилиши мумкин бул маса ҳам, у улуғ дастгоҳга [яъни Сизга] беадабона қарши турди; учинчидан, энгисига қатор диний ва дунёвий вазифалар қўя оладиган бузруквор бобосига [Мирза Сулаймонга] нисбатан ана шундай йўл тутди (қарши курашди). Унга нисбатан содир бўлган ҳар бир танбеҳ илоҳий ҳисмат ҳисснинг ва тангри илҳомининг фармойишидир. Ҳозирда, Шоҳрух Мирза ғафлат уйқусидан бедор ва мастилик ғуруридан хушёр бўлиб, марҳаматимизнинг барқарор таянчига илтижо қилди ва қўл узатган экан, [унинг ҳолига] карам ва лутфни имтиёз деб билишдан бошқа амр хотиримизга келмади. У буюк дастгоҳнинг дўстлик ва яқинлик маросимларидан ҳам умид шулки, унинг хато қилмишларига кўз юмиб қарасалар.

Муҳаббат асосларини мустаҳкамлаш ва дўстлик қондапарини кучайтириш жиҳатидан ифодапаноҳ ва ҳикматлик, яқин ҳайриҳоҳ кишиларнинг сараси, иш билармон кишиларнинг таянчи Ҳаким Ҳумомки, ростгўй муҳлис, тўғри муомалалик мурид ва мулозимлик қилгандан берли яқин мулозим бўлган (ва) унинг узоқлғишини ҳеч важҳдан маъқул кўрмаган эдик, элчилик расми билан (хузурингизга) юбордик. Бизнинг мулозиматимизда унга берилган нисбат ҳақиқат бўлгани учун у муддаоларни ўзгаларнинг воситасиз арз жойига етказади. Агар жанобларининг шарафли мажлисларида ҳам бу услугга риоя қилинса, ўртамиздагиг сўзлашув гўё воситасиз бўлгандек бўларди. Шафқатпаноҳ, жаннат дастгоҳ Искандархоннинг — тангри қабрини (ҳамиша) мунаввар этсин — воқеасини сўраш жиҳатидан сайидлик паноҳи, нақобат насаб, бу мамлакат улуғ сайидларининг улуғларидан, руҳонийлар руҳонийиси Мир Садржаҳонни тайин қилган эдик (лекин) баъзи хайрлик ишлар сабабли кечикиб қолган эди, шу вақтда номи зинкр қилинган ҳикматпаноҳ ҳамроҳлигида юбордик. Туҳфа ва ҳадя намуналарини эса алоҳида тушунтиришлар билан хос кишиларимиз улуғи Муҳаммад Али орқали жўнатдик. «Бир-бирингизга ҳадялар юборинг, (токим) бир-бирингизга дўст бўлинг» (деган) порлоқ (ҳадиснинг) тақозоси билан иш қилиб, доимо ўзаро бир-бирига элчи юбориш ва туҳфалар ҳадя қилиш тартиби йўлга қўйилмоғи лозим.

Парипарвоз кабутарларнинг Фарғонадан талаб қилиниши ва уларнинг юборилиши ҳамда (кушлар) ишқибози Жайиб-

нинг келиши сабабли шавқ қанот соҳиблари (кабутарлар) қу-
вонч ва севинчга келиб, якжиҳатлик ва дўстликнинг хушбўй
ҳидини искатди.

Агар бу паррандаларнинг парвозига таважжуҳ бирин-
чи назарда ўйин ва тамошага бўлган таважжуҳдан ортиқ
бўлиб кўринмаса ҳамки, лекин иккинчи назарда, кабутар-
ларнинг чархи ва ўйини «арбоби важд»ларнинг (яъни худо-
га нисбатан ишқ соҳибларининг) шавқа бўлган нисбати ва
завқка бўлган муносабатидан дарак беради ҳамда яратув-
чиға таважжуҳ қилишнинг сабаби бўлади. Ҳазрати Вожиб
таоло кўнгил сирларидан огоҳ эмасмикуним, яратувчи жа-
молига боқищда гоҳо шу иш мисолидаги сурйи машгулот-
лар пардадан ортиқ бўлолмайди ва ҳақандиш хотиришимиз
танҳо қанот ва кўриниб турган пар билангина кифояланмай-
ди, албатта.

Умид шуки, муҳаббатнинг мўътабар саҳифалари ва дўст-
ликнинг шонли элчиларини юбориш билан доимо ихлос сил-
силасини уйғотгайлар ва ихтисос (яъни хос, самимий муно-
сабат) асосини таъсис этгайлар.

Шеър:

Нома «ихтисос» сўзида бўлди тамом,
Вассалому валикром.

ТУРОН МУЛҚИНИНГ СИПОҲСОЛОРИ АБДУЛЛАХОН ЎЗБЕКНИНГ ХОНЛАРИДАН БИРИГА

[У] — ҳақиқатга муҳлис ва ул покиза саодатли хонадон-
нинг⁵ ақл гавҳари, давлат кишиларининг хотирида (мустаҳ-
кам) ўрнашганидир ва у жанобнинг ажойиблиги муқаддас
шаҳаншоҳлик⁶ мажлисида ҳамма вақт зикр қилинмоқда.
Қандай яхшики, (у) баланд баҳтли давлатманд саодат етак-
чилигига ўз зотини шундай (олий) шоҳликка⁷ шаклан ва
маънан манзур қила билса. (У вақтда) бу тўғри пайванд-
ликнинг натижалари баракасидан диний тилаклар ва дунёвий
мақсадлар дил хоҳлагандек амалга ошади. (Шунга кўра)
ҳақиқий аҳволлари ҳақида узлуксиз ёзиб, ўзларини эсга со-
либ турсинлар.

Эътиқодни ихтиёр этган ишбилармонларнинг раэм —
одати шуки, ўзлари бирдамлик асосининг пособони бўлган-
ларидек, ўзларига ўхшаш ва ўзлари кабиларга шу хилда
йўл тутишни урганишга ҳаракат қилсалар. Равшанки, у
саодатли ҳар икки иш⁸ юзасидан ҳам муваффақият қозона-

⁵ Бухоро хоплигининг. ^{6—7} Акбар давлати.

⁸ Ҳар икки иш, яъни дўстлик пособони бўлиш ва бошқа (хонлар)ни
ҳам шу ишга тортиш.

ди. Яхши андишали, ҳикмат талаб Ҳаким Ҳумом «муқаддас мулки»ни ихтиёр этгани экан⁹, жаҳон подшоҳининг¹⁰ ҳумоюн ишорати шундай бўлдикни, бу ҳақ йўлиниғ фидойи¹¹ мактуб. лар юборишини бошлаб юборади. (Шу ҳам лозимки), ҳакиқат ичидагандай орзулар пинҳон бўлса, уни маълум қилини билан (бизни) хушвақт қиладилар. Ӯқибати хайрлик бўлсини

**ҲАҚИҚАТНИ ИЗЛОВЧИ ЖАҲОНДОР, ТОГДЕК САВЛАТЛИК,
АДОЛАТПАРВАР, ИЛОҲИП СОЯ ОСМОНИНИНГ ЮЛДУЗИ,
ШАҲАНШОҲЛИК КОННИНИНГ ГАВҲАРИ ЖАЛОЛИДДИН
МУҲАММАД АКБАРШОҲ ГОЗИПНИНГ ТУРОН МАМЛАКАТИНИНГ
СИПОҲДОРИ АБДУЛЛАХОН УЗБЕККА ХИТОБНОМАСИ**

Қудсий асос (муқаддас) шукр яратувчиликни, у ўз яратувчилик қудратининг кучи билан бу хилма-хил оламини ўзининг сувари илмийясидан¹² иборат бўлмиш бир қанча воқеа-ҳодисалар билан биргаликда қоронгулик маҳфийхонасидан ёргулек оламинга келтириди ҳамда кишинлар тоифаларини гоҳ пайғамбарларининг ва пайғамбарлар олийси расулининг — уларнинг ҳаммаларига тангрининг салавот ва саломи бўлсин — пок зотларидан бўлмиш маънавий раҳбарлар ҳукми остида ипродий бирликка жинслаб, уларга итизом ва ҳамжиҳатлик бағишлади ва гоҳ эса улуглик боргожининг устунлари бўлмиш дунёвий таҳт безовчиларининг қудратли ҳамласи билан уларга тартиб бериб, куч билан амалга ошган бирлик орқали бу кўриниб турган оламининг ҳонун-қондасига ороиниш берди.

Максадининг катта йўлидан борувчи карвон бошилар (яъни пайғамбарлар) руҳига олам-олам ҳамди санолар билан синким, улар бу маънини таилаган художўйларни ва бу борлиқ оламда яшовчи бандаларни гумроҳлик чангалидан ва ихтилоф биёбонидан иҳтидо ва ҳамжиҳатлик дорулмулкига олиб кириб, мактобга арзнидиган муваффақият ва оқибати баҳтиёрлик билан боқий хилватхона (яъни жаннат) томон шошилдилар.

Олам-олам илоҳий кўмаклар ва самовий ёрдамлар фазат замон аҳволини фиску фужур гавфосидан ва баҳтсиз ҳодисалар фалокатидан сақлайдинган, ўзларнинг ҳамма ҳимматларини иттифоқда ва ихтилофда бўлган барча ҳалқларининг эмину омоқлиги пўлнига қаратиб, ҳаробаларни тузатиш би-

⁹ Вафот этгани экан. ¹⁰ Акбаршоҳининг. ¹¹ Бу ҳақ йўл фидойи, яъни нома битувчи Абуз-Фазл Аъломий.

¹² Сувари имамия — суфизмга оид термин бўлиб, «борлиқ олам», «борчча мавжудот», демакдар.

дан олам ободлиги учун интилаётган давр улуглари ваг буюкларига хосдир.

Ва замона учун саодатлик ва күнгил учун шодликдан иборат бўлган севинчга тўлиқ ва хурсандчиликка шомил вақтда дилини очувчи, гуллаб-яшиаган Кобилда ҳамжиҳатлик шигористонининг намунаси бўлмиш нағис ва мусаффо лавҳани (мактубни) кўрини ҳамда дўстона ва танланган лебочани ўқишлик билан дилхушлик ва хуррамлик найдо бўлди.

Самимий дўстликнинг тоза ҳиди ҳамда очиқ кўнгиллик ва дилҳоҳликнинг муаттар бўйи яратилган боғлар гулзоридан [яъни мактубдан] ҳамда маъни ва мазмунлар раҳҳонидан эсиб, у файзлик хушбўй янги руҳ билан тозаланди ва жанинадек гуллаган кўнгил беандоза равшаник топди. Мухаббат ва қадимий дўстлик боғлари гуллаб-яшиаб кетди ҳамда самимилик ва ҳамжиҳатлик асоси мустаҳкамланди.

Бу мақтовор хуш одат (яъни ўзаро мақтублар кбориш) аслида руҳоний учрашув ва сўзлашувдан иборат бўлиб, фақат угина муштоқ диллар шодлигини орттира олади ва соғ кўнгил севинчининг зийнати бўла олади. Бу хуш одат юзма-юз ўтириб қилинган мажлислар ва очиқ-ошкора сұхбатлариниг мислсиз бадали ҳисобланиши мумкин.

Сулҳ асосини мустаҳкамлаш ва ҳамжиҳатлик чашмасини тозалаш йўлида ҳар икки томон аҳамият берсии деб, хушбўй ҳома билан ёзилган ва «Ҳиндикуҳ уртамиизда бўлсин» (деган) сўзлар «маъқул» назаримизда жилва қиласди. Маълумки, (пайғамбарлар) бу мавжуд ва фасод оламида муҳаббат ва ҳамжиҳатликка тааллуқ бўлмаган нарсанинг пайдо бўлишини мақсадга мувофиқ деб кўрсатмадиларким, коинот силсиласининг интизоми ана шунга (ҳамжиҳатликка) боғлиқ ва алоқадордир. Ва ҳар қачонки, бу маъни қудратлик боргоҳ устунлари бўлмиш сultonлар табақаси даврида зоҳир бўлса, (бу ҳолда) ҳамма вакт молу мулк баракали, самарали ва яхши натижали бўлади ҳамда минг-минглаб аҳоли ва (турли) синфдаги (инсон)лар сиҳат-саломатлик бешигида ором топадилар.

Сулҳ маросимларини изҳор этишда ва дўстлик лавозимларини амалга оширишда бизларга пешқадам бўлмоқлик керакким, ўтган ҳокимларнинг кўпчилигига қарама-қарши улароқ, барча ҳақ талаб ҳимматимиз субҳи саодатнинг очилган вақтидан бошлаб доимо ҳамма табақалар билан яхши муносабат ва самимий алоқада бўлиш йўлига қаратилсин. Ва ҳар қачонги бу водийнинг (яъни дўстликнинг) шаббодаси (яъни ташаббусчиси) у улуғ зот бўлсалар, у вақтда бу хил муносабатларни сақлаш ва бу зайлдаги алоқаларни

дымас құлишлик бизнинг ҳиммат зияммамизга янада күпроқ лозимдир. Биінбарин, шу күнлары Эрон қокими қадимий тайиш-билимликки ва себік ғашоликки назарда тутиб, Едгар Султан Румунни юбориб ердам берішин илтимос қылған экан, (бу илтимос) қабул қылымады. Ва яна, Шоҳрух Мирза сөнүк иқтимада виляятларидан бирида — Кобилдағы Қашмир ә Савод Бужир ва әхуд Тироұда жогирга эга болған орзусини қылған әди, яқын құшничилек мұлоҳазасасини қылғап, уннан илтимоси ижебаттаға олинмады, унға Мальва виляятінде жогир бердік.

Шунингдек, Қандақор мирзаларини олий даргоҳга чақырып, қадимдан империя(миз)га кирған у виляяттін [Қандақорни] қуриқлаш бобирии мирзаларға тайин қылышты, мағадо Туран құшиналари, бу ерларин Эронға тегишли деб үйлаб, (унға) қасед қылмасынлар ва у баланд шавкатликтіннің давлати билан империя(миз) уртасыда жиідій келишмовчиліклар вөке бұлмасын.

Ва яна, дайын бадтабиатлардан бири «мен Шоҳрух Мирзаниң үглеман» (деган) дағво билан Бадаңшои Құхистоннан құзғолон құтарған. У диәрнинг замнидорлари ҳам унға қашылғанлари қолда ҳарчанд илтимосномалар юбориб, ердам сұрамасынлар, (уларға) илтифот қылмадык, токим (у) садбахатлық даштида сарсону саргардон бұлсени. Демак, суз үстидан чиқиши слай ҳиммат учун зарурдир. Модомитки, «сұлханнанға биш қарғы үртага ташланған экан, күнгил шуни ястаңдик», бу вөкеанның шакли шундай маънида амал топсанеки, улуттарнинг иши — тангрининг қылмиши бұлсени.

Ҳақиқатан ҳам, агар күнгилни завқлантирувчи бу сұзларнинг все маъносы әлчи ва номалар юборишлиқда уз иғодасын топса, қандай яхшики, олий жойни (яғни учрашувни) муқаррар қылмоқ керак, токи бу қароргоҳда ҳам жиіхатлық базми безалсін ва воситақисиз ҳамда үзгаларсиз діннің ва дүнёвий мақсадлар, шаклий ва маънавий матлаблар соғ, бенубор сұзларда, түғри — ҳақиқий талқында равшан бұлсиян.

Мұборак қулоғимизга етдікі, Панжоб худудида булишіміз барча бұхтончиларға «бу дүстлик асосиға қарама-қарши бұлған иш», деб айтишларига баҳона бұлған. Худо күрсатмасынкім, күнгил хилват саройида бұлмаган иш тиң шешімшілдік зұхар топса, тақрیر ва таҳрир қылнған нарса унға қарама-қарши қолда амалға ошса. Бу диәрнинг ҳавоси ва сәйру шикори (күнгилға) хүш келған булишиға қарама-қарши, хотирмамизға (шұ нарса) келдікі, дорилхилофот Агра томониң көрсек, токи беҳуда сұзловчиларнинг тили боғлансин.

Шоҳруҳ Мирзага иисбатан ҳамон хотиримизда губор бор, б ёзилған сұзлар (чүқур) мұлоҳаза қилиниди. Илоҳий пурарининг матлағы ва яхши ва соғ хұлқ-атворларининг зуҳр шавкатлilar уртасыда, ҳеч қачон, ҳанузгача тенглик рұхы дүстлик таъби қарор топмагач, бошқа гурухлар орасыда қандай ҳам қарор топсан. Алалхусус, қиямишига сабаб әддик ва иодоидик бұлғач, неге ағын да кечиримнинг зилол туви билан юнилмасын. Ва у (Шоҳруҳ Мирза) үзбошимчалық орқасыда бу олий хонадонга (яъни Ақбар давлатига) ишебатан қылған гүноҳи туфайли унинг мукофоти үлароқ турбат биёбонида сарсону саргардан бұлды. Бу томонға шаюн тортыб келған воқтда уннинг иешонасыда ағсусланиш аломатлари борлығи күриди.

Ва Шоҳруҳ Мирза ва Мұхаммад Ҳаким Мирза фарзандарининг бу давлат остонасига илтижо қилиб келишлари үлесінде шавкатлик нок хонадонға мұхаббатининг аломатидир, деб ишора қилинибди. Бизга тегишлик, хос кишиларининг бу томонға келишини қандай қилиб шундаи тасаввур қиласы? Мұхаббат ва ҳамжиҳатликкіннің тақозосы билан фатҳлар төфсилі ҳома воситаси билан ёзилған экан, биз буни у олий зот яхши ииятларининг натижасы деб ҳисоблаб, хушвақт бұлдык. Азиз фарзаңд (Абдулмұмин) ёшлиги туфайли үзига өзүмөносіб бирмұнча ишлар қилибди, бундан күнгил қолиб, дүстлик этагига чанғ үтириши мүмкінми, деб ва бунинг учун узр-манзур айтилиб дүстлик қалами билан битилған (ва) Мавлоно Ҳусайній келтирған гапларға келсак, әлчи келишидан олдин һұлда сувға чүкиб кетганидан мактуб мазмұни маълум бўлмаган эди. Ҳақиқатин таңланған хотиримиз бу воеани эшитишдан ағсусланди. Қадимий дустона мұнисабатлар ҳеч қачон шу хилда ҳақиқий дүстлик қонун-қоидалари билан тартиб топмаган ва интизомга кирмаган эдикি, мабодо бирор-бир нарса бўлса ҳамки садоқат этагига мағомат ғубори үтирмағди. Фарзандлар үз ҳақиқий оталарига, хусусан у олий дастгоҳға эркалик қылғач, мажози падарга иисбатан бу маъни юз берса нима бўлибди?! Фарзандлик баҳт шуки ота ризоси фарзанднинг ҳиммат бурчи бўлиб, буни асрарда у астойдил ҳаракат қиласы.

Ишбилармон әлчиларнинг воситаси билан бир қанча марта қарор топган буюқ аҳдномалар ва шарафлик шартномалар ҳақписанд хотиримизда ҳамон жилоланған ва нақшланғандир. Мусулмонлик расми ва валинеъматлар одатига кура, дүстлик ва яқжиҳатлик устунларини агадийлаштириш учун ҳақиқатин ихтиёр этган ва ҳиммат хислатлик оммага уннинг (бұз хилдаги саъи-ҳаракатларининг) үндән бири ҳам етарлик

ва кофиидир. (Юқорида) баъзи юришлар Аҳмад Али Оталик нинг келишига қадар кечиктирилди, деб ёзилган сўзлар (маъноси) тушунилди. У жаҳонгаштага рухсат берилши ҳақиқати шариф қулоқларига етиб борса, (у шундайки) рухсатин сўнг, олий зот ва огоҳдил билан учрашиши ҳақида зарур амр ҳам қилиниди. Агар муқаддас жойга етиб бориб униг (Аҳмад Али Оталикинг) ростгүй тилидан садоқат сирлари ва мувофиқлик назокатлари у олий гавҳарга маълум бўлса, савоб андиш кўнгилларида яширингани ҳар бир иродани инхонолик ичидан (чиқориб) ишга соладилар ва дўстликни мустаҳкамлаш лозимлиги йўлида қаандай ёрдам ҳақиқатини ихтиёр қиласан хотирларига келса айтениларки, бу муносаби интилишда нур порлайди. Тангрига шукурлар (бўлени)ки, фармонраволик таҳтига ўтирган вақтдан то ҳозирга қадар — ҳозир иккичи асерининг ўнинчи йили субҳе иқбол равнақининг аввали ҳамда буюк баҳор гуалашининг илк давриди, — бу тангри даргоҳидан (илтифотлар) сўровчининг барча ҳақиқат асоси ишти шуки, ўз гараз — мақсадларини назарда тутмай, доимо жаҳон халқларининг тартиб ва интизоми йўлида саъи ҳаракат қиласади. Ва бу саодат партов феъли-атворининг самарасидан бир қанча юқори даражалик ҳукмдорлар ўртасида (илгари) булиб олинган кенг Хиндистон мамлакати тасарруфимиизга ва иқтидорлик ихотамизга кирди. Ва яна, кунгуруали тоглар ва мустаҳкам қалъалар ҳамда мушкул жойлардаги кибр ва жабрли ердаги ҳокимиятга итоат қиласади, душманчилик йўлидан борган инсон табақалари яхши ният (имиз)нинг тақозоси билан кетма-кет итоат йўлига кирдилар ҳамда турли инсон гуруҳлари учун — уларнинг бир-бирларига нисбатан қарамакарши кайфиятда ва муҳолифлик феъл-атворда булишларига қарамай, ўзаро алокада бўлниш муносабатлари пайдо бўлди.

Дуруст (ният) ва ростгүйлик ҳамда яхши ишларнинг итижаларидан бўлмиш диловиз сўзлар то шунгача етиб келган экан, иочор тангри неъматларининг баъзилари ҳақида — худога шукурлар ва одил тангрига мақтовлар бўлсин — баён қилиб якжиҳатлик базмини шодлик билан безатилади. Муқаддас олам нурн билан жилоланган кўнгил ойнангизга маҳфий ва яширин қолмасинки, шу кунлари буюк қўшиннинг Панжоб мамлакати томон кириб келиши содир бўлди. Гарчи (бу юриш) юзаки қаралганда бу ўлканинг сайри ва шикори бўлса, аймо (аслида) мустаҳкам ва усти-вирликда тенғи ва мисли йўқ, оромбахш ва латофатда узоқни кўрувчи доноларнинг зарбулмасали ҳам маъқул тушиши мушкул бўлган ва то шу замонгача давр сultonларининг поин қадами етмаган, кўнгил(ни) очувчи Кашмир вилоятини бўйсундириш ҳам маҳфий Фикрда бор эди, (чунки) у

мамлекат ҳокимларининг адолатсизлиги қудсий қулогимизга шеттани эди. Самовий мадад билан басавлат баҳодирлар тасарруфимиз ихотасига кирилдилар.

Магар у ернинг ҳокимлари жангү жадалда кам-кўстлик мурсатмаган бўлсалар ҳам, ҳақ асос ниятимиз факат яхшиликдан иборат бўлганидан (галаба) хуш чеҳра билан на-моен бўлди ва ўзимиз ҳам тангри (биз учун) янгитдан ато-хилған қутлуғ равишни мамлакатга бориб, парвардигорга шукрни бажо келтирдик.

Ва яна (Панжоб мамлакатига кириб келишдан мақсад) Кобилининг сайру шикори ва у хурсандлик ишрат саройнинг гашти эди. Кашимир тоғларининг энг узоқ чеккалари ва Табатда сайр қилиб ва у илоҳин санъат ингористонининг но-дир (маизара)ларини ибратбии кўзимиз билан куриб, бир-бирига туташгани тоғлар ва турли-туман баланд-пастликлар ҳамда ўнқир-чўнқирлар билан чегараланган Пакли ва Дамтур вилоятларининг йўли орқали — осмонни сайр қилиш ҳар бир фикр ва баландликни ўлчаш хаёли бу йўллардан ўтишликни ваҳимали ва мушкул деб билади — қўшинимиз дилга маъқул тушган Кобилга етиб келди.

Ҳақпарат хотирдаги маҳфий Фикрлардан бирни шуки, мамлакати рўзи афзуннинг [яъни Ҳиндистон] ғарбидан, Дарёйи Шўр соҳилида жойлашган ва ўз қўл остидагиларга адолат йўлинни тутмаган Тата ҳокимига ҳушёрликни оширувчи биринчи насиҳатлар килинса, токи у фармонбардорликнинг асосий йўлига раҳнамо бўлсин ва агар баҳтнинг маддесизлиги натижасида шинаванда насиҳатларга қулоқ осмаса, ул кенг мамлакат ва у фаровон ўлка бўлмиш бу вилоятни адолатлик фармонбардорларнинг бирига топширсан. Ва ақли расо ва узоқни курувчи ҳамда (насиҳатларга) қулоқ берувчи бўлмагач, насиҳатомуз достонни афсона деб йилаб, узбошимчалик кайфияти билан озгинагина ақлдан ҳам ажралди. Муносиб лашкарни улка томон юбордик ва ихломанд баҳодирлар ҳар хусусда тайёргарлик ва тараддулга аҳамият бериб, икки йилга яқин муддат ичида хоҳ дарёларда (бўлмасин) ва хоҳ саҳроларда (бўлмасин) айрим-айрим жангү жадал қилдилар. Ҳақиқатни ихтиёр этган барча ниятимиз жаҳон аҳлининг фаровонлигига қаратилгани учун ҳамма ерда зафар ва ғалаба эътиқодли келажаги бор ул гуруҳнинг (истом лашкарининг) ҳолига муносиб бўлди ва «муомалани билмайдиган ва узоқни кўра олмайдиганларнинг иши ҳамиша бар-боддир», деган қадимий қоинун-коидага биноан у ернинг ҳокими устига шикаст кетидан шикаст тушди. Ва унинг табъида саодатлик асоси бор экан, омонлик истаб ва аҳду паймон

қилиб давлат волийлари қаторига кирди ва у улкан мамлакат-нинг ҳаммаси ҳамда бу дирёнинг барча қалъалари мерос мамлакатга қўшилди. Ва ҳар қанча жанг жадал қилганига қарамай, хизмат (имиз)га мушарраф бўлгач, унинг пешонасида саодатмандлик аломатларини яна кўриб, зўр (ва оғир) жанглар билан қўлга киритилган у мулкни қайтадан унга илтифот қилдик.

Савобандиш кўнгилда бор ниятлардан бири — Бужир ва Тироҳ атрофларидағи мустаҳкам тоғларда макон қуриб, доимо Турон йўлидаги карвонларга тажовуз қилиб турувчи, курту қумурсқалардан ҳам кўп бўлган ҳайвонсурат ва ваҳшний табиат афонларнинг танбеҳ ва адабини бериш эди, бу иш ҳам адолат тақозоси билан муносиб равишда амалга ошиди. (Уларнинг) кўпчилигига итоат ва бўйсуниш ҳалқасини ҳушёр қулоқларига илдилар ва димоғларида пасткашлик ва даҳрийлик қора нияти бўлган бу йўл тусувчи қароқчиларнинг бир гуруҳи (бўлса) тоғ ҳайбатлик филлар оёғи остида поймол бўлдилар ва кўплари илоҳий қаҳр ҳукмининг арқони билан асир олиниб сотиб юборилдилар.

Ва яна, ҳақиқатни ўз ичига олган маҳфий фикрлардан бири ахлоқи бузуқ балужларни тўғри йўлга солиш эдикни, улар доимо хавф түғдириб ва форат умидидан бўлиб ҳамда итоатдан чиқиб, Эрон саёҳатчиларининг йўлини тўсганлар ва талон-торожни «тамғо» атаб, мусулмонларнинг кўпчилигини озиқ-овқатсиз ва сармоясиз қилгандар. Бу (иш) ҳам кўнгилга хуш келадиган тартибда накшланди.

Дил маъқул кўриб кўнгил оинасида маҳфий бўлган ҳар қандай иш зуҳр пешгоҳида дил хоҳлагандан ҳам яхшироқ жилваланди. Яхши ниятлилигимизнинг баракотидан иқбол тугимизнинг Панжобда бўлишига қарамай, қирқ минг киши билан мақтанчоқлик дамини урган Султон Музаффар Гужаротий ғолиб мужоҳидларнинг саъий ҳаракати билан қўлга тушди ва у диёрнинг барча саркашлари ва бўйин товловчилари омонлик истаб итоаткорлик хирожини ўз зиммаларига олдилар. Ва ажойиб воқеалардан бири шулки, уни (Султон Музаффар Гужаротийни) хилофот остонасига келтираётган вақтда у ўз-ўзини ўлдирди. Раҳм-шафқатни ихтиёр этган хотиrimiz бирор-бир одамни ўлдириш ва (ёки) тангри бунёд этган (бирор) нарсани йўқ қилишда атрофлича ва чуқур мулоҳаза қиласди. Ва шу (фикр) ғолиб чиққан эдики, агар (уни) назар пешгоҳимизга келтирсалар у (албатта) саломат қолади.

Ва яна жанг талаб муборизларнинг ҳаракати билан машҳур Сумнот Бичунагада ва Уммон денгизининг жанубга томон кетган соҳилларида жойлашган Суратнинг бошқа вилоятлари тасарруфимиизга кирди.

Ва яна улкан Декан вилоятининг улуғи булган Низомул-
мұлкнинг биродари Бурхонулмұлк замон ҳодисаларидан бу
томуңга паноқ тортиб келган эди. У үлкадаги ҳаққоний
әзвол ҳақиқатни эшитувчи қулоғимизга етиб келгач, Бур-
хонулмұлкка зүр илтифотлар күрсатилиб, Деканни бўйсун-
диришни унга топширган эдик. Исён ва раъиятга ситам ет-
казилаётгандык хабари келгандан сунг, Мальва ва Ҳондис
вилоятларининг амирлари ҳукми олийга итоат қилиб ул ви-
лоят (Декан) ҳокимлигини Бурхонулмұлкка топшириб қай-
тиб келдилар. (Бурхонулмұлк эса) кам ҳавсалали бүлгани-
ни кишилар кайфи тобини синамай туриб, мустақилликка
нитилди. Кўрнамаклик йўлига киришга ошиқиш — ўз-узини
килишдан иборат бўлганидан, андак вақт ичидан ундан
ва фарзандларидан асар ҳам қолмади ва у диёрнинг бош-
ликлари ул силсилаға мансуб бўлган кишилардан бирини
(ҳокимиятга) кўтариб, мағурланиб кетдилар.

Иқбол юлдузи, давлат ва шон-шавкатнинг равшан кўзи
(булмиш) саодатманд фарзандимиз Султон Мурод бошчи-
лигидаги зафар асар аскаримизга (Деканга юришга) фармон
бердик, улар тангрининг қўллаб-қувватлаши билан ўзи бир
бошқа Ҳиндистон аталган ул кенг мамлакатнинг кўп қисмини
тасарруфимиз ихотасига киритдилар.

Ва яна ҳақиқатманд жангчиларимиз шарқий мамлакат-
дар чеккасидаги Дарёйи Шўрга туташган кенг Удийса
(Орисса) вилоятини бўйсундирдилар ва бир неча минг
сипоҳлари омонлик топиб, мулозимлар қатори хилофот осто-
насига келдилар.

Тангри неъматларини санаб ўтмоқ узун бир достондир.
Ул қудратли даргоҳ хотираларининг хушнудлнги учун шу
хил даражада (баён қилиш) маъқул кўринди.

Мавлоно Ҳусайнин мулозимат (яъни элчилик хизмати)
билан баҳтиёр бўлганидан кўп ўтмай салтанат ишларини
безатувчи мутасаддиларга ишорат қилинди, улар (Мав-
лоно Ҳусайнининг Ҳиндистонга кириши учун) тезда муносиб
руҳсат қилсинлар. Дебочада кўрсатилдики, шу вақтда бир-
мунча баҳти қаролар дилга маъқул тушган Қашмирда фиг-
наю фасод бошлаб, тангри ато қилган давлатга ихтилоф
ва низо кўрсатдилар. Иқбол қушинимиз эса барча яқин ки-
шилар билан бирликда айшу ишрат учун овга кетган бўлиб,
тангри қудратининг ёрдам кучи билан ибратбин кўзимиз очил-
ди ва у ғалаён ҳақида хабар топилди. (Сўнг) шамол ва ёмғир-
нинг ҳаддан ошишнга қарамай, (тезлик билан) йўлга тушдик.
Голиб гозийлар мушкул йўллардан ўтиб, бу мулкка кириш-
ларидан аввал зарурият орқасида бу нопок тўфонга тушиб
қолган баъзи саодатлик ҳақиқатмандлар фурсатни қулай би-

либ, уларнинг энг катта бошлигини бошини келтирдилар. Шавкатлик қўшинимиз яқинлашиб келган (ҳам) эдики, бу бехазон боғистонга яна ўтишга тўғри келди ва бу файзбахш гулзаминда шаклий ва маънавий лаззатлар олинди. (Шунинг учун) элчи юборишилик кечикитирилди. Хисравона туғимиз (ўша вилоятдан) қайтаётганда йўлда Мавлоно Ҳусайнин воқеасининг хабари келдики, у қорин шишиш касали билан улди (деб). (Бу хабар) афсусланишимизнинг ортишига сабаб бўлди. Бинобарин, муҳаббатни орттирувчи баъзи сўзларни буюк авлиёлар авлоди, соф зотлилар хуносаси, бу олий хона-доннинг улугларидан бўлмиш Ҳўжа Ашраф орқали айтиб юборилди, токи мунаvvар қўнгилларини барча ҳақиқий аҳволдан огоҳ қилсин ва ҳам элчи ва номалар воситаси билан таҳлил этилган ва мустаҳкамланган аҳду паймон муносабатлари аниқ бўлсин. Муҳаббат ва бирдамлик шон-шуҳратининг қудратидан умид шулки, қувончни орттирувчи хушхабарлар билан кенгил бўстонинг тозалик бағишласинлар.

ҲИНДИСТОН САФАРИ ВОҚЕАНАВИСИГА [БЕРИЛГАН] НИШОН

Меҳрибон тангри ва бечорапарвар оллоҳ кашф этилган ва зоҳирий оламнинг катта йўлидан борувчи билимдонлар ҳамда бирламчи куриниш ва мавжудотнинг чаҳордонаги бисотида юрувчилар бўлган барча инсон тоифалари аҳволининг тартиб ва интизомини «уни танлаб олганмиз» (ояти)-нинг муддаоснга кўра, бизнинг подшоҳликка равнақ берувчи раъимизга ҳавола қилди ва «ҳоҳлаганимга мулк ато қиласман» (деган) сўзига биноан, «Бўл, деди — бўлди», яъни олам кишиларининг ихтиёр жиловини бизнинг қудратли кафтилизга қўйди. Шунинг учун (ҳам) қўёш мисол пок қўнгил тақдир суратининг ойнаси ва яхши тадбирлар мажмуасининг мундарижасидирки, (у) мамлакатнинг ҳар бир улкасида (садир бўлаётган) ахборотни билиб олишда, ҳар бир мулк ва вилоятнинг автор ва авзоини англашда, воқеалардан воқиф ва ҳар жиҳатдан қонуншунос бўлишиликда, умум ва жузвий сирларнинг барча кайфиятидан хабар тошишликда ва (мамлакатимизнинг) ҳар бир чегарасини айланиб чиқишиликда равшанлик кўрсатади; мерос мамлакат ва бошқа (улка)лар хусусида жуда кўп тиришқоқлик ва саъни ҳаракат қилади. Жаҳонбонлик лавозимининг даврларидан ва мулкдорлик ҳамда посбонлик маросимининг улуғларидан бўлган бу машҳур ҳислатларнинг юз бериши зўр уриниш ва санъат билан турмушига татбиқ қилинади.

«Айт, сайр қилинглар ерда, бу — файзликдир» нинг мисолига кура, бу иш (сайр қилиш) нинг истаги оқиллик, рамз-

шүнослик ва ҳаққонийликни тажриба ва имтиҳонинг энг южори босқичига кўтарувчи, салтанат сирларидан бохабардорлардан бирининг кўнглида жилва берди ва (унинг) савоб идишалик фикрига тушди. Бинобарин, покзотлик Хўжа Абдураҳимга кўпдан-кўп илтифотлар қилиниб, уни элчи-зарга нисбатан илиқлик (ва) ёқимли ирода билан Ҳиндистон) сафарининг воқеанавислик хизматига сарфroz Қилдики, Хўжа Абдураҳим (чегарадан) ўтишдан ва ишга тушишдаи бошлаб то бу хизматнинг ажномига ва охирига ҳадар ҳар мулк ва ҳар ерда рўй берган турли воқеаларнинг ҳаммасини оққа тушириб баён қилиб, ҳар куни олий тахт пояснинг арзига етказади ва шубҳасизки, (буни) тўхтатиш ва (унга) хилофлик қилиш (олий) остонага бош қўювчи-ларга дод туширишдан хабар беради.

МАЗҚУР ХОЖИ-УЛ-ХУРРАМАИН, ЖАННАТ ОШЕН ҲОҚОН (АБДУЛАЗИЗХОН)НИНГ ҲИНДИСТОН ПОДШОҲИ ШОҲ ЖАҲОНГА БИТГАН ОЧИҚ – ОШКОРА МАКТУБИ

Подшоҳи олий, (тожу тахтни) мислсиз ва мисолсиз бешатувчи, умид ниҳоли, иқбол ва шону шавкат шажараси, олий мақом, олий даражали, иззат ва саодат эгаси, шавкат ва ҳашамат мадори, оталик ва меҳрибонликнинг серҳосили, юксаклик ва ҳаққониятни орият қилган, мамлакатлар шаҳриёларининг соҳиби виқори, қудрат жанг майдонидаги қаҳрамон шиъор, кўрагоний тахтининг садороси, соҳибқиронлик илмини ривожлантирувчи хисрав, дину давлат туғини баланд кўтарувчӣ, мулку миллат юзини ёритувчи, «маликул наср» (оллоҳ) нинг армуғони билан кувват топған, тангри бандаларининг равнақи [бўлмиш ул жаноб]ни (тангри) омонлик ва умид боғида бахтсиз тус-туплонлар ва кўнгилсиз ёмон кўзлардан арасин ва сақласин ва (оллоҳ) олий садоқат ва бахтиёрликнинг ҳамда ўзаро мувофиқликнинг ҳимоясини то қиёмат қойимга қадар [унинг пешонасига] битган бўлсин. (Чунки, садоқат ва мувофиқлик) оллоҳ амрига таъзимнинг шартлариданdir ва тангри яратганларга нисбатан шафқат фақат шундагина ўз ифодасини топади.

Шундан сўнг, маҳфий қолмасинки, илгари утган бузруг авлод-аждодлар замонида ўргада ошнолик муносабатлари ва якжиҳатлик алоқалари жорий бўлган ва тартиб топган экан, (энди) ҳоҳиш шулки, шу замонда ҳам ўтмишдаги ўша муносабатларга ўхшаб ўзаро элчи ва мактублар юбориш арқарор бўлса ва кучайса. Илгари юз берган воқеалар (яни) Фалончининг ёмон қилмиши ҳанузгача бу маънига ўстликка) монеъ бўлиб қолмоқда.

Ушбу тинч—осоишиша замонда эшилдилики, шамол топиш орқасида шариф вужудларида касаллик рўй берибди. Агар (бу) ҳақиқат бўлса соф ва тозаликнинг мунааввар нурлари жилоланиб, биз жанобларининг саломатликлари яхшила-нишини истовчимиш ва (шуни) қидирамиз. Тинч—омон ва фаришта эҳтиромликларини эшитишдан бағоят хурсанд бу-линади. Шунинг учун элчимиз саломатликларининг хаба-ри(ни билиш) юзасидан шод-хуррамга тўлиб-тошган ҳузур-ларига равона бўлди.

Э, оталик дастгоҳ жаноб! Фалончининг ёмон хулқи мусулмонлар орасида бир қанча гуруҳнинг пароканда бўлиб кетишига сабаб бўлди. Ўл жанобнинг шариф раъйларига маълумдирки, номувофиқ ишлар ҳамда номатлуб кирди-корлар амалга ошмадимикан? Аввалан мартаба ўзининг абадий оромгоҳдаги мағрифатпаноҳ, шавкатлик отасига нега шунчалик беҳурматликлар қилди? Иккинчидан, унинг катта биродаригина эмас, балки аҳволи юзасидан унга оталик ҳуқуқида эканлигимизни бир қанча мартаба ва кўплаб исбот қилган бўлсак ҳамки, бизнинг ходимимиз [бўла туриб] барча бизга қарши ҳаромнамакларнинг иғвоси билан қандай густоҳликларни зоҳир қилмадикан? Шунинг билан бирга, шариф ҳузурларига ҳадя ва (бошқа) қимматбаҳо ёдгорлик-лардан иборат бир қанча бор юборилган буюмларни йўлда талаб, шу тариқа, хусумат ва номаъқул ишлар қилди.

Маҳфий қолмасинки, агар кишининг табиати ва табъи яхши феъл-атвор билан қоришимаса, унинг хамири нотўғри [йўлдан борувчи] хулқ билан таркиб топади. Унинг аъмолларининг қасоси ва қилмишларининг жазоси юзасидан ту-банликда қандай муомала ва бу хил (ёмон) қилмишга қан-дай фикр сазовор?

Бошқа аҳвол [ва гаплар] элчининг зиммасидадир.

Дўстлик даврининг мұътабар саҳифалари бирлик расми-нинг ҳали билан ва самимиятликнинг зари билан ҳаллансин ва жилолансин. Пайғамбар ва унинг шавкатлик оиласи ҳақи, вассалом.

ЖАННАТ МАКОН, АБАДИЙ ОРОМГОҲДАГИ ҲАЗРАТ САИИД АБДУЛАЗИЗ МУҲАММАД БАҲОДИРХОННИНГ ШОҲ АВРАНГЗЕБГА ХИНД(ИСТОН) ТАХТИГА УТИРИШИНИ ҚУТЛАШ ЮЗАСИДАН ЕЗГАН МАКТУБИ

[Аврангзеб] таҳтда ўлтирган хисрав, осмон каби юксак саройнинг қувончи, фалакнинг тўртинчи чаҳор болишида¹³

¹³ Фалакнинг тўртинчи чаҳор болиши ибораси «чаҳордонак» термини-нинг синоними сифатида ишлатилган, яъни Ҳиндистон демакдир.

жончорлик ҳоқон, замон ва заминнинг қувончи, яратган олам кўринишининг обод гулшани, ихтиро ва жончорлик ҳоқон юрувчиларининг жавлонгоҳи булиб, ёруғ нури, халқларининг умид силсиласининг пайваesta зўйиниди ва олам аҳволи шизомининг бошқарувчисидир. Ҳамиша ҳайру эҳсоннинг ёруғ нури, илтифотпаноҳ, шурӯрлик ва муҳаббат дастгоҳи, дўстлик ва ҳамжиҳатлик оғоҳи, фармонраволик майдонида таҳтда ўтирувчи, шонкушолик бисотида олий макони, мулку миллат асосини мустаҳкамловчи, давлат ва дин пойдеворини қурувчи, ирова масалаларининг тӯғроси, фатху зафар муқаддимаси, подшоҳлик тожига фатх баҳш этувчи, шаҳаншоҳлик кулоҳига майнат берувчи, кўрагоний байробини ўрнатувчи, соҳибқириклик оятларини ижод этувчи, дин ва миллат ёруғ тонгичнинг (ва) осийлик ҳамда душманлик жаҳолатини барбод этишини далили бўлган юксаклик ва ҳашамат, буюклик ва илтифот, иқбол ва шон-шуҳрат учун тайин қилинган бўлсин (ва) адолат ва ҳақиқат маконига равнақ берувчи ҳамда бирдамлик ва илтифоқнинг кўрки бўлсин.

Мунаввар кўнгилларига маҳфий қолмасинким, барқарорлик ва яқдиллик расми заковотликлар наздида дўстлик онисининг жавҳаридир, ҳамда қадршуносларнинг мамлакатлараро маънавий дўстлиги ва аҳиллиги — вафо ва улуғлик учун қиймати бебаҳо бир матодир. Бу нарса боқий маслаги (яъни ислом) даги қарам йўлидан борувчиларнинг (асосий) пўли ҳамда соғ ва тоза суфа (яъни таҳт)да ўтирувчилар (қўлидаги) қурол булиб, бунинг асл маъносини тушуниб етиш — тангри ато қилган марҳаматларидан бўлади.

Ҳақиқатан ҳам ўртадаги самимий муҳаббат ва маънавий ҳамда руҳий сўзлашув бўлмиш мактуб ва хабарлар орқали қилинган маълумотларга бирдамлик ва ҳамжиҳатлик биносининг асосини мустаҳкамлашдир, деб ном берсалар.

Шу кунлари эшитилдики, хилофатнинг оламни ёритувчи офтоби шаҳриёрикнинг шарафи буржидан ул Мусаффо саболик комронлик чаманининг иқбол пешонасини ярқиратган ва илоҳий иноятнинг барқ урган нурлари саропарда (осмон гумбази) орқасидан кўрагоний авлодининг айни узбосининг улуғ жабҳасига толи ва ёғду сочган. Яратилишдан бошлаб одамзодга қатъий тегишли бўлган жисмоний таносиб ва руҳий яқинликка кўра, ошнолик маросими ва дўстлик қондасини улуғлаш ва янгилаш орзуси бундан аввал (ҳам) хотиримизда бор эди. Шу пайтда (бу) хушхабар

ҳақидаги янги маълумотлардан ва кўпдан-кўп (бошқа) хабарлардан қувонч устига қувонч қўшилиб, хурсандчилик хад-ҳисобсиз ортди. Ана шу он халоиққа инъом этилганларнинг ҳимояси ва халқлар шоду хуррамлигининг қороли бўлмиш баҳтиёр таҳтга ўлтиришликни табриклиш юзасидан бу мамлакатнинг қўзга кўринган акобирларидан бўлган саодатпаноҳ, тақводор, авлиёлар сулоласидан, азиزلар зотидан бўлган, баҳтиёр оқибатлик Хўжа Аҳмад ал Ҳусайнин Нақшбандийни фаровон сарварлик ҳузурларига юбордик, токи, жаннатдек ҳашаматлик манзилга етиб боргач, номи зикр қилинган хўжа барча айтилган сўзларни (бирма-бир) баён қилур. Умид шулки, доимо шу тартибда бирдамликнинг зўр ифодаси бўлган мактуб ва элчилар юбориб туришда саъни — ҳаракат қилиб, бирлик ва ҳамжиҳатлик қонун-қондасига муҳаббат ва дўстлик асосининг инъикоси билан имтиёз ва маҳсус муносабат баҳш этсалар. Ҳаққи субхоний таоло эҳсонлик аждодларнинг у покизасининг давлатиии ҳамиша барқарор ва мустаҳкам қилиб, (ўзини) фитнанинг макридан ва фирибгарликнинг алдовидан асрасин ва сақласин, пок парвардигор ҳақи.

ҲИНДИСТОН ПОДШОҲИ [АВРАНГЗЕБ]НИНГ БИР ҚАНЧА ЖОНИВОР ЮБОРИЛГАНИ САБАБЛИ [АБДУЛАЗИЗХОНГА] ЖАВОБ НОМАСИ

Дўстлик ва содиқликнинг анбарбўй сабоси ҳамда бирлик ва мувофиқлик шамолининг хуш иси ошнолик ерига атр сепувчи ва иттифоқлик мажлисининг ажойиб нақши бўлганидан ҳамиша айшу ҳузур асосли ва доимо хурсандчилик ва завқ айёмли, баланд манзиллик, юқори мартабалик, олий мақом, шавкат ва ҳашаматпаноҳ, салтанат ва азamat дастгоҳ, бойлик ва фаровонликни зиёда этувчи, дўстликни ва муҳаббатни уйғотовувчи, адолат ва шавкатлик хонадоннинг сараси, шиҷоат ва иқбол оиласининг айни муносиби, садоқатназар, иззатасос, зийракравиш, адолатшунос (у жаноб) доим баҳтнинг мушки анбар таратишидан ва иқболнинг атрабўй тарқатишидан ажойиб эрам (боғи) ва жаннат мисол бўлсинлар!

(Эй) иқбол эгаси! Бир қанча тезучар обгоз лочинлари совға расми билан юборилган экан, улар кўп таълим ва тарбиядан сўнг яхши учадиган ва яхши равишлик бўлдилар. Яратганинг хизматларидан ва халоиқининг муҳим ишларидан хотиржам бўлингач, марҳаматлик хотир учун ҳаёт белгилаб қўйган тузоқдан озод бўлиш йўлида ширкор машгулотидан бошқа (бирор-бир) дурусткроқ баҳона ва са-

баб йўқдир. Умид шуки, бу сафар ҳам бир қанча яхши, тез-
учар обгоз лочинларидан, уларнинг битта ургочи жўраси
 билан (...) юборилса. (Бу) албатта, (ўзаро) алоқаларнинг
кучайиши ва дўстлик асосининг мустаҳкамланишига сабаб
бўларди.

Юборилган түяқуш танҳолик юкини тортишдан бир лаҳ-
за ҳам фарофат кўрмаётир. Шунингдек, бошқа турлича қуш-
лар ҳам бу қаламунликни бошдан кечириб, жураларидан
яккаланган ҳолда ғариблик қафасида танҳо қилингандир-
лар. Агар буларнинг ҳаммасига ёр ва ғамгузорларидан
юборсалар (бу иш) муҳаббатдан холи бўлмас эди. Йқбол
ложини тузокда бўлсин, мурод ови мақсадга етсин!

[АБДУЛАЗИЗХОННИНГ] ҲИНДИСТОН ВИЛОЯТИ ПОДШОҲИГА ЕЗГАН МАҚТУБЛАРИДАН БИРИ

Дўстлик баҳористонининг тозалиги ва муҳаббат бўстони-
нинг равнақи йўлида лаб ошнолик шодлигининг кулкиси
Силан ғунча бўлсин ҳамда қулоқ ошнолик ҳарфларининг
ҳаммасини эшитсин! Осойишталик гулшани, соғ-саломатлик
чамани, олий даражали, мубораксифат, мақтовга лойиқ, ша-
рофат осмонининг офтоби, латофат конининг гавҳари, сал-
танат ва қудратнинг доимий баҳори, буюклиқ ва эҳсон ба-
ҳорининг гулзори, баланд мартабалик, илтифотни билувчи,
дўстлик ва бирликнинг хос гавҳари, иттифоқлик ва ҳамдам-
ликнинг танилган жавҳари, иззат ва комрон оиласининг ёд-
гори, хилофат ва соҳибқиронлик хонадонининг сараси, маъ-
рифат ва ошнолик қоидаларини янгидан тикловчи, самимий
муносабатлар ва яқдилликка ривож бағишловчи, улуғлик ва
шуҳрат оламига файз берувчи қуёш, иззат ва иқбол ерига
нур таратувчи чироф, саодат ва илтифот, муҳаббат ва бир-
лик, марҳамат ва камол манбай (бўлмиш у жаноб) — доимо
саломатлик оғушида ва амният даврининг кифтида бўлиб,
уруш-жанжал оғатидан ва оғат тўс-тўпалонидан (умуман)
улар гирдобидан узоқ бўлсин ва бу воқеаларнинг бадбин
томушасини кўриш (асло унга) насиб бўлмасин! Ҳамиша
барча мурод қабул шабодасининг эсчишидан очилиб, айёмин-
гиз яхлаб қолмасин.

Ва фаросатли порлоқ диллари ва зийрак хотираларига
очиқ-оидин ва равshan бўлсинки, тангрининг марҳамати ва
(оллоҳнинг) зўр илтифоти билан ўртадаги дўстлик ва ош-
ноликнинг сарриштаси қадимий муносабатлар ва табиий пай-
вандлик эътибори нуқтаи назаридан дил ва жон оламида
интизом ва мустаҳкамлик топган экан, ҳозирги даврда ва

қўришиб турған замонда ҳам мунтазам бўлади, (бу) вуқ-
сонсиздир.

Дўстликнинг гулзори бўлган мувофиқлик риояси ва ул-
фатлик ҳимоясининг воситаси билан Ироқ ва Хуросон мам-
лакатлари устига юришини ва дини қаъбаси томон борувчи-
лар йўлида тикан ҳамда «тариқи яқин» йўлидан ўтувчилар-
га гов бўлган бадбаҳт шина асосларини туб-томири билан
қўпориб ва емириб ташлашликни кўнгилда қарор қўйдик
ва ҳар нарсаини, бу сафарга лозим ва ниманки бу маслаҳат-
га керак бўлса, унинг истеъодиди ҳозирлиги ва тайёрлигига
истеъод кўрсатдик. Иттифоқлик ҳукми билан у қавм шиори-
нинг губорини динининг ҳиммат этаги четидан, албатта, қоқиб
ташлаймиз ва давр рўзномаси саҳифаларини бу бадном
гуруҳларнинг номидан тозалаймиз. Шояд, тангри бандалари
Қаъбани (зиёрат қилиш) истагига мақсад қомини ком кўн-
гилларига жо қилиб, осуда ҳолда талаб йўллари томони йўл
олурлар. Айнан шу вақтда абадий давлатлик хонадон та-
рафидаи бизга ишбатан ҳайриҳоҳлик асари қўринмади.
Балким у олий мақом ходимларига вақтнинг монеълиги ва
(шуидай) замон ходисалари юзага келгандирким, (шу са-
бабли) бу инят юзасидан азимат этакларини тортган-торт-
маганликлари, хусусан, маълум бўлмай қолди. Вақтики,
огоҳлик ва идрок важҳидан ҳол-аҳвол кайфияти ва муҳим
сирлар (баёни) билан мактуб ва элчилар юбориш расм-
қондаси хаёл қилинса, буни межозий эътиқод ва ривож то-
паётган диёнат воситаси билан амалга оширмоқ лозим.

Хозирда улуғ тангри марҳаматидан ҳинд иқлими чўл-
ларининг сатҳида баҳтиёр оқибатлик ул (жаноб) вужуди-
нинг зиёси билан субҳ файзлик давлат ишайдо бўлди ва оли-
мақом (ва) олий даражот ул баҳтиёрнинг ҳимоя ва адолат
офтоби (ўз) қарамаглашидан у диёр рўзгорига нур соч-
ган: у субҳи давлатнинг шабистон оғушидан шу хилда рав-
нақ юзага келди ва ул навқирон мамлакатнинг гулистон
фазосидан (асло) бу хилдаги роғтатъблик кутарилмайди.
Мавжуд ошноликка қарамай, илоҳим, бегоналар ошнолик
ҳарфига ошно бўлмасин; мазҳаб дурданаларига туҳмат
этувчилар ва миллат сирларини ошкор қилувчилар сирлар
соҳиби бўлмасин.

Ул хонадоннинг юборган кишиси Мустафохондан, гарчи
хушмуомалалик ва меҳрибонлик зоҳир бўлса ҳам, масала
пинхонлигича қолди. Мувофиқлик гулинининг хушбўй иси бўл-
маса ва миллат тарафига ҳиммат юзини қаратмаса (бу) ти-
ни куфрони неъматларга очинига үхшаб қолади. Етқизи-
лиши лозим бўлган ҳар бир нарса дўстликнинг муҳим
аҳамиятилини ҳамда мазҳаб ва миллатнинг тоза яхши-

запини зарурлигидандыр. Ақлу фаросатнинг чироги ва амну саломатликкниң нури билан исломшиорлык ва дүйнегасарлык томонлар ўртасындағы дүстлик ва самимий муносабатта хизмат қилиб, меҳрибонлык ва бирлік әшигини көнг очади. Бу маъниининг неботига амирлик паноҳы, вилоятдастгоҳ, жасорат әгаси, давлат(имиз)нинг азизи Тоҳирхон ва покиза, катта ҳурматта лойиқ, иззатлик ва мұкаррам, миллат(имиз)нинг шарафи Обидхон енгариштар кафил бұладилар. Шубҳасиз, булардан бири әлчиликтар расмита тайин қилиниб, самимият қадами билан ихлос йүлнин босиб ўтган вақтда ошнолик тариқи ва садоқат равиши билан меҳрибонлык даражасини бажо келтирадилар. Ва бу навқирон ошнолик военитаси билан мұхаббат қийициликларининг ҳал бұлиши юзага чиқиб, дүстлик асоси агадий ва мустаҳкам бұлади.

ҲАЗРАТ ҲАЛОФОТПАНОХ [СУБХОНҚУЛИХОНННИҢ] АСЛЗОТ САИИДНАСЛ МИР АБДУРАҲМОН ҲҰЖА САДР ЭЛЧИЛИГИ ЮЗАСИДАН ҲИНДИСТОН ШОҲИГА ЕЗГАН НОМАСИ

«Ҳазрати Фаттоҳ ва гойиблар калиди фақат унда бор, буни ҳеч кимса билмайди, магар шу ҳазратдан бошқа». Саҳий кашіф әгаси (яъни худо) дил хонасидан иборат бұлмиш балаңд бинолик маъмурхонани барча нағ инсонларга бир хиљда кашф этди. «Оллоҳ кимнинг күнглини ислом йўлига шарҳ этса, у раббий томонидан мунаvvар этилади»шинг далилига асосан агадий армугон (яъни дунё) муваффакиятларига лозим калилдар билан ҳар нафас янги-янги фатҳлар баҳш этади ҳамда олам устуни бұлмиш барча инсонларнинг «қувонч саройи» — күнгил манзилига «қүнгилни (исломга) оч ва ишга осонлук бер»нинг ёруғ чироги билан ва заволсиз (тангри) файзларининг фатҳи билан ҳар вақт ҳисобсиз зиёлар баҳш этади.

Шижаатдастгоҳ, хилофат ва құдрат тахтида үлтирувчи, шұхрат ва улуглик майдонининг арслони, хоқонликнинг құдратлы хонадонининг пойдевори, күрагонилик ҳурматига лойиқ онланинг поки, подиохлик нурларининг матлағы, шашаншоҳлик фалакининг ёруғ юлдузи, адлу эхсон аносирлары мажмуъининг шатижаси, эмину омонлик гавҳарлари бирикмасининг хулоасаси, осмон тахтининг қуёш байроғи, илмда Искандардек ва Дородек жангчи, олдиндан күриш күз қорачигининг нури, жаннат богининиг равшани, саодатмандликнинг балаңд тожи ва шараф ва иқбол буржининг саодат юлдузи, илтифот, балаңд даражалик ва олийлик осмони қүёшининг олий күнгил назари ва хотир кошонаси ҳар бир хона ва ошён тузогида бұлмиш давр ва замон оғати-

нинг ва турмушга лозим бўлган кулфат ва қудуратиниг бало губоридан мусаффо ва ҳоли бўлсин!

Тангрига шукр ва (уилан) миннатдормизки, бизнинг кутлуғ соат вақт жараёнимиз ва саодатанижом кечакундузимишнинг ўтиб бораётгани вақти олий даражали хазрат (худо) ва бахтиёрлар қозисига тоат ва ибодат қилишдан сунг, шариф шариат байрогининг ривожи йулига, бахтиёр миллат ҳокимларининг интизоми, дин уламолари ва билим фузалоларининг тарбияти, буюк амирлар ва қобилиятли вазирлар мартабаларининг тартиби, (душман)лашкарларини барбод қилувчи, мардонавор ва лашкаршикан курашувчиларнинг қурол-асбобини яхшилаш, тақдирни оллоҳ қадри юзасидан барча раъиятлар руоясини қилиш йулига сарф қилинади.

Ҳадялар юборилгач, жон жаҳонининг равзасидан анбар исларни таратиб эсувчи шаббода оқиллик ва ақл думоғини хушбўй ис билан муаттар қиласиди.

Савобнома раъиятимиз меҳр жилолик қилмоқдаки, «кун факона» («Бўл деди, бўлди», яъни дунё) дўконида ундан ҳам қийматлироқ гавҳар бўлолмайдиган меҳру муҳаббат тартиблик мактублар, иттифоқ ва бирдамликни барқарор қилишга чакиравчи алоқалар бир қанча марта ва бир неча бор ўтган элчиликларда ёзган эдик. Бу неъмати зиёда давлатнинг ақидаси (раъи) шундайким, «Биз улар ризқини ўрталарида тақсимлаб қўйғанмиз» (ояти)нинг моҳияти ва хусусияти билан буюк аждод ва ҳурматлик ота-боболарнинг — оллоҳ уларнинг ётган жойларини дорус-салом қилишин — улуғ суннат ва яхши тартиби йулидан боришдир, (ва) хотиримиз бу (йул)ни мустаҳкамлаш ва сақлаб қолишга ўзининг тамом эътиборини қаратгапки, албатта, қадимги дастурга биноан ҳар иккала томондан мактуб ва элчилар юбориш воқе бўлади. Мактублар ва элчилар хабарларининг зўр нафъи ва катта лутфи соглиқ ва тинчликдирки, (бошқа) ҳеч қандай иш ундан маъқулроқ эмасдир. Тангрининг инояти билан қўлда бўлган ҳар қандай бойлик шоду ҳуррамлик масаласида лозим бўлади, ҳамжиҳатлик ва иттифоқлик оламида уни изҳор қилиш зарур кўринади, чунки мамлакат ва ўлкаларни бўйсундириш ҳар иккала томоннинг шоду ҳуррамлиги сабабли ва ходимлар (кўз қорачиги)ни асраш ҳамда томонларнинг хотирини (икки ўртада) ёйиш туфайли бўлади.

[Юқорида айтилган] сўзларнинг тасдиғи [мана будир]: мана шу бир қанча йил мобайнида олий қаламравнинг энг катта қалъаси, валий ва набийлар мақбарами, шаҳид ва солихлар қабрларининг эътиборлиги билан ва хусусан, комкор подшоҳлар ва қудратли номдорларнинг мангалиги ва

тупротининг воситаси билан, улар қабри тинч ва мунааввар бўлсин — кўп шаҳарлардан файзлик (тангри) ҳимоясидаги фирдавс монанд Самарқанд шаҳрида тақдирга кўра, барча нопок фасод (аҳли ва баҳти қаро қорагуруҳлар томонидан муҳтарам «ҳарам»¹⁴ (ман қилиш) эҳтироми юзасидан ўз қилмишларидан қайтмай хонага кириб, (уни) оёқ ости қилишдек кўнгилсиз воқеа солир бўлган эди, мамлакатларни фатҳ этиш йўлидаги олий неъмат ҳиммат(имиз) ва мулкороликни сақлашни лозим деб билган ният(имиз) унинг (Самарқанднинг) фатҳ қилишиликка тамоман қаратилди (ва) сарф қилинди. Тангрига шукурки, «Биз сенга фатҳ бердик, у — муайн фатҳдир; биз сенга ёрдам қилдик, у — мўътабар ёрдамдир» (деган) оятининг тақозоси билан (Самарқанд) яхши чеҳра билан фатҳ қилинди, фисқу фасодни бунёд этган кишилар бу пок улкадан бутунлай қувилдилар ва туб-томирлари билан юлиб ташландилар.

Одоблик ва тўғрилик билан бу хушхабарни ўзгаликка мойил бўлмаган ул мустаҳкам огоҳ, улуғ даргоҳга етказиши важҳидан пок ва сайидлар дастгоҳи, саодат ва тўғрилик огоҳи, зийрак дўст, ҳаёти ва насаби зебу зийнат билан безалган, ота-боболаридан тортиб бу вилоят аҳлиниң иззатхурматига етишган (ва) ўзи назар(имиз)га ҳаммадан кўра мақбул бўлган Мир Абдураҳмон Хўжа Садрни элчилик расми билан юбордик.

(У) ҳумоюн кўриниш билан саодат топгач, ишончимиз комилки, шоҳларга хос бўлган серилтифот ва бировнинг қадрига етишлиқ юзасидан бошқа сафир ва элчилардан (кўра) унга имтиёз кўрсатсалар, токи, (бу имтиёз) подшоҳликнинг эҳсон боғи гунчасининг ҳамда шаҳаншоҳлик илтифот сабосининг эсишиндан кўнгилнинг гул-гул очилиши бўлсин.

Ва ул тарафдан ҳам элчи ва мактублар кўплаб юборилсанки, бу ишончимиз ва ҳамжиҳатлигимизнинг боиси бўлсин. Давлат айёмлари муродига етсин.

ҲАЗРАТ СУБХОНҚУЛИХОННИНГ ҲИНДИСТОН ВОЛИИСИГА ЕЗГАН МАКТУБИННИНГ НУСХАСИ

Подшоҳни мақташ мактубларнинг зийнатидирки, саҳифалар ва элчиларнинг эътибори шон-шавкат эгаси бўлган шаҳриёрларга қаратилгандир. Унинг мақташга арзийдиган

¹⁴ Ҳарам — ман қилиш; Маккада зиёратгоҳ ерга яқинлашишга матьум масофа колганд «ҳарам» (ман) — ҳеч бир нарса, ҳатто пашишага ҳам озёр берниш ман қилинади. Бу ерда авлиё ва подшоҳлар қабри маржуд бўлгани сабабли Самарқанд шаҳри Маккага ташбиш этилмоқда.

донишмандлиги ва мактубларни безаши (ҳазрат) рисолат-пеноҳ (Муҳаммад пайғамбар)ни мадҳ қилиш билан (белгиланади)ки, муносиб ўринлилк ва құдратлы халифалар учун мактублар ва әлчилар иктиёри (ундан) қолғандир. «Ўнинг улуғ суннати билан! Алхамдилиллоҳки, у үз расулини ҳидоят пўли билан юборди ва Муҳаммадга ва ҳидоят пўлини тутган унинг авлоди ва судбатдошларига дуо ва саломлар бўлсин!»

Аммо, сўнгра уларнинг оқил раъи шаҳриёрлик бурж юлдузининг раҳнамоси, номдорлилик дуржининг гавҳари, салтанат таҳтининг зеби зиннати, ҳашамат маснадининг безаги, подшоҳлик нурларининг матлаъи, зиллиллоҳлик сирларининг хазинаси, иқбол ва улуғлик жойининг ҳусни, улуғворлик ва буюклик саройи тўрисининг кўрки, хилофат мартабалик, адолат хислатлик, Қайвон даражалик. Муштарий манзиллик, жасурлик ва шиҷоатнинг тўплами, буюклик ва улугликка шуҳрат берувчи ул олий илтифотликка сўз шулки, камоли бирдамлик тўғрисида баён қилувчи ва самимий ҳамжиҳатликдан хабар берувчи ажойиб мұҳабbat услуг мактубингиз шарифлик соатлар ва баҳтиёр онларда иқболан етиб келиб, марҳаматлик ота-боболар давридан то шу вақтгача муттасил давом этиб келаётган қадимий алоқалар ва самимий муносабатларни мустаҳкамлади ҳамда (уларга) событлик баҳш этди. Мазмунидан тўла галабалар англашилган бу ҳиссиётдан янги-янги вилоятларнинг бўйсундирилганлиги ва кўпдан-кўп мамлакатларнинг олинганлиги очиқ-ошкора бўлиб, тамом шодлик ва сўзлаб булмайдиган қувонч (ҳосил) бўлди. Шунингдек, равshan бўлдики, аксарий калтабинлар итоат ва бўйсуниш бўйинбогидан бош тортиб (ва) «Сенинг аҳлингдан эмас» (деган) маслак йўлини тутиб олганлар. Шубҳа йўкки, бу аҳволнинг оқибати ва жазоси хаёл макридан қутула олади, чунончи, уларнинг рўзгорида дарҳол тартиб топган ҳулоса осойишталик билан тўлибтошган шод-хуррамликтан узоқ ва олислаштирилиб, (улар) гурбат ғамига гирифтор бўлиб қолганлар (ва) то ҳанузгача бу дори (қалампир)нинг оғатларидан мукофотлар кўрмокдалар.

Ҳозирги вақтда ўртамиизда камолат даражада бўлган ҳалқлар муносабати ва доимий мувофиқликка назар ташланса. Бу ерларда ҳар жиҳатдан рўй берган воқеалар (шулардан) иборатки, вақтики бу тангри даргоҳидаги ниёзманд фахрланишга лойиқ хилофат пойтакти (булмиш) Бухоро ва Мовароунаҳрга қарашли бошқа ерлар хилофатига муюссар бўлгац, қуббатул ислом Балх вилоятида Абдулмансур майдонга чиқиб, бир қанча кун давомида юэзизларча ғавго ва

фитна ғуборини сочди. Бу бесаодат кўп ҳосил дарахтининг мевасидан тотий олмагандан сунг, унинг ўрнини Сиддиқ эгаллаб баъзи калтабин ва кўтоҳ андишаларнинг раҳнамолиги билан ақлсизлик ваadolатсизлик расмини ўзига муносиб билди (ва) зулм ва бедодлик қоидасини илгари сурди. Шу йўсинда ул вилоятнинг халқи кун сайн ўзларининг ожиз ва ниёз юзларини мазлумларга навозишлар кўрсатувчи бу (олий) даргоҳга қаратиб, фарёдимизга етинг, деб талаб қилдилар ҳамда (бу ҳақда бизга) насиҳатомуз ва маслаҳат сўзлари етиб келиб тургани сабабли ғафлат пахтасини кулоққа пардапуш қилиб (бу талабни бажаришдан) асло бўйин товланмади ва ул хайрли жойга юриш қасди муруватли дилимиздан жой олди. Аммо, шу аснода бетсизлик даштидаги саргашта Ануша Хоразмий мерос мамлакат (имиз) худудларининг яқинида пайдо бўлиб, саҳрова истиқомат қилувчилар ва чўлни ватан тутганлар ўртасида паришонлик бўлишига сабабчи бўлган эди. Бу қора ниятликни даф этиш ва унинг адабини бериб қўйишиликни зарурликдан энг муҳим ва лозим (иш) деб билиб, осмондек (кatta) лашкар билан у тўполончи ақлсиз пода устига ташландик. Лашкарнинг муқаддимасида туриб (душман) сафларини бузиб юборадирган баҳодирлар ва мардликнинг додини берадиган жангчилар гуруҳи олий амрга биноан, у тоифа устидан устун келиб, биринчи ҳамладаёқ барча сон-саноқсиз ва жамий беҳисоб кишиларни яшин тезлигида алангланувчи тифнинг ёвуз сувидан ўтқазиб дўзоҳ қароргоҳи томон жўнатдилар; (душманнинг) қолган сафлар(и) эса олдинмакетин қочишини ихтиёр қилиб, (ва) фисқу фасод билан лиқ тўла каллалар учун айни оқибат бўлмиш йўлдан бориб бадарга кетдилар.

Шу он мунавар кўнгилда жойлашган мазкур қуббатул ислом томон йўлга тушилди. У баланд, қўрқинчли қалъанинг атрофига осмон ҳашаматли чодир ўрнатилганда Сиддиқ ва унинг тарафдорлари саросимага тушиб, қалъадорлик қуролини ва одобда устиворликни ўз омонликларининг гарави деб билиб, ўқ ва тўплар рамзи устида кўп ўйламай ва фурсатни кечиктирмаи фақирона таважжуҳ билан асир тушдилар. Улар хусусида нимаики муқаррар бўлса, қарор топди. Хотир(имиз) ул вилоят ишларидан хотиржам бўлгандан сўнг қайтмоқ — мақтовга сазовордир (мақоли)нинг мазмунига кўра, чексиз иноятимиз Турон томон илтифот этди, иқбол ва улуғлик маркази (бўлмиш Бухоро)га қайтилди.

Аммо, гумроҳликни ўзига кашф қилган Ануша ўша вактда ҳумоюн қўшиннинг Балх худуди томон кетганини эшишибоқ баъзи лаънати малъунлар ҳамроҳлигига ва Хўжақули

сингари шайтонбачча биродарларининг шахсий ифбоси билан фурратни ганимат деб ҳисоблаб, Бухоро томон юзланган эди. Эшитилган воқеалар кайфиятида жуда паришонлик ва тушкунлик содир булдиккі, (лекин) шу хил ғамгинлик ва тушкунликда ҳам ўзбилармөнлик билан қатъйи ҳаракат қилинди. Күпбор ислом лашкарлари шамшириининг дамидан ұлым қонини ютган хоразмлиklär тангдил ва кам-хафсала бұлган эдилар. (Хозирда) улар бундан күз юмиб, ёшу қарилари..(?) Оқибатда бу чексиз раҳматларга мунтазир учун тангрининг иноят назари айнан шундай булдиккі, уннинг курдат бармоги ғазаб милини ул оғиятбинларининг күзінга тортды; уларни зоҳиран кучли, аслида эса күр ва нобино қилиб қуиди.

Шу вақтгача хоразмлиklär жогирнишинлик (яъни вассал) йұлида шундай интизомга әгадирлар ва уларнинг умрлари доимо саркашлиқ қоронғуси ва гумроқлық залолатида үтган. Ва ул қаро юзли деб аталғанлар марди-майдонлар қылышларининг ярқираши билан күркокларча, бошларини йүқлик томон буриб (ва) йүқлик сарманзили томон қўйиб жаҳаннам қаърида муқим булдилар. Шунингдек, қозоқларининг тамом улуси иқомат йұлида ва истиқомат ёстуғида муқим ва мустақим булиб, Даشت Қипчоқ чегарасини қуриқлашга буюрилғандирлар.

Ва қалмоқ қабиласининг сардори бұлмиш Абука күп қулоқ бурашлар ва ҳад-хисобсиз танбекхлардан сұңг барча күчманчилар ва қабилалар билан биргаликда бошини итоат буйинбоғига тиқиб, доимо хизмат қилиш йұлиға ва бандалик тариқига үтди.

Бундан ташқари, Рум үлкасига қарашли узунлиги ва кенглиги (эътибори) билан мазкур ер (Рум)га тенг бұлган Қараман вилояти жаҳонгирликка лозим булған күп тадбирлар ва беҳисоб ҳаракатлар билан «қанча шукр қилсанг (неъматимни) шунча зиёда қиламан»нинг мазмуни билан фармон-имиз) остиға кирди.

Ва яна, Қошғар томонидан бир қанча бошлиқ ва сардорлар олий останада лутфан қабул этилиб баҳтиёр булдилар (ва) улар у томоннинг волијиси ва ҳукмронининг содиқлик ва эътиқодни англатувчи аризасини ҳамда итоат ва бўйсуншиликни иқрор этувчи маълумотномасини келтириб, (бу олий даргоҳни) поїқадамлари билан мунаvvар этдилар.

Шунингдек, (шу) бўй (ҳам) тарапдикі, шу вақтда, у адолат самарасининг мунаvvар кўнгилларига ёмон асарлик шиаларга қарши зўр жиҳод ва ғазот дағдағаси тушибди. Биз ҳам бирлик ва ҳамжиҳатлик юзасидан тамоман хайрлик булмиш бу ишга азм қиласиз. Аммо, то ҳанузгача у шавкат

панақға қатор коғирлар туғайли хотиржамлик мұяссар бұл-
маган экан, биз мазкур ният юзасидан пешқадамлик қилиб,
гүрух-гүрух мұзаффар асарлық лашкаларимизни бебош қи-
зилбошлар устига юбордикки, мұхлис, вафодор әлчингиз (бы)
вокеаларнинг суратини күрди (ва) ундан сұнг рухсат олиб
қайтиб кетди.

Шу кунлари жанговар сипоҳларимиздан бир гурухы фар-
мона мувофиқ у диёрға бостириб кириб Болон Мурғоб
вилоятининг йигирмата мұътабар қалъаси ва уларнинг ҳоким-
лары билан бирга құлға кирилдилар. Шу ондаәк ул жойла-
рининг халқы тишини «Тоҳо ва Ёсин»ни¹⁵ үқиш, халифайи ро-
шидинларга таъзим шүлида тобелик қилишга очиб, асхоблар-
нинг лақабларини үзларига қубба қилдилар.

Б айт:

Күл ва түлдан ниманки келса,
унинг шукрини қилемшликни ҳам үхдасидан чиқмоқ зарур.

Бас, дүстлик ва ҳамкорлик мұносабатларининг хусусият-
ларини құриқлаш борасида (шу) мұносиби, сұнгги кунларни
ҳам оқылона равища (бир-бirimizga) әлчилар ва мактуб-
лар юбориб туришга сарфлаб ажойиб ҳамжиҳатлик равна-
қини оширмоқ керак. Шунга асосан подшолик ишларидан ва
султонлик хизматининг қонун-қоидасидан огох бүлган, әъти-
қодни кучайтирувчи, хоназод бандаси Назарбий доддохни
у томонга (Хиндистонга) жұнатылдики, токи ҳузурларига
етиб борган вақтда әлчилик одобининг Муддаоси ҳамда ва-
киллик одатининг шарт-шароитини баён этиб ва англатиб,
дүстлик асосини ва ҳамжиҳатлик қоидасини мустаҳкамласин
ва кучайтирсın. Мұқаррарки, (унга) тезроқ (қайтишига)
рухсат беріб, тутиб қолиш ва кечиктириш хоҳишини құлма-
салар.

Интиқом шамшири ва қонхұр қилич ислом дини душман-
ларининг томиридаги қонларидан ҳамиша қызил ва қип-қызил
бұлсın, пок парвардигөр ҳақи.

ҲАЗРАТ АБДУЛАЗИЗХОННИНГ ХИНДИСТОН ПОДШОХИ (АВРАНГЗЕБ)ГА ЕЗГАН ЖАВОБ МАКТУБИ*

Бекіең ҳамд ва муқаддас асос сано әгамга лойиқдирким,
«оллох бор әди, у билан бирға ҳеч нарса бұлмаган» (ҳадиси)

¹⁵ *Toҳо ва ёсин* — «Қуръон»даги иккى (20 ва 36) оятларнинг номлари
бұлыб, уларнинг бу йиғиндиси Мұхаммад пайғамбар нисбати сифатида
ишлатылади.

* Ушбу ұжжат Субхонқулихоннинг Хиндистон шоҳига езған макту-
бидир. Бу ерда хаттолар хатога йўл қўйиб «Абдулазизхон» деб кўчири-
ғанлар.

нинг аввалидан то — «бугун мулк кимниги» (ояти)нинг ниҳоясигача кенг ўлчанган мамлакатнинг янгиланиши (ҳам) биргина уникидир. Файз билан тӯла, қулоқ солишлиқ вожиб «гараз» ва гоятдан ҳоли фармоннинг унвони «Бўл, деди; бўлди» (ояти) у (тангри)гагина хосдир. Элчи ва мактублар юборилиши унинг улугворлиги ва олий мартаба эгасидан дастурдир. Ҳидоят йўлини тутувчи яхши хислатлиларнинг тўғри йўлга бошлаши унинг салтанат ва иқбол пешгоҳидан ҳужжатдир. Номдор элчини юбориш билан миллат ва дин қопун-қондасини мустаҳкам қўлди.

Муқаддас салавот қувончи ва буюк саломнинг армугони (шундай) расулга мансубки, «Олло таоло ҳаммадан аввал менинг нуримни яратди» (ҳадис)нинг ибтидоидан то — «мен сингари бошқа (пайғамбар) бўлмайди» шарофат хотималикнинг охиригача муборак соат вақт (ҳамда) итоати лозим элчилик (ҳам) уникидир; оқибати саодатли тушунча: «ва локин, расулиллоҳ (яъни Муҳаммад пайғамбар) — пайғамбарларнинг сўнгиси» (ояти) пайғамбарлик муҳри ва сўнгги элчилик унга хосдир «Ва сўнг яқинлашди» қадрининг баландлигидан (тангрига) икки қавс оралиги даражасидан (туришидан) ёки жуда яқин туриши даражасидан оламга «раҳмат» мартабаси тушди (ва у мартаба) ҳидоят йўлини курсатувчи асхоблари учун — танги улардан қиёмат-қойимгача рози бўлсин — ҳужжат бўлди.

Сўнг, хилофат офтобининг машриқи, адолат қуёшининг матлаъи, машҳур подшоҳлар хulosаси, комкор шаҳриёрлар сулоласи, ҳаққоний, тўғри йўлни маҳкам тутган, аҳли түғён ва аҳли исёни ҳалок қилувчи, кофириларга қарши курашувчи, ёмонлар душмани, Фаридун қувватлиқ, искандарасарлик, фалак қадрлик, осмон соябонлик, ҳалойиқпаноҳ ва ҳақиқат огоҳ ул (жаноб)нинг ойинага үхашаш кўнглида (шу нарса) қарор топсин ва нақшлансанки, дўстлик ва ошнолик алоқалари ҳамда бирлик ва ҳамжиҳатлик воситалари — яъни дўстликнинг жами мазмуни ва бирликнинг барча маъниларини ўзида тўплаган килькинг гавҳартизма тасвири баҳтиёр фурсат ва саодатманд соатда етиб келиб, бағоят хушдиллик манбаи ва бениҳоя қувончнинг сабаби бўлди; беҳисоб фатҳлар эшигини очган қувончга тӯла мазмундан шодкомлик дарвозалари ва ҳуррам эшиклари кенг очилди. Ҳа, доимо фармонраволик орзуисида ва (бошқа) мамлакатларни фатҳ қилиш хаёлида бўлган салтанат тахтининг тўрида ўлтирувчилар ва адолат бисотининг мумтозлари учун қандай ҳам хайрли иш фатҳу зафар (хабари)ни эшитишдан қувончлироқ ва қанақа ҳам воқеа муваффақият ва ғалабага оид хабарни билишдан мўтабарроқ бўлсин. (Шунга кўра), шоҳлик нозирининг кўн-

тил қўзгуси ақлни занг ғуборидан тозалаган ва жаҳонгирилик асбоби ҳар бир иш юзасидан тайёр қилинган, хурсандчилик билан тўлиб-тошган шу кунларда тангри йўлида кофириларга тамоман қарши курашмоқликтининг ҳукми билан оллоҳ даргоҳидаги бу ниёзманднинг ҳоҳиши шундайки, жанг жадал майдонида ва ғазавот жавлонгоҳида фалакни (ҳам) олуви чи ва дунёни кезувчи саманд отга жавлон бериб, исломнинг ўтиқир қиличини ва интиқом денгизини душманлар қони билан кетма-кет баҳтиёр қилмоқ зарур. Ута баҳтесизлик асари ярамас шиалар (дили)га илтижо қилиб, баъзи бузуқ хаёллар пасткаш фикрларига йўл берганлиги аниқлангандан сўнг, мазкур орзу кучайди ва мустақкамланди. Хайрлик дилимизда нимаики марказлашган бўлса, (энди) ошкор бўлди. Дўстлик одатида бир-бирига бадандиши бўлиш мукаррар душманлиkdir. Шундай бўлгач, адолат дастгоҳ ул жанобни ҳозиргача у худудга ғазавот қилиш ишларидан (сўзлаб) хушнуд қилинганича йўқ. (Энди эшитинг): бу бошдан-оёқ саодатлик юришини амалга ошириш йўлига киришилди ва ҳаракат қилинди: фавж-фавж зафар асарлик лашкарларни бузгунчи қизилбошлар томон жўнатдик (ва) урущда мағлубиятга учрайдиган (қизилбошлар)нинг аксарияти ҳалокат жарига қуладилар ва ҳароба хонасида қолдилар.

Оллоҳга шукурки, бир минг бир юзинчи, илон йилининг рabiyal аввал ойида кўп қалъалар ва тақрорлаб бўлмайдиган жойлар, хусусан, Эрон мамлакатининг калиди ва Хурсоннинг дарвозаси ҳисобланмиш Болои Мурғоб вилояти босиб олини ҳамда қизилбошларнинг кўпгина ишончлик номдор кишиларидан бўлган, ул мамлакатнинг ҳокимлари асир олиниб, хилофат пойтактига келтирилдилар.

У жойларда алангланган қирғиннинг кучли ўтидан ва жанг жадал шиддатидан Ироқ ва Хурсон аҳли қўрқувга тushiб, тиллари сўзлашдан қолди ва асхобларнинг лақабини ўзларига гумбаз қилдилар ва (буни) ўзларига одоб билдилир. Улар суннӣ (мазҳаби) ҳақиқатига ишонтирилдилар, уларда (илгари) шиа нопоклигидан бўлак одоб йўқ эди. Ул ўжар гуруҳнинг масжид ва ибодатхоналари жума ва жамоатнинг турар жойига ҳамда тоат ва ибодат маҳомига айланди. Минбарларнинг энг баланди ва маншурлар¹⁶ важҳи бўлмиш «Тоҳо ва Ёсин»га бўйсундириш ва халифаи рошидинга бўлган таъзим қайта тикланди ва («Тоҳо ва Ёсин»нинг) овозаси баланд бўлди.

¹⁶ Маншур — пайғамбар томонидан ҳалққа қаратса имон келтириш учун қилинган мурожаатнома.

Босиб борувчи аскарларнинг таъқиб қилиб кириб боришдан у жойлардаги нодон каллалар шундай тафаккур ва хаёл таңглигидан, маҳбуслик ва улоқтириб ташлаинганлик (холи) даларким, ватанини тарқ этишдан ва ўз жонидан кечинидан бўлак бошқа бирор мұхим иш қилишга фурсатлари йўқдир. (Байт):

Ҳеч ким унинг тоқат шукрини қилолмайди,
Магар бисенинг тұхфамиа ожизлик ва мұхтожлик бўлса.

Аммо, (бандаларига) нињомлар берувчи ҳазрат (таңгри) шамшир хайр мавжининг булути билан ишфоқ аҳлиниңг ишпок вужудидан ювиб ташламагунча роҳат ва осойиштадик таҳтида бир лаҳза ҳам хотиржамликда ултирмаелик лозимдир. Очиқ-равшанки, агар шу мақеадин рўёбга чиқариш йўлида ургамизда ўзаро ёрдам қуввати ва иттифоқлик қудрати куч ва зуҳр топса ва у бир тўда ҳасларга иисбатан мажбур этадиган оташ алангаланса, (унда) у баҳтесиз тоифадан қулдан бўлак ному ишон қолмайди, балки у ўлқанинг ҳамма тарағига нур барқ уриб сочади; саҳий миллат зиёсининг ва шариат қўёшининг жилолик нури — таңгри (бандаларини) қоронгулик ва зимистойдан сақласин — барча жаҳонининг ҳамма бўлакларида ярқирайди ва порлайди. Қуёш ва Муштарий ҳар бири бир бурҷда самимий ҳолатда барқарор бўлгач, қандай қилиб ҳам шундай бўлмасин. (Улар) мувофиқлик фалаки ва ҳамжиҳатлик осмонида яқинлашиш ҳолатида бўлганларидан гариб ишлар манбаи ва ажиб йўсунлар масдаридир. (Жаноблари) исломийя фирмасида ҳукм қилишда ягона (шахе) бўлганларидан (улар) таассуб енгини астойдил шимаришда ҳамда юқори мартаба эгаси бўлганларидан тақвода ҳам саъи-ҳаракат қилишлари лозимдир.

Ушбу воқеалар хабарини етказиш ва қон-қариндошлик лойиҳаси (у жанобининг) муқаддас хотиралари хурсандчилигига сабаб бўлур, деб ихлосманд ва эътиқод атвор бандамиз, мазкур ғазавотда иштирок қилган (ва) бўлган воқеалар тафсилотини муфассал биладиган Шоҳбекбий элчилик расми билан ул вилоятга юборилди. Элчиликка лозим бўлган маросимларининг ижросидан хотиржам бўлгач, (унга) тезлик билан қайтишига рухсат берилиб, ортиқча ушлаб қолмасалар ва тўхтатиб турмасалар.

[ХИНДИСТОН ШОҲИ] АВРАНГЗЕБ ПОДШОҲНИНГ [СУБХОНҚУЛИХОНГА] ЕЗГАН МАКТУБИНИНГ НУСХАСИ

Бекиёс одил (таңгри)га ҳамду санолардан сўнг (чуни) мулк ва мол унинг улуглик қудратининг ато қилганларидан-

дир ва копиот зарралари унинг бекиёс косининг¹⁷ (ҳамда) заволенга зилолининг наарвардаендири — сон-саноқсиз саломлар баҳтиёр, мақталгай найгамбаргаки, у одамзодга янгилинишиниг қон-қора тунида ҳидоят нури билан раҳбарлик қилиб, уларни мақсадлариинг сарманзилларига етказди ва унинг комёб иштэйдоди мукаммал, ҳар нарсадаи хабардор, гуноҳни кечирувчи ва ҳадия берувчи худовандининг раҳматидан булиб, (унинг) кибриё асоси (ҳассаси) ишон ва руҳлар жонини силкитди.

Улуглик ва жамол саронардаси маҳрамининг ул камол тоғиғи хонадонинг ҳамда жазо ва ҳисоб кунида гуноҳкор (бўлмиш) қари ва ёшлилар жарималарига шафи бўлувчининг шуҳратлик асхобларига маълум бўленики, баланд мартабали, олий хислатлик, юкеаклик ва шавкатпаноҳ, ҳашамат ва ишон-шавкат дастгоҳ, шикоат ва ботирликни тамоман эгаллаган, шавкатлик ва олий хонадониниг хулосаси, азиз ва улув онланиниг покизаси, иномдорлик нурларининг зуҳури, баҳтиёрлик аломатининг масдари, салтанат ва жаҳондорлик гулшаниниг ишоли, фалак ҳокимиётининг гумбази, улуглик доирасининг маркази, жасурлик зарраларииниг ёргу нури, давлат узугининг кўзи (яъни Субхонқулиҳон)нинг ойдек муниавар кўнгилларида маҳфий ва пинҳон қолмасники, (ул) шавкатлик ва олий хонадон покизасининг хонлик таҳтида ва ҳукмронлик ёстуғида қарор топғанилигининг хабари мунисиб ва буюк қулогимизга етиб келганди, муаттар бўй илтифотимизининг табриқномаси билан элчи юборини иштаган эдик. Аммо, Муҳаммад Сиддиқ ўта подонлиги ва ёшлилк ғуури орқасида ўз мавқе андозасидан чиқиб, ўз ҳуқуқини бўйсунмаслик билан алмаштириб, ўша яхшилик йўлини тутган сарзаминда түғён ва исён кўтарган эди ва у томонининг йўллари тўс-тўполон ҳамда фитначилар тартибсизлигининг хас ва хашагидан тоза бўлмади. (Шунга кўра) бу маъни (яъни элчи юбориш) вақтинича кечикди ва бу иш аинча кейинига чўзилди. Эндиликда эса исёниниг ўти ўчган ва у томон худулларининг иотинич дараҳти таңгрииниг тез эсувчи тақдир шамоли билан қулаган экан, жаҳонпаноҳ даргоҳининг яқин кишиларидан, одобда азamat ва фалакдастгоҳ боргоҳининг оғоди бўлган, шикоат нишон хонзод Забардастхонни (у томонга) юбордикки, у (сизни) хонлик болиши билан (таҳтга) ўтиришинигиз ҳамда иқбол ва комроилик таҳтига чиқишинигизни табриклиш маросимиини амалга оширенни ва у сурʼан ҳашаматпаноҳ, шавкатдастгоҳ шоду хуррамлигининг боиси бўлмини баъзи буюк ва шавкатли ҳодисалар ҳамда улуг ва баҳтли

¹⁷ Кос — катта барабан, яъни осмон майносида.

воқеаларнинг муфассал хабари билан қайтиб келсин ҳамда муаттар бўйли хома (эса) бу (воқеалар)ни зоҳир қиласди, (албаттага).

(Ўзимиз хусусида қўйидагиларни баён қиласмиз) бепоён Ҳиндистоннинг катта заминдорларидан бўлмиш ва файз пайдо этувчи ушбу (мамлакатнинг) чегарасидаги йирик ҳокими-ларидан ҳисобланмиш Ронодан жузъя олиш нияти билан жаҳонкушо байроқ ва оламоро туғ дорулхайр Ажмир томон кутарилди. Муҳаммад Акбарни музaffer қўшиналар сардори қилиб, у мазкур кофири ҳар томондан исканжага олиб ўраб олган эди — у бадномни қириб ташлаш учун юборган эдик. У (Муҳаммад Акбар) ёшлиги туфайли ва тажрибасизлиги орқасида ўз қиммишларига яраша бўлган ва нимаики кўрган бўлсалар кўрган тоифаларнинг фириб ва алдовларига учиб, узоқни кўришлик водийсидан юрмади, ўзини исенга мансуб қилди, ўз мавқеи ва мартабасини билмади ва шу сабабли у туғ тутган мужаҳидлар ва баҳромкирдор туғ тутганлар дастидан Ҳиндистон вилоятида ҳеч бир ерда қароргоҳ ва манзил топмади (ва) ночор ўзини Сивонинг кофир, урушқоқ ўғли Синхга қарашли тоғ оралиғига — бу ерда олиб бўлмайдиган қалъалар, баланд қалъачалар, дараҳтлар билан қопланган чангальзор ва юриш мумкин бўлмаган душвор жойлар кўп урди.

Мазкур Рено жузъяни тўлашда қатъий туриб олганидан ва буни ўзининг авлод-аждоди учун номус деб ўйлаганидан сунг, (кўп ўтмай) жузъяни ўз хоҳиши билан тұлади. Шу вақтда пешма-пеш (бизга) бож тұловчи, фармонбардор ва фалакмадор давлат(имиз)нинг иноят қулини ушлаган Бижопур волийсиининг Синхнинг зулмига қарши доимий ёрдам сұраб қилған аризалари жаҳонпаноҳ саройга етиб келди. (Синхнинг) Декҳан томондаги раъият ва халқа қилған зулми адлу адолат пешгоҳида маърузага етди. Файзли марҳаматларга шукрким, улуғ моликул мулк (тангри) жаҳондорлик эшикларининг калидини ва шаҳриёрлик воситаларининг тартибини бизнинг азamat ва қодир кафтимиизга қўйди ва илтифотларга миннатдорликким, олам ҳукмдори (тангри) [Ҳиндистон] чегаралари ва йўлакларининг ва жумла жаҳон халқлари матлаблари хоҳишини ушлаш жиловини бизнинг буюқ ва ихтиёр қулимиизга тутди. Кенг мамлакат(имиз)нинг ўлка ва атрофларининг сатҳи ва чегарасини ҳамда улкан вилоятларнинг шаҳарларини ўз ҳимоямиз бағрига ва мудофаа и хотамиизга олиб, ёвуз ва ўжар фитначи тоифаларнинг ҳақоратидан асрардан бошқа ниятимиз йўқ. (Шунинг учун ҳам) жаҳондорлик ҳиммат(имиз)нинг зиммасига лозим бўлдики, жаҳонгир ва олами кезувчи қўшин ва гардун мисол ва қуёш

сифат чодир — олий пойқадам (имиз) соясини, Декъан мулкининг майдони устига ташлаб, аҳолисининг осойишталигини таъминлаш ва душмани қўлга тушириш ҳамда (мазкур) кофирни орадан кутариш зарур. Шу онда исёнчи олам богини ўзига танг кўриб ва зиқлик чангали ҳамда надомат оташда эриб, ул кофирнинг куч ва қуввати ўз ишида тўхтаб ва (унинг) қудрату қодирлиги ҳаракатда самарасиз қолди. Сўнг у (ўзининг) пасткашлиги ва жиноятларини кечиришни сўраб аризалар юборди. (Ўзи учун) барча восита ва илтиносларни ишга солиб, абадий халифатнинг осмондек баланд рутбалик сароий остонасини ўпишга (рухсат қилиш)ни илтинос қилди. Шу бир-икки йил мобайнида (уша) ёвуз кофир шималарни ҳам кўрмади: унинг кўп вилоятлари музaffer низомлик ислом қўшинлари отларининг оёғи остида поймол бўлди, бундан фақат сипоҳлар тарааддудига жой бўлмаган ва шижаотлик жангчиларга жанг майдони ҳисобланмайдиган фор ва чуқурликларгина мустаснодир; у (фитначи) зиндан ҳукми ва жаҳаннам йўлига эгадир. Унинг ўлкаси тасарруф ихота (миз) га кирди ва голибкор давлат валийлари (миз) томонидан босиб олинди ва у урушда мағлуб бўлган ҳаробхонага муносиб бўлди. Бу ақлсизлик ишидан юз ўгириб (кечирим сўраб) келмоқчи бўлди. Аммо, гуллаб-яшнаган Декъандаги озор чеккан бечора ҳалқни (ўз ҳолича) қолдириш маслаҳатдан бўлмагани учун жаҳонкушо азимат (имиз) шунга қарор қилди, у тор-мор этилган, таг-томири билан йўқ қилинади, (токи) бу ерларда қайтадан пайдо бўлмасин ва унинг истаги амалга ошмасин. Ишоолло таоло поёнига яқинлашган ишлар (тез фурсат ичидан) саранжом топади ва фатҳу ғалаба ҳамда зафару баҳтиёрлик билан биз кишворкушо, тезюар, жаҳонни кезувчи отимиз жиловини хилофат таҳти томон илтифот билан қаратамиз. Карамли муддао «аммо, оллоҳнинг мурувватини уларга (ҳам) кўрсат» (ояти)нинг тақозосига кўра, булут тангрининг марҳаматларидандир.

Ниҳоясиз илоҳий неъматлар шукридан сўнг, ҳома баъзи янги фатҳлар шарҳини қисқа ва лўнда, тоза ва ажойиб услубда баён қиласди. Тангрига шукр ва (ундан) миннатдормизки, шу баҳтиёр анжомлик кунлар Қашғар вилоятига туашган жойларга қилинган юриш деярли ғалаба билан тугади. Тоғу тепаликларнинг кўплигидан у тоғлик ерни босиб олишни тасаввур қилиш маҳолдир ва улуф иқболли сultonларнинг (бу ўлкани босиб олишдаги) ишларининг сариштаси доимо уни қўлга киритиш мумкин эмаслигига дучор бўлган эди. Ниҳоят (бу ўлка) абадий давлат (имиз) валийларига насиб бўлди. Чумоли ва чигирткадан кўп, сурбетлик ва бебокликда шер ва йўлбарсдан ҳам баттар (бўлган) қалмоқ қав-

миға қаттық танбек берилди ва (бизнинг) қонга ташна қилимиз даҳшатидан жанг дарёсидаги тимсоҳлар ва урушқоқ нўлбарслар ўз бошларини панага тортдилар.

Шунингдек, Декҳан мамлакатида кенглигиги ва катталиги билан машҳур бўлган Жонда вилояти ҳамда (қўшинларининг) беҳисоблиги ва шон-шавкатлари билан мағрур бўлган у ер чегарасидаги ҳокимлар ҳам бўйсундирилди. Мамлакатларни фатҳ этувчи давлат(имиз) соф (қўшинларининг) қақшатғич зарбасидан мазкур тор-мор қилинган заминдор кўп уриниш ва курашлардан сўнг хорлик ҳокига ўтириди ва қочиш водийсини нажот манзили деб билиб, қочиш иснодини ихтиёр этди ва ислом лашкарларининг ғозиилари қўлидан қатл шаробини ичди. Ва жаҳондек кенг ул жой олий мақом даргоҳ бандаларининг тасарруфи билан ороиш топди. (Шунинг учун ҳам) «оллоҳга ҳамиша беҳисоб, муттасил шукур билан унинг етарли неъмати учун шукур қил ва соф, баракали ва астойдил, мақташ билан унинг тӯла карами учун (уни) мақта».

Мазкур элчи [Бухорога] етиб бориб элчилик вазифасини адо этгандан сўнг, уни ортиқча ушлаб қолишга рози бўлмай (унииг қайтишига) тез рухсат этсалар. Адолат, инсоф ва олийлик равнақи оқибати баҳтиёр, олий мақом ота-боболарнинг мақтовига сазовор яхши сифати билан давр(ингиз) га мансуб бўлсин.

ҲАЗРАТ ХАЛОФАТПАНОҲ [АБУЛФАИЗХОН]НИНГ ҲИНД ВИЛОЯТИГА ТАБРИҚ ЮЗАСИДАН АМОРАТПАНОҲ СУЛТОНБИЙ ҚУШБЕГИ ЭЛЧИЛИГИ ОРҚАЛИ ЕЗИБ ЮБОРГАН МАКТУБИ

Тангрига шукурлар ва (ундан) миннатдор(миз)ки, коннотни барпи қилган ва мавжудотлар парвардигори (томонидан) инъом (қилинган) султонликнинг барчага баробар файзи ва булут фазлидан — «айт, оллоҳ мулклар молики; у хоҳлаган (киши)га мулк ато қиласи» (деган) яхши оятнинг далили билан инсонларнинг мақсад ва хоҳиш дарахти шохчаларининг гүнчаси олий даража ва яхши мартабада — «хоҳлаган (киши)имни азиз қиласи» фотиҳанинг хушбўй иси билан яшнаб, улар турмушининг ривожи ва тараққиётига восита бўлмоқда. Умид-истак ниҳоли, улуғлик ва шавкат, юксаклик ва баҳт кучати, кудрат ва иқбол шажараси, улуғвор, ходим, олий даргоҳнинг олий мақоми ҳашамат ва адолат равнақи, саодат ва шарофат рамзи, илтифот ва марҳаматнинг пайти, ҳазратоллоҳ «ли маъъоллоҳ»¹⁸ хабарларининг масдари,

¹⁸ Ли маъъоллоҳ — суғизмга оид терминлардан бўлиб, «оллоҳ билан яқинлашиб, бирлашиб кетган» деган маънода.

фуқаро ва уламонинг бош паноҳи, фузало ва ҳалқлар қароргоҳи, арши аъло манзиллик ва фалак мартабалик (жаноб)га ҳамиша океандек карам, денгиздек марҳамат ва ҳазрат каримул-акрамликини «мен сени ер юзида халифа этдим (токи) ҳалқлар орасида ҳақиқатни ҳукм қилгил» (оятининг) ижроси билан ва «юқари даражада (мақом)га кутариш» (ояти)нинг тақозоси билан донмо серунум этиб, кишваркушолик байроғининг моҳасини (ойчасини) порлатсан, тангри ҳимоясидаги ул давлат хайриҳоҳларига (бир) шабистон (осойишталик бахш этувчи) бўлсин.

«Оллоҳга шукр қилиш (билан) неъматлар устига неъматлар қўшилади». Қудратли ва ягона ҳазрат (тангри)нинг илтифот марҳамати билан давр келинчакларининг хуршид рухсори ва замон қизларининг қамар ороси жавҳар ва лаъллар билан ҳузуру сурурни безади.

Шу хуш ва интизом ӯрнатилган кунларда «У — оллоҳ марҳамати, уни хоҳлаган (киши)га беради» деган (оят) ишорати билан ҳожатлар қозиси (тангри) даргоҳидаги ҳожатмандинг бахтли зотлигидан ва баракасининг зиёдалигидан шаҳарларда яшовчиларнинг муддаолар чеҳраси ва мамлакат ҳалқларининг пешонаси фарофат ва осойишталикнинг гулгул очилиши ҳамда омонлик ва тинчликнинг нақши билан тамом зебу зийнатланди; ҳумоюн лақабимииздан ислом минбари зийнатланди. Фуқаро ахволининг чамани ва раъиятнинг умид гулшани (бизга) ҳайриҳоҳларнинг ёрдами билан жабр шамоли ва тӯфон туғёнидан саломат бўлиб, ҳамиша эмину омонлик боиси бўлмиш мунаvvар зотимизнинг сиҳат-саломатлиги тилга олинниш даражасига етди.

Бу мислсиз ҳадаяларнинг шукронаси билан муаттар хотир- (имиз)нинг мулоҳазаси ва файзлик кўнгил манзури шулки, ўз мақсадинигина кўзлаб пиёда юрувчилар ва мақсадсиз майдонда жойида туриб қолганлар мақсад бисотида ва талабларнинг катта йўлида умид юзларини дилором от устида (бизга) қаратиб, фарзин юришда ҳодисаларни банд ва филни мот қилишини (бир-биридан) фарқ қилмадилар ҳамда дустлар йигинида умид кўвачасидан тотли ва лаззатли бўлиб, талхкомликка юзлантирувчи мастлик қултумлари ва (кишини) иккилантирувчи соғирдан бесаранжом бўлмадилар.

Бахтиёрлик билан эгизак бўлган шу вақтларда дустлик гулистонининг севинчли майин шаббодасининг элчиси у буюклик саройининг тўрида таҳтда ўлтирувчи ва адолат айвони суфасидаги таҳтга муносибнинг давлат қуёшинининг тулуъи ва адол нурлари пайдо бўлгани ҳақида хабар келтирди. Бу хабар хотир бўстони райҳонларига тозалик ва кўнгил боғлари сунбулларига равнақ бахш этди; дил ғунчаси садбарг

(юзбарг) бўлиб очилди. Ва бошда охиригача саодатли бўлган ул дустогоҳ (подшоҳ) зотининг саломатлигининг қувончидаи кўнгил тинчлик ва севинч боиси зиёда бўлди.

Ниҳоятда сидқи диллик билан ул олий жаноб ходимларининг тинчлигини истайман. Карим (тангри)нинг олий жаноб марҳаматларидан бу банданавоз, мусулмонларга хайриҳоҳ, ҳушердирки, унга карамлик ота-боболаримиз ва улуғ аждодимиздан мерос бўлиб қолган бу олий ҳимматлик ва комронлик мусассар бўлди ва абадий бўлиб қолади.

Буюк ота-боболаримизнинг ризолик йўли дўстлик ва (олий) мақсад қондаларини мустаҳкамлаш бўлиб, элчи ва мактублар юбориб, мувофиқлик ва ҳаққониятни изҳор қилиш экан, лозим ва зарури шулки, бизнинг қайта тикланган ва авлод ва фарзандларимизга тақдим қилинадиган расм-одатимиз (яъни дўстлигимиз) ўз хусусиятини янада кучайтирган ҳолда вожиб бўлмоғи керак.

Шу маънини ҳосил қилиш учун амирлик паноҳи, вилоят дастгоҳ, шак-шубҳасиз давлатгоҳ, тўғри эътиқодлик, марҳаматга лойиқ, ҳоназод иноятига қобил; авлод-аждодидак тортиб олий останамиз ғуборини тобелик кўзига тўтиё деб билган, ажойиб одоблик ва мақтовга арзидиган ахлоқлик, мулозиматнинг қонда ва дастурини яхши тушунадиган, адаб таълими ва таъзим одобини биладиган Рустамбий Оталиқнинг ўғли Султонбий доддоҳни элчилик (расми) билан ва фирузбаҳт таҳт(ингиз)ни табриклиш важҳидан у томонга элчи этиб тайин қилинди, бориб камол ҳамжиҳатлик хусусияти шаронтларига рися қилиб, бирлик расм-қондаларини қўнгилдагидек натижалик қилиб ва мустаҳкамлаб, сўнг қайтади.

Қачонки, (хузурларига) ташриф буюришдан мамнун бўлиб, бандалик лозиматини ўрнига қўйса; унга топширилган зарур ишлардан нимаики эшитилса қулоқ бериб (унга) икбол даражасини (яъни қабул этиб баҳтиёр қилишликни) муносиб курсалар.

Хилофат ва комронлик кунлари абадий ва давомли бўлсин. Пок парвардигор ҳақи!

АБУЛФАИЗЈНИНГ МЕХТАР УБАИДУЛЛО ЭЛЧИЛИГИ ЖИҲАТИДАН ҲИНДИСТОН ПОДШОҲИГА ЄЗГАНЛАРИ

Тангри файзининг мадади ва пок парвардигор карам булатининг томчилари билан меҳру муҳаббат ва ҳамжиҳатлик раҳёнларининг муаттар иси ҳамда улфат ва дўстликнинг хушбуй сабоси, ҳалқ тоифаларининг умид чамани, барча инсон синфларининг тозаликни ортирувчи мурод гулшани равнақ топсин!

Осмон комронликнинг абадий тахти ва фалак жаҳонбонликинг доимий маснади, шон-шавкатли ва жаҳонгириликнинг бисоти, бирламчи баҳт-саодат, (худонинг) латиф ходимларининг унсури, ҳашамат эгаси, олий мақом, қутлуғ анжом, саодатманд, салтанат хислатлик, Искандар мартабалик, Жамшид шавкатлик, Баҳром савлатлик, юлдуз сипоҳлик, адодатдастгоҳ, шарофатогоҳ, давлат буржининг юлдузи, ҳашамат дуржининг¹⁹ иқбол гавҳари, Шоҳлик оила сулоласининг улуги, шаҳаишоҳлик хонадонининг хуласаси, шиҷоатлик ва ботирликнинг сара жавҳарлари, шавкат ва карам хазинасининг гавҳарлари, доно шоҳлар ниҳол боғининг меваси, улуғ мартабали кишваркушо султоилар умидининг натижаси, шон-шүҳратлик, олий даргоҳ ва олий мақомнинг — тангри унинг меҳрибонлик соясини то қиёматгача мусулмонлар учун абадий зиёнат, мартаба, муборак ва баҳт этсин — ҳоҳиш ва матлаб баҳористони дарахтлари шоҳларининг гулларини замонининг совуқ шамоли ва давр макрининг туғонидан сақласин ва асрасин; у олий зотнинг (тобора) ортиб борувчи құдрат ва иқтидори ҳамда кучайиб борувчи азимат ва эътиборини то гардишсифат айланувчи фалак чархининг инқирозига қадар замоннинг шум құлидан ва кеча-кундуз оғатидан узок қылсин.

Алҳамдиллоҳ, давлатимиз тонгининг ва ҳашамат нури-мизнинг барқ ургандан бошлаб мерос мамлакатнинг (бу нурдан) күплаб фойда топган қальаларида истиқомат құлувчилар ва шон-шүҳрат өрттирган ерларда яшовчилар тамом шод-хуррамлик важхидан таърифга сиғмайдиган қувончга эга бўлдилар. Барча раъият ва ҳалқлар омонлик ва фароғат бешигида ором тспиб, давлатимизнинг барқарорлиги ва абадийлигини ўз олий матлаблари деб билиб қувонмоқдалар. Шунга биноан, жалоли аҳадият (тангри)нинг кундан-кун қилаётган янги ҳадялари билан давлатимиз бойлиги ва шавкатимиз воситаси кучаймоқда ва күпаймоқда. Пок парвардигор даргоҳидаги бу ғиёзманднинг ҳақиқатни танлаган хотир пешгоҳида ҳар киманки қарор топган бўлса, гайбий мададнинг баракаси билан унинг маҳсул нурлари бутунлай ва тамоман зуҳр этди ва порлади.

Шавкат ва салтанатпаноҳлар, чунончи, ўтмишда улуғ аждод ва хурматлик боболар «Сенга юборилган китоб — муборакдир» карим (оятининг) далили билан томонлараро әлчиляр юбориш расмига риоя қилиб, «одамлар орасидан сени танлаб олдим» (оятининг) қувватлашига асосланиб, мактуб ва саломномалар юбориш билан ҳар икки томон давлат ва-

¹⁹ Дуржи — қимматбаҳо буюм (тош)лар сақлаб қўядиган идиш.

лийларининг мұхаббат юзига мактублар эшиги очириб келгандар.

Модомиқи, үтмишдош ота-боболарнинг асосий йұлы улфат ва дұстлик машъалини әқишиң ҳамда ҳамжиғатлик ва бирлик силсиласини ҳаракатта көлтириш бүлган экан, бу маънилар сурати (бизнинг) хуршид хотирамизда ҳам жило беради.

Оқ қынғыл хотирамизда (шу) сақланғанки, келажак авлод билан бирликта үтмишдош аждодларимизнинг одатларини қайта тиклаш — давлат (ларимизнинг) юксаклиги ва ҳаққоний ишимизнинг мустаҳкамланишига сабаб бұлади.

Суннаттың қайта тикловчи, қадимнің хоназод, дуруст эътиқодлы, саботникни самимнің іхтисос қылған, банда огох, жаһонпаноң ларгоғыннинг зодагон бандаларидан бири бүлмиш меҳтар Үбайдуллани савоб (тұғрилик) билан у томонға юборилди. Олның маргаба остоңа қабулидан ва авлод-аждодларимиздан тортиб үртада тартиб топған дұстлик лавозимлари адо қилингандан сүнг унға қайтиш учун муносиб рухсат бериліб, жаңоблари томонидан маҳсус меҳтар Поянда Боки ва Худойберди таҳвилдорлар билан бирга (юбориладиган) моллар уннинг (әлчининг) сүзига асосан у орқали юборилса, мазкур банда (әлчи) уларни каму күстсиз гардунмадор саркор (яъни Бухоро хони) ҳуэурніга көлтиради. Хилофат ва адолат айемтари (ҳамиша) барқарор бўлсин!

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Бухоро хонлиги ва Мӯғуллар империяси ўртасидаги элчилик муносабатлари	7
Бухоро хонлиги ва Мӯғуллар империяси ўртасидаги иқтисодӣ (савдо) муносабатлар	13
Бухоро хонлиги билан Мӯғуллар империяси ўртасидаги сиёсӣ алоқалар	21
Бухоро — Ҳиндистон муносабатларига оид ҳужжатлар (мактублар)	73

Низамутдинов И. Ф.

XVI—XVIII асрларда Ўрта Осиё—Хиндистон муносабатлари. Масъул муҳаррирлар. И. М. Ҳошимов ва Б. А. Аҳмедов. Т., «Фан», 1966.

117 бет. (ЎзССР. Фанлар Академияси. Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик ин-ти). Тиражи 1000.

Низамутдинов И. Г. Взаимоотношение Средней Азии и Индии в XVI—XVIII веках.

9(C5)



Ильяс Гулямович
Низамутдинов

ВЗАИМООТНОШЕНИЕ СРЕДНЕЙ АЗИИ И ИНДИИ В XVI—XVIII ВЕКАХ

Изд-во „Фан“ УзССР
Ташкент—1966

Мұхаррир А. Аҳмадхұжаев
Рессон Е. И. Владимиров
Техмуҳаррир Ҳ. Корабоев
Корректор Ҳ. Сағдуллаев

P03061. Теришга бералда 20/І-1966 й. Босишга рухсат этилди 12/ІІІ-1966 й. Формата 60×90
3,75 қофоз л.—7,5 босма л. Ҳисоб-нашриёт л. 7,0 Нашриёт № 1620. Тиражи 1000 Бадоси 50 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Л. Б. Шаstry кўчаси, 21. Зак. 36
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.